

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА МЕНЕЖМЕНТ”
КАФЕДРАСИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТВПКҚТМОИ ректори

_____ **Р.Қ.Чориев**

“ _____ ” _____ 2014 йил

**МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ УЧУН
«ПСИХОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ »
ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-МАВЗУ РЕЖА, ЎҚУВ ДАСТУРИ ВА
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

**Тузувчилар : Ф.А. Акрамова, И.Н. Асланов, Г.Д. Қўлдошева,
Д.К. Арапбаева, Ф. Ф. Расулова**

**Такризчилар: пс.ф.н. доцент Алимов Х.М.
пс.ф.н. доцент Дўсмухамедова Ш.А.**

“Педагогика, психология ва менежмент” кафедрасининг 2014 йил 8 январдаги 1 – сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва институт Илмий кенгашида тасдиқлаш учун тавсия этилган.

ТВПКҚТМОИ Илмий Кенгашининг 2014 йил 27 февралдаги 1- сонли қарори билан тасдиқланган.

Ушбу мажмуа Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги Ҳайъат мажлисининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 5/1-сонли қарорига биноан А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ва вазирликнинг 2012 йил 25 июлдаги 227-сонли буйруғи билан тасдиқланган таянч давлат талаблари, ўқув-мавзу режалар ва ўқув дастурлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 3 январдаги “Халқ таълими ходимларининг 2014 йил учун малака ошириш режаларини тасдиқлаш тўғрисида” 1-сонли буйруғи билан тасдиқланган режа асосида яратилди.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўқув– услубий ишлар проректори

Б.Ф.Ялгашев

Ўқув– услубий бўлим бошлиғи

Т.М.Бўриев

Кафедра мудири

И.Н. Аслонов

МУНДАРИЖА

1 «Психологиянинг долзарб масалалари» бўйича умумтаълим мактаблари турли тоифадаги барча фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси учун такомиллаштирилган давлат талаблари.....	4
2 «Психологиянинг долзарб масалалари» бўйича умумтаълим мактаблари турли тоифадаги барча фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси учун таянч ўқув режаси.....	5
3 Тошкент вилояти умумтаълим мактаблари турли тоифадаги барча фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари учун мўлжалланган “Психологиянинг долзарб масалалари” фанидан ишчи ўқув-мавзу режа.....	6
4 “Психологиянинг долзарб масалалари” бўйича барча фан йўналишлари бўйича ўқитувчилар малакасини ошириш курслари учун ўқув дастури.....	7
5 «Психологиянинг долзарб масалалари» бўйича умумтаълим мактаблари турли тоифадаги барча фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси учун маъруза матнлари.....	9
6 “Психологиянинг долзарб масалалари” курси бўйича тест саволлари банки.....	97
7 Адабиётлар рўйхати.....	101

Барча фан йўналишлари бўйича “Психологиянинг долзарб масалалари” ўқув модули бўйича малака ошириш курси тингловчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Ушбу ўқув модулини ўзлаштириши натижасида тингловчилардан:

–Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиши;

–халқ таълими тизимида психологик хизмат, унинг мақсад ва вазифаларини билиши;

–шахс тузилмаси ва шахс шаклланишининг қонуниятларини билиши;

–психологик, педагогик ташхис ва унинг таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишдаги ўрни ва ролини билиши, айрим психологик ташхис методикаларидан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

–педагогик ҳамкорлик психологиясини билиши ва уни амалиётда қўллаш малакасига эга бўлиши;

–ўқитувчи психологияси ҳақида тушунчага эга бўлиши, педагогик қобилият турлари ва уни ривожлантириш йўллари билиши;

–ёш давлари психологияси, бола рухий ривожланишининг ёш хусусиятлари, ёш сензитивликлари, ҳар бир ёш даврининг асосий фаолият турлари ҳақида тушунчага эга бўлиши;

–ота-оналар билан ишлашда оиладаги шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола шахси шаклланишига таъсири ҳақидаги психологик билимлардан фойдалана билиши;

–таълим ва тараққиёт жараёнининг психологик хусусияларини, таълим жараёни самарадорлигини таъминловчи омиллар ва улардан унумли фойдаланиш йўллари билиши;

–тарбия жараёнининг психологик қонуниятлари ва бу соҳадаги муаммолар, изланишлар, янгилик ва ютуқлар ҳақида маълумотга эга бўлиши;

–ўқувчи-тарбияланувчилар гуруҳларидаги шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари ҳамда жамоадаги психологик иқлим ва уни яхшилаш йўллари ҳақида билимга эга бўлиши керак.

**Барча фан йўналишлари бўйича малака ошириш курсларининг
“Психологиянинг долзарб масалалари” модули
ЎҚУВ-МАВЗУ РЕЖАСИ**

№	Мавзулар	Жами	Маъруза	Амалиёт
1.	Халқ таълими тизимида психологик хизмат. Таълим-тарбия жараёнида психодиагностика методикаларидан фойдаланиш.	2	2	-
2.	Ёш даврлари психологияси ва тарбия жараёнида уларни ҳисобга олиш масалалари.	2	2	-
3.	Қобилият ҳақида тушунча. Педагогик қобилиятларни ривожлантирувчи психотренинг.	2	-	2
4.	Оила психологияси. Оиладаги шахслараро муносабатлар ва унинг бола шахси шаклланишига таъсири. Этнопсихологик масалалар.	2		2
5.	Ўқув фаолиятини бошқариш психологияси.	2		2
6.	Шахс шаклланишининг умумий психологик қонуниятлари.	2		2
	Жами:	12	4	8

**Барча фан йўналишлари малака ошириш курсларининг
“Психологиянинг долзарб масалалари” модули бўйича
ЎҚУВ ДАСТУРИ**

1. Халқ таълими тизимида психологик хизмат. Таълим-тарбия жараёнида психодиагностика методикаларидан фойдаланиш (2 соат маъруза).

Психологик хизматнинг мақсад ва вазифалари. Таълим муассасаси психологи фаолияти йўналишлари (вазифалари). Мактабгача, умумий ўрта ва махсус таълим муассасалари психологлари ва уларнинг вазифалари. Республика Ташхис маркази ва унинг вазифалари: 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлик даражасини аниқлашнинг, психологик ташхис этишнинг, истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлашнинг, шунингдек, мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришнинг ташкилий, илмий, ахборот, дастурий таъминот соҳаларида методик ёрдамни амалга ошириш, болаларни соғломлаштириш тадбирларини мувофиқлаштириш. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими таркибидаги «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказ»лари. Бу Марказларнинг вазифалари:

Ўз хуудлари доирасида болалар ривожланишига психологик-педагогик жиҳатдан ташхис қўйиш, уларнинг қобилияти ва мойиллигини аниқлаш, болани 6 ёшдан бошлаб мактабга қабул қилиш тўғрисида тавсияномалар бериш, ўқувчиларни ҳар йили тиббий-педагогик текширувдан ўтказиш. Ота-оналарга фарзандларини ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоий мослаштиришда психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мактаб ўқувчиларига уларнинг қобилиятларини, касб-хунарга мойилликларини, қизиқишларини ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-хунар мактабларидаги таълим йўналишларини танлашда кўмаклашиш.

Психология фанининг тадқиқот методлари ҳақида. Психологиянинг кузатиш методи ва унинг турлари. Психологиянинг эксперимент методи ва унинг турлари. Психологик тестлар. Психологияда суҳбат методи. Психологияда фаолият жараёни маҳсулини таҳлил қилиш методи. Психологияда анкета методи. Социометрик метод ва унинг қўлланилиши.

2. Ёш даврлари психологияси ва тарбия жараёнида уларни ҳисобга олиш масалалари (2 соат маъруза).

Ёш даврлари классификацияси, ҳар бир ёш даврининг ўзига хослиги, янгиликлари ва ривожланиш шартлари. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари, уларда шахс хусусиятларининг шаклланиши. Кичик мактаб ёши: психологик ривожланиш ва шахс шаклланиши. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари. Ўспиринлик даври дунёқарашнинг шаклланиши ва маънавий қадриятларни ўзлаштириш учун сензитив – қулай давр эканлиги. Шахс дунёқараш ва эътиқодини ўзгартирувчи психологик омиллар.

Маънавий ва инсоний тасаввурларни тўғри шакллантиришда маърифий тадбирлар ва билимдонликнинг ўрни. Миллий, умуминсоний қадриятлар ва улардан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланишнинг аҳамияти. Ёш даврлари кризислари ҳақида. Етуқлик ёши ва қарилик психологияси. Катталар таълимининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Қобилият ҳақида тушунча. Педагогик қобилиятларни ривожлантирувчи психотренинг (2 соат амалиёт).

Шахс қобилиятининг майллар ва қизиқишлар билан боғлиқлиги. қобилият ва билим, малака, маҳоратларнинг ўзаро алоқадорлиги. Ўқувчилар қобилиятини диагностика қилиш, қобилиятни таркиб топтиришга индивидуал ёндашиш масалалари. Қобилиятларнинг таркиб топиб бориши ва ривожлантиришнинг шарт-шароитлари. Ўқувчи қобилиятларини ривожлантиришда ўқитувчининг роли. Қобилият, истеъдод, талант. Қобилият ривожланишининг турли даражасидаги болаларга индивидуал ёндошув. Иқтидорли болалар билан ишлаш. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари. Педагогик қобилият таркиби:

– дидактик қобилият (осон йўл билан мураккаб билимларни тушунтириш);

- академик қобилият (барча фанлар юзасидан муайян билимга эга бўлиш);
- перцептив қобилият (қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати);
- нутқий қобилият (ихчам, маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, нутқнинг жарангдорлиги, унинг пауза, мантиқий урғуга риоя қилиши);
- ташкилотчилик қобилияти (синф гуруҳи ёки курсни уюштириш ва уни бошқариш истеъдоди);
- обрўга (нуфузга) эга бўлиш қобилияти (ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл-фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириш);
- муомала ва мулоқот ўрната олиш қобилияти;
- психологик ташхис (диагноз) қобилияти (инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилиш башорати);
- диққатни тақсимлаш қобилияти (бир неча объектларга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш ўқуви);
- иймон-эътиқодга, фаол ҳаётий позицияга йўналтириш қобилияти;
- ташаббусга, ижодга илҳомлантириш қобилияти;
- ақл-донишлик қобилияти (билимдонлик);
- конструктив қобилият (ўқув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти);
- гностик қобилият (тадқиқотга лаёқатлилики).

4. Оила психологияси. Оиладаги шахслараро муносабатлар ва унинг бола шахси шаклланишига таъсири. Этнопсихологик масалалар (2 соат амалиёт).

Оила психологияси. Оила тушунчаси. Мустаҳкам оила қуришнинг психологик асослари. Оила қуриш мотивлари. Оиланинг характерловчи мезонлари бўйича турлари. Оила асосий вазифалари. Оиладаги шахслараро муносабатлар.

Оила ва ўқувчилар гуруҳи. Оила ва ўқувчилар гуруҳларининг маънавий-психологик ҳолатини таҳлил ва ташхис қилиш. Шахслараро муносабатлардаги маънавий-психологик муҳит бузилишининг олдини олиш ва яхшилашнинг шарт-шароитлари ва чора-тадбирлари.

Ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий ҳис-туйғуси, мижози, хулқ-атвори, диди, таъби ҳақида. Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ва таълим-тарбияда уларнинг ўрни ва ролини белгилаш масалалари. Таълим муассасаси психологининг психологик оқартув ва психопрофилактик ишлари.

5. Ўқув фаолиятини бошқариш психологияси (2 соат амалиёт).

Синф, аудитория билан ишлашнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари. Янги педагогик ва дидактик технологияларни жорий этишнинг

психологик хусусиятлари. Фаол ўқитиш методлари ва уларнинг классификацияси. Замонавий ўқитувчидан талаб қилинадиган фазилатлар, педагогик қобилиятлар ҳақида. Гуруҳ фаолиятини ташкил этишнинг услублари: демократик, авторитар, нейтрал, синовчан ва бошқалар.

Ўқувчининг ўқув фаолияти ва уни бошқариш ҳақида: психология фанида онг ва фаолият бирлиги принципи, психологик ҳолатлар, хусусиятлар, хислатларнинг фаолиятда намоён бўлиши ва шаклланиши, ўқув фаолиятини бошқариш таркиби ва кетма-кетлиги: ўқув фаолиятини режалаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш, кенг кўламдаги билимлар, таълимий усулларни тизимга солиш, ўз фаолиятини ўзи бошқариш усуллари эгаллаш ва янгисини топиш, шахсий қизиқишни ифода қилувчи усулларни эгаллаш, ўз диққатини ўзи бошқариш усуллари эгаллаш. Ўқув фаолиятини ўқувчи томонидан бошқариш жараёнини ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида ва кўмагида, ўқувчининг ёш давлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш масалалари.

Ўқув жараёнини психологик таъминлаш: ўқувчининг ўқув фаолияти мотивларини аниқлаш ва улар орқали ўқув фаолиятига эҳтиёж уйғотиш. Ўқув фаолиятининг ижобий-эмоционал руҳда кечишига шарт-шароит яратиш.

7. Шахс шаклланишининг умумий психологик қонуниятлари (2 соат амалиёт).

Шахснинг ривожланиши ва камолотида биологик ва ижтимоий компонентларнинг роли. Одамнинг психик ривожланиши ва шахс камолотидаги ҳаракатлантирувчи кучлар. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари. Шахс тузилиши. Шахс ижтимоийлашуви ва унинг ёш давлари билан боғлиқ хусусиятлари. Ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий омиллари ва шарт-шароитлари. Шахсдаги туғма, орттирилган сифатлар ва уларнинг ижтимоий муҳитга боғлиқ сифатлар билан боғлиқлиги. Шахснинг жамиятдаги турли ижтимоий институтлар билан боғлиқлиги. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ва шахс. Инсоний муносабатлар тизими – шахс дунёқарашини шакллантирувчи бирламчи омил сифатида. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари ва шарт-шароитлари. Ижтимоий институтларнинг бу жараёндаги ўрни: «Оила – боғча – маҳалла – мактаб – ўрта махсус ва олий таълим муассасалари – меҳнат жамоалари» тизимида узлуксиз таълим ва тарбия механизмлари жараёнини такомиллаштириш. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Шахс ва онг. Ўз-ўзини англаш- ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялашнинг омили сифатида. «Мен» образи, миллий онг ва тафаккур тушунчалари. Ўз-ўзини бошқариш тушунчалари, механизмлари ва шартлари, ўз-ўзи билан мулоқот, ирода тарбияси, ўзини-ўзи ишонтириш, ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзига таъсир, ўз-ўзига гипноз. Аутоген тренировка ҳақида тушунча.

1 - мавзу: Халқ таълими тизимида психологик хизмат. Психологик диагностика методикаларидан фойдаланиш.

Режа:

1. Психологик хизматнинг ривожланиш тарихи.
2. Психологик хизмат ҳақидаги Низом.
3. Психологик хизматнинг мақсад ва вазифалари.
4. Психологик хизматнинг асосий йўналишлари.
5. Психодиагностика методикалари ва улардан фойдаланиш.

Таянч тушунчалар:

Психологик хизмат, психопрофилактик ишлар, психодиагностик ишлар, психокоррекцион ишлар, психологик маслаҳат, метод, кузатув, суҳбат, анкета, тест, автобиография, социометрия.

Психологик хизматнинг ривожланиш тарихи

Психологик хизмат АҚШ да 1800 йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. АҚШ нинг биринчи амалиётчи психологлари ўз-ўзини тарбиялаш муаммосини ўрганган экспериментал психологлар эдилар. Америка мактабларида ақлий тараққиёт коэффицентини аниқлаш кенг тарқалиб, кейинчалик «Гайденс» хизматининг ривожланишига олиб келди.

Француз мактаб психологиясининг отаси Альфред Бине бўлиб, у бу соҳада 1894 йилдан бошлаб иш бошлаган. 1905 йилда Франция таълим вазирлиги Бинегга умумий дастур бўйича ўқий олмайдиган болаларни текшириш муаммоси билан мурожаат қилади ва шу тариқа ақлий тараққиётда орқада қолган болаларни ажратадиган Бине-Симон тести яратилди.

1990 йилда Францияда мактаб психологик хизмати ташкил этилади. 1970 йилда Францияда психологик-педагогик ёрдам гуруҳлари психологик хизматнинг асосий турини ташкил этади. Бундай гуруҳлар мактаб психологияси бўйича бир мутахассис, таълим психологияси бўйича бир мутахассис, психомотор ривожланиш бўйича бир мутахассисни ўз ичига олади. Бундай бригада 800-1000 ўқувчига хизмат қилади, бир мактабда жойлашиб, бир неча мактабда хизмат қилиши мумкин.

1985 йилда Франция педагогик психологларининг функциялари аниқлаб берилди. Педагогик психолог шахснинг ҳар тамонлама ривожланиши учун қўлидан келган барча ишларни қилиши керак, бунда у бу ишларга ўқитувчиларни ва ота-оналарни ҳам жалб этиши мумкин. Педагогик психолог ўз ишида лозим топса, мактаб ва оила тарбиясига қарши чиқиши мумкин, деб махсус таъкидланган.

Собиқ совет Иттифоқида биринчи бўлиб Эстонияда 1975 йилда мактабда психологик хизмат ташкил этилди (рахбари Х.И. Х.Лийметс, Ю.Л. Сэрд бўлиб, тарбияси қийин ўсмирлар учун махсус мактабларда иш олиб борадилар). Россияда 1982 йилда мактабларда психолог штати очилди.

1989 йилда Ўзбекистонда амалиётчи психологларнинг етишмаслиги сабабли Низомий номли ТДПУда амалиётчи психологлар тайёрлаш факультети очилди.

Психологик хизматни 3 нуқтаи назардан қараб чиқиш мумкин:

1. Илмий нуқтаи назар,
2. Ташвиқот нуқтаи назар,
3. Амалий нуқтаи назар.

Фақат мана шу нуқтаи назарларнинг бирлигигина психологик хизмат предмети ташкил этади.

Илмий нуқтаи назар психологик хизматнинг методологик муаммоларини ишлаб чиқишни назарда тутди. Бу йўналиш ижрочиларининг асосий функцияси мактаб психологик хизматида ишнинг психодиагностик, психокоррекцион ва ривожлантирувчи методларини ишлаб чиқиш ва назарий асослашга бағишланган илмий тадқиқотларни ўтказишдан иборат.

Ташвиқот нуқтаи назари халқ таълими ходимларини психологик билимлардан фойдаланишни назарда тутди. Бу йўналишда асосий ҳаракатлантирувчи шахслар бўлиб, педагоглар, методистлар, дидактлар, майдонга чиқади.

Хизматнинг амалий нуқтаи назарини мактаб психологлари амалга оширадilar, уларнинг вазифаси - у ёки бу аниқ вазифани ҳал қилиш учун ота-оналар, ўқитувчилар, синф жамоаси, болалар билан иш олиб боришдан иборат.

Ҳозирги босқичда психологик хизмат фаолиятининг 2 йўналиши: долзарб ва келажак йўналишлари мавжуд. Долзарб йўналиш ўқувчилар таълим тарбиясидаги қийинчиликлар, улар ҳулқ-атворидаги, мулоқотдаги ва шахси шаклланишидаги бузилишлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Келажак йўналиши ҳар бир бола индивидуаллигини ривожлантиришга, жамиятда яратувчанлик ҳаётига психологик тайёрликни шакллантиришга қаратилган. Психолог педагогик жамоа фаолиятига ҳар бир ўқувчи шахси гармоник ривожланиш имкониятлари ҳақида асосий психологик ғояни олиб киради. Икки йўналиш ҳам бир-бири билан боғлиқ.

Психологик хизмат ҳақидаги Низом

Мактаблардаги психологик хизмат ўрта махсус таълимнинг зарурий таркибий қисмидир. Бу хизматнинг зарурийлиги мактаб эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ҳар бир ўқувчида ҳаётга ижодий муносабат ва индивидуал хусусиятларнинг тараққиётини таъминлаганлигини психологик хизмат тўғри ташкил этилган дейиш мумкин.

Психолог ўзининг инсон ҳулқ атори ва психик фаолияти, психик тараққиётнинг ёш қонуниятлари ҳақидаги касбий билимларига, уларнинг ўқувчилар ва катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабат хусусиятларига, ўқув – тарбия жараёнини ташкил этишга боғлиқлигига таяниб, болага индивидуал ёндашув имкониятларини таъминлайди, унинг қобилиятларини аниқлайди, нормадан четлашишларнинг бўлиши мумкин бўлган сабабларини

психологик-педагогик коррекция қилиш йўллари аниқлайди. Бу билан психологик хизмат мактабда ўқув тарбия ишининг махсулдорлигини оширишга, ижодий фаол шахсни шакллантиришга имкон беради.

Психологик хизмат ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази (кейинги ўринларда Республика ташхис Маркази деб юритилади) нинг таркибий тузилмаси хисобланади.

Психологик хизмат "психология" ихтисослиги бўйича олий маълумотга эга бўлган психолог ёки қайта тайёрлашдан ўтиб, "амалиётчи психолог" малакасига эга бўлган олий маълумотли педагоглар томонидан амалга оширилади.

Психологик хизматнинг мақсад ва вазифалари

Психологик хизматнинг мақсади - шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, ривожланиши, самарали ижтимоийлашуви ва мослашуви, болалар ривожланишининг барча ёш давларида психологик саломатлигини муҳофаза қилиш учун психологик-педагогик шарт-шароит яратишдан иборат.

Психологик хизматнинг вазифалари:

- ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, лаёқат ва қобилиятларига мувофиқ ривожланишида унинг психологик имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш;

- ўқувчининг интеллектуал, шахсий, ижтимоий ривожланишидаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш, тузатиш ва олдини олиш;

- умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ва битирувчиларига касбий ва ҳаётий ўзлигини англашида уларнинг шахсий қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, саломатлигини инобатга олган ҳолда психологик ёрдам кўрсатиш;

- таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш, ўқувчилар жамоаси ва педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни сақлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг энг мақбул ечимларини топиш;

- муассасада ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси, ўсмирлар ва ёшлар ҳулкидаги оғишлар, шахснинг оилада ва жамиятда мослашуви ва ижтимоийлашуви муаммолари бўйича психологлар, педагоглар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- "ҳавфли гуруҳ"га кирувчи ўсмирларни психологик қўллаб-қувватлаш, улар учун тегишлича психологик тавсифномаларни расмийлаштириш ва зарур бўлганда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим этиш, тарбияси оғир ўсмирларни (ҳуқуқбузарларни) ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг ижодий ривожланишига имкон бериш мақсадида психологик кузатиш ва қўллаб-қувватлаш.

Психологик хизматнинг асосий йўналишлари

1. Психодиагностика.
2. Психологик маориф ва маърифат.
3. Психопрофилактика.
4. Психик ривожлантириш ва психокоррекция.
5. Психологик коньсултация (маслаҳат).
6. Касб - ҳунарга йўналтириш.

Психологик диагностика - Ушбу ишлар мажмуаси ўқувчиларни мактабда ўқитиш давомида психологик-педогогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим ва тарбиясидаги нуқсонларнинг сабабини аниқлашга мўлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки якка тартибда (индивидуал тарзда) ўтказилади.

Бундай тадбирлар қуйидагиларда ўз аксини топади:

- Ёш давр тараққиётининг муайян меъзонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психолог болалар, ўқувчиларни, психологик текширувлардан ўтказди, камолот даражаларини белгилайди;
- ўрта умумтаълим ва янги типдаги (инвацион) махсус мактаблар, ўқувчиларини мазкур муҳитга мослашиш хусусиятларини ўрганиш.
- Болаларни биринчи босқич таълимига қабул қилишда қатнашиш, уларни мактаб таълимига психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- Ўқувчиларни таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтказишнинг комплекс психологик-педагогик тадқиқотида бевосита қатнашиш;
- Вояга етмаган ўсмирларнинг ўз тенгқурлари билан муомаласи хусусиятини текшириш, уларнинг этноқёфаси ва этномаданияти хусусиятини инобатга олган ҳолда психофизиологик методикаларни муайян шароитга мослаштириш ва тадқиқот ишларини олиб бориш;
- Девиант (қонунбузарлик) аксил ижтимоий хулқ - атвор сабаблари ва уларнинг шакллари аниқлаш;
- Гиёҳвандлик, таксикоманлик, алкоголизм, ўғирлик, дайдиликнинг ижтимоий психологик илдизларини текшириш, уларнинг омилларини таҳлил қилиш;
- Анъанавий таълим-тарбия методларининг ютуғи ҳамда камчиликларини тадқиқот қилиш, инновацион, фаол услублар самарадорлигини амалиётда синаб кўриш, ўқувчиларнинг уларга нисбатан муносабатини аниқлаш ва ана шуларга асосан ўқитишни индивидуаллаштириш, табақалаштириш бўйича ўқув-услубий кўрсатмалар тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Иқтидорли ўқувчиларни танлашда иштирок қилиш, ҳамда психологик тавсиялар ишлаб чиқиш;

Психологик профилактика - педагог ва ота-оналарда болаларнинг ҳар бир ёш давридаги психик тараққиёти ҳақидаги психологик билимларни эгаллаш эҳтиёжларини таркиб топтириш билан бола шахси ва ақлий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг ўз вақтида олдини олишга қаратилган психологик тадбирлардан иборатдир:

- ўқувчининг муайян шароитга мослашиши (кўникиши)га оид (адаптация) ишларни олиб бориш;

- Мактаб шароитига мослашиши бунинг учун ижтимоий мослашиш билан боғлиқ бўлган махсус гуруҳлар тузиш, невротик ҳолатларни бартараф қилиш, тарбияси қийин болалар билан ва уларнинг ота-оналари, тарбиячилари билан алоҳида ишлашни ташкил қилиш;

-Ота-оналарга фарзандларининг билимларидаги узилишларни камайтириш учун махсус услубий йўл- йўриқлар бериш;

-ўқувчининг қобилияти, майли, мойиллиги, иқтидори, психологик фазилатлари ва хусусиятларини тўлақонли даражада намоён бўлишини таъминлаш мақсадида уларнинг ақлий тараққиётини аниқлаш учун психологик консилиумлар ташкил қилиш;

-ўқувчилар билан ўқитувчилар муомала жараёнини яхшилашга ёрдам бериш;

-оғир касалликларга учраган ўқувчилар, ўқитувчилар руҳиятини тетиклаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

-ўз-ўзини бошқариш имкониятини ўрта мактаб жамоалари аъзолари ўртасида аниқлаш (биоритмика, эмоция, мотивация, ирода, қизиқиш ва диққатни шахс томонидан идора қилиниши назарда тутилади), тузатишлар олиб бориш, бузилишларни олдини олиш;

Психологик маърифат ва ташвиқот - мактабнинг педагогик жамоасини, ўқувчиларни ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида турли машғулотлар, ўқув-маърузалар уюштиришдан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари амлиётчи психологларини психологик маориф ва ташвиқот йўналишидаги ишлари мазмуни қуйидагиларни ташкил қилади:

-Ўқувчилар, ўқитувчилар, ходимлар ижодий фаолияти маҳсулдорлиги, тўғараклар фаоллигини кўтаришнинг тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг имкониятларини текшириш, касб маҳоратларини эгаллаш бўйича мусобақалар, мунозаралар ташкил қилиш;

-Ўқувчилар, ўқитувчилар, ходимлар ўртасида бўш вақтни тақсимлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш муаммосини ижтимоий - психологик нуқтаи- назардан текшириш ва бўш вақтни мақсадга мувофиқ ташкил қилиш йўллари ҳамда улардан этнопсихологик билимлар, маънавий қадриятларни эгаллашда фойдаланиш имкониятини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

-Ўқувчиларнинг талаби, эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий қарашлари, нуқтаи назари, маслаҳи, турмушга нисбатан муносабати тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг фаоллигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

-Тарбия ва таълимнинг янги методлари самарадорлигини текшириш ва психологик таҳлил қилиш;

-Халқ таълими тизимининг барча бўғинлари ва босқичларида маъруза ўқиш, ота-оналар йиғилишида, метод бирлашма кенгашларида иштирок қилиш орқали муаллимлар, ота-оналарнинг психологик маданиятини оширишга эришиш;

Психологик коррекция - психологик хизматнинг мазкур йўналиши психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир ўтказишни тақоза қилади.

Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастури, ўз ичига психологик ва педогогик муаммоларни қамраб олади.

Коррекцион фаолиятнинг психологик қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади. Мазкур ишнинг педогогик жиҳати эса психологнинг педагоглар, ота-оналар билан ҳамкорлигида ўтказилади ва бутун маъсулият унинг зиммасига тушади.

Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ва ҳолатларда ташкил қилинади;

- Бунда амалий психологнинг махсус иши, машғулот ичим болалар, ўқувчилар билан алоҳида ўтказилиши режалаштирилади.
- Психологларнинг бошқа бир фаолияти махсус равишда амалга оширилиб, ўқувчилар гуруҳларига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади,
- Бу каби ишларни ота-оналар, педогогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида олиб бориш назарда тутилади,
- Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гуруҳининг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданият хусусиятлари ўз аксини топсин.

Коррекцион ишлар маълум тартибда, илмий танлов асосида, муайян сеанс бўйича ўтказилиши шарт.

- Бунда эмоционал зўриқишга учраган шахс миллати, ёши, жинси, индивидуал типологик хусусияти, таъсирланиш даражаси ҳисобга олиниши керак.
- Тузатиш ишлари машғулот, фаолият, касб хусусиятига мос, муносиб бўлиши таъсир ўтказиш самарадорлигини оширади. Унда япон услубларини қўллаш ҳам зарур маълумотлар тўплаш ва тангликни йўқотиш имкониятини яратади.

Психологик хизматнинг ушбу йўналишида алоҳида аҳамият касб этадиган нарсаси – бу болалар, ўқувчилар ўсишида (ривожланишида) кечикиш (орқада қолиш), уларда ҳулқнинг бузилиши, таълимда ўзлаштиришнинг ёмонлашуви бўлиб ҳисобланади.

Психологик маслаҳат (консультация) – бунда ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларга шахсий, касбий ва ҳаётий муаммоларини ҳал этишга ёрдам берилади, уларни ўз психологик саломатлилигини муҳофаза қилишга ўргатилади.

Психологик маслаҳат индивидуал, гуруҳий тарзда ўтказилади, профилактик ва коррекцион характерга эга бўлади.

Бу жараёнда психолог қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

- Шахсга оид, ихтисосликка доир муаммолар юзасидан ўқитувчиларга кенг қўламда маслаҳатлар бериш;
- Болалар, ўқувчилар, ва таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан маъмурият, ўқитувчилар мураббийлар, ота-оналар,

ижтимоий ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ходимларига аниқ маслаҳатлар бериш;

-Ота-оналарга боланинг психик ривожланиш хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, одамларнинг ўзаро муносабати, бунда фарзанднинг ёш, жинс, шахсий типологик хусусиятлари муаммоси юзасидан илмий амалий маълумотлар бериш;

-ўқувчилар, ходимлар, муаллимлар ўртасида содир бўлувчи ҳар хил низоларнинг психологик илдизини ўрганиш, шахслараро муносабатларнинг асл моҳиятини намоён қилиш, уларни келтириб чиқарувчи мотивларни таҳлил қилиш, фавқулотдаги вазиятларни енгиллаштириш ва уларни тамоман бартараф қилиш йўллари юзасидан маслаҳатлар бериш;

Касб-ҳунарга йўналтириш - ўқувчиларни лаёқати, қизиқиши ва қобилиятларига мос касб-ҳунарларни онгли танлашга тайёрлашдан иборат тадбирлар мажмуасидир. Мазкур йўналишларнинг узвий ва узлуксиз боғлиқлиги психологик хизмат мазмунининг яхлитлилигини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим мактаблари амалиётчи психологларни касб-ҳунарга йўналтириш йўналишидаги ишлари мазмуни қуйидагилар:

-Янги типдаги мактабларга, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни танлаш моҳияти, вазифаси, монандлиги, уларнинг имконияти, истиқболи тўғрисида илмий-амалий хусусиятига молик консультатив ишларни олиб бориш, ёшларни саралаш, танлаш, ихтисосга яроқлик ва лаёқатлилиқ даражаси аниқлаш, танлов жараёнида маслаҳатчи сифатида катнашади;

Психодиагностик методлар ва улардан фойдаланиш

Диагностик методларни қўллаш ҳуқуқи маълум малакага эга бўлган мутахассисларга берилган. Ҳозирда эса имкони бор киши улардан фойдаланмоқда. Америкалик психологлар фикрига кўра, методикаларга эга бўлиши учун мутахассис психолог ёки унинг тўғри қўлланилишини ўз масъулиятига олган кишиларнинг имзоси бўлган тақдирдагина фойдаланишлари мумкин. Психолог-ташхисчиларнинг ғарбий ахлоқ қоидаларида диагностик методларини тарқатилишини чеклаш тақлиф этилади. Бу чекланиш икки хил мазмунга эга: методикаларнинг моҳиятини ошқор этмасликни ва улардан ноўрин фойдаланишнинг олди олинишини.

Шунингдек, бошқа профессионал масъулиятлар муаллифлар томонидан яратилаётган янги методикаларнинг сотилиши билан боғлиқ. Уларни кишиларда қўллаш учун тақдим этишда етарли даражада объектив асослар бўлиши керак. Диагностик методларни яратувчилар, муаллифлар масъулиятига доимо вақти-вақти билан методикаларнинг эскириб қолишини олдини олиш мақсадида текшириш ва стандартлаштириш жараёнларини амалга ошириш киради. Методикалар ва уларнинг асосий қисмлари газета, журналлар ҳамда рисоаларда уларни кенгроқ ёритиш, ёки ўз-ўзини баҳолаш учун нашр қилиш ман этилади. А.Анастази бундай вазиятларда нафақат

методикаларни фойдасизлигини, балки кишига психологик зарар қилишидек катта хатоларга олиб келишини айтиб ўтади.

Аниқ изланиш предметиға эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг **методлари** деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг **ишончлилиги ва валиддрилигига** боғлиқ бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида қаралади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ҳодисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, кулоқ билан сезиш қийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукамалларини сақлаб қолган.

Кузатиш методи табиий методлар жумласига киради. Кузатиш методи психологияда ўзига хос ижтимоий шароитларда, ўзига хос вазиятларда ва маълум гуруҳларда ишлатилади. Бунда тадқиқотчи энг аввало нимани кузатаман, қандай йўл билан кузатаман, кузатув бирлиги қилиб нимани оламан, кузатувни қанча вақт мобайнида давом эттираман деган қатор саволларга жавоб топгандан кейингина илмий тадқиқотини бошлайди.

№	Психологиянинг асосий методлари	Методлар класификацияси
1.	Кузатиш	Ташқи, ички, эркин, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида, гуруҳдан ташқарида
2.	Сўров	Оғзаки, ёзма, эркин, стандартлаштирилган, анкета, интервью
3.	Тестлар	Тест-сўров, тест-топширик, проектив тест, социометрик тест
4.	Таъриба	Табиий ва лаборатория
5.	Моделлаштириш	Мантикий, техник, математик, кибернетик
6.	Хужжатларни ўрганиш	Ижтимоий ўрганиш Психологик ўрганиш Мотивацион ўрганиш Классификацион ўрганиш
7.	Контент-анализ	Матнни анализ қилиш Абзацларни анализ қилиш Иборалар, тушунчаларни анализ қилиш

Психологиянинг асосий методлари.

Демак, кузатиш методи ёрдамида аниқ ишлаб чиқилган режа асосида кузатувчини қизиқтирган у ёки бу ижтимоий хулқ-атвор шакллари қайд этилади. Бу услуб қўлланилганда тадқиқотчи бир қанча қоидаларга риоя қилиши лозим. Чунончи, кузатиш мақсадининг аниқ бўлиши ва унинг илмий мақсадларга мос келиши; кузатиш шаклини танлаш ва кузатиш натижаларини қайд этиш усуллари ишлаб чиқиш; маълум режа — схема асосида муттасил кузатув олиб бориш; олинган натижаларнинг асослилиги ва ишончлилигини бошқа усуллар ёрдамида текшириб кўриш.

Кузатиш кузатувчи томонидан кузатиш объекти бўлмиш одамлар гуруҳи билан бирга яшаб, уларга қўшилиб иш тутиб, табиий шароитларда маълумот тўпланса, бундай кузатиш турини "биргаликдаги кузатув" деб аталади. Бундай кузатишнинг классик мисолига америкалик ижтимоий психолог У. Уайтнинг ўсмирлар психологияси, улар гуруҳидаги ижтимоий психологик ҳодисаларни ўрганишга қаратилган машҳур тадқиқотини киритиш мумкин. Бошқа ҳолларда эса кузатувчи ўз объектини четдан кузатади, шунинг учун ҳам бундай кузатув тури "**четдан кузатув**" ёки "**объектив кузатиш**" деб аталади. Бу усул худди умумий психологияда бўлгани каби ташқи хулқ-атворни қайд қилиш натижасида маълумот тўплашга асосланади. Бундай йўл билан илмий фактларни исбот қилиш қийин, лекин барибир, у ҳам ижтимоий психологияда ёрдамчи усул сифатида ишлатилади. Бизнинг фикримизча, ижтимоий психологик тренинглар шароитида ҳар бир шахснинг хулқ-атворини кузатиш муҳим маълумотлар тўплашга ёрдам беради, чунки бунда кузатиш методига хос бўлган энг қимматли нарса — шароитларнинг табиийлиги сақлаб қолинади.

Ташқи кузатув моҳиятан кузатилувчи хулқ - атворини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз - ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараёни ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг қайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гуруҳий жараёнларнинг шахс хулқ - атворига таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гуруҳ ёки оила ҳаётига табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар бир томондан табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати

кучли бўлса, ўзи ҳам гуруҳ ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ходисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гуруҳий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси - яъни кузатувчи гуруҳга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида хулосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр - қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

Сўров методи ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида хисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Сўроқ методлари психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью методлари. **Ёзма сўроқ ёки анкетанинг** афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва равион тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Бу методларни қўллашни қатор методологик қийинчиликлари мавжуд, чунки, бу ерда доим шахслараро ўзаро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд бўлиб, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўроқ методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

Шундай қилиб, сўроқ методлари тадқиқотчи билан текширилувчининг бевосита (суҳбат, интервью) ёки билвосита (анкета) мулоқоти туфайли бирламчи маълумотлар тўплаш усулидир. Одамлар тилидан ёзма ёки оғзаки тарзда олинган фикрлар маълумотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Энг яхши суҳбат ёки интервью бу бевосита, эркин фикр алмашинуви шароитида ўзаро фикр алмашинувига қаратилган мулоқотдир. Чунки суҳбатдан фарқли, интервью аниқ муаммо доирасида, қатъий бир йўналишда олиб борилади. Интервью олувчи суҳбатдошга нисбатан нейтрал мавқеда бўлиб, унинг фикрлашига ҳалақит бермаслиги, айниқса, унга тазъийқ ўтказмаслиги лозим. Интервью жараёнининг самарали кечиши учун суҳбатдошда ўзига нисбатан

иҷобий муносабат шакллантириб, биринчи сўзларни аниқ, равон, ифодали баён қилиш муҳимдир.

Интервью ўтказишга одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у одамдан қатор муҳим сифатларнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда "ролли ўйинлар" методи ёрдамида психолог ёки социологлар махсус тайёргарлик курсидан ўтадилар.

Анкета методи ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаб, шархлаш қийинлигини тасаввур қилмайди. Юқорида қайд этилганидек, анкетага киритилган саволларга кўра анкета **очик ва ёпиқ** турларга бўлинади. **Очик** анкета респондентдан ўз фикрини билганича баён этишни талаб қилади, **ёпиқ** шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, қарашлари, фикрлари билан мос бўлган жавобни беради. Очик саволларнинг камчилиги респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада масъулият билан қарамаганлиги ҳамда ёзилган жавобларни статистик ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилувчи томонидан ўз фикрига эргаштиришга ўхшаш ҳолат ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб бўлмаслиқдир. Шундай ҳолатларда респондент ё умуман жавоб бермаслиги ёки таваккал бир вариантни белгилаб бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам охирги пайтда ярим ёпиқ саволлардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб вариантларидан ташқари, яна қўшимча фикр билдириш учун қўшимча қаторлар қолдирилади.

Одатдаги анкета тузилиши жиҳатдан уч қисмга бўлинади:

1. **Кириш қисми ёки “респондентга мурожаат”** деб аталади. Бу қисмда одатда тадқиқот ўтказаетган ташкилот номи, оддий тилда тадқиқот мақсадлари ва уларнинг қандай фойдаси борлиги, текширилувчининг шахсий иштироки нима бериши, олинган маълумотларнинг умумлаштирилган ҳолда ишлатилиши (анонимлилик), анкетани тўлдириш йўллари ва бошқалар ёзилади. Йўриқнома — мурожаатнинг қанчалик яхши ёзилганлиги бевосита текширилувчининг ишга бўлган муносабатига боғлиқдир.

2. **Асосий қисм.** Бунга саволлар киритилади, лекин саволлар тартибига ҳам эътибор бериш керак, чунки бошидан бошлаб қийин саволлар берилса, бу нарса респондентни чўчитиб қўйиши, ҳаттоки, тўлдирмасдан, анкетани қайтариб беришига мажбур қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун бошида енгил, холис саволлар бериб, текширилувчини қизиқтириб олиб, кейин қийинроқ, психологик саволларга ўтиш, охирида яна “нейтралроқ” саволлар бериш мақсадга мувофиқ.

3. **Якуний қисм ёки “паспортичка”** респондентнинг шахсий сифатидаги объектив маълумотларни олишга қаратилган бўлиб, унда шахснинг жинси, ёши, оилавий аҳволи, касб-кори ва бошқалар сўралади.

Анкеталар тарқатилиш услубига кўра, қўл билан тарқатиладиган, почта орқали юбориладиган, газета ёки журналлар орқали тўлдириладиган формаларга бўлинади.

Тўпланган маълумотларга, одатда, статистик қайта ишлов берилади ёки улар компьютерлар ёрдамида анализ қилинади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказди. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон рухий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Тестлар охириги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ҳодиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта - қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишончилиikka текшириш мумкин бўлади. Аини тестга қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, ҳаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни улчаш, Кэттелнинг ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

Тестлар психологияда қисқа синов усули бўлиб, улар ёрдамида у ёки бу психологик ҳодиса қисқа муддат ичида бир техник усул — тестда текширилади. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони— бир тест ёрдамида бир объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тестни фақат қандай турдаги объектда синалган бўлса, шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, қолаверса, бунда олинган маълумотлар нисбий характерга эга бўлади. Лекин шундай бўлишига қарамай, тестлар, айниқса ҳозирги кунларда ҳаётимизга кенг кириб келди. Шахс хусусиятларини текширувчи тестлардан ташқари, шахснинг мулоқот системасидаги ўрнини, ундаги мулоқот малакаларининг бор-йўқлигини синовчи, шахс ақлий сифатларини текширувчи тестлар кенг қўлланилмоқда. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, тестни тузиш, уни объектларда синовдан ўтказиш, ҳаттоки, тайёр тестни мослаштириш юксак билимларни, малакани, олимлик одобини талаб қиладиган ишдир.

Тестлар хусусида яна шуни айтиш мумкинки, ҳар бир тестнинг ўз "калити" бўлади ва бу калитнинг эгасида махсус лицензиялар, яъни келишувга кўра ишончли шахсларгагина сотиш, бериш ҳуқуқи бўлади. "Калитсиз" эса махсус тестларни ҳеч ким ишлата олмайди.

Тест - сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстрове́рсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест - топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутди. Масалан, шахс тафаккуридаги

ижодийлиликини аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топширик берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни сохталаштириши мумкинлигидир.

Проектив тестлар. Бу усуллар тест усуллариининг бир кўриниши бўлиб, унда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган, ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шархлаш топшириғи берилади. Яъни, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугатилмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўринишга эга бўлмаган буюмлар, ёғочлар берилиши мумкин, уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий дунёси, қизиқишлари, дунёқараши нуктаи назаридан баҳо бериши мумкин.

Проектив усулларга машҳур "Роршахнинг сиёҳ доғлари" тестини киритиш мумкин (1921 й.). Бу доғлар икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил буёқли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар бир "доғ" нинг нимани эслатаётганлигини айтиш сўралади. Унинг фикридан ва сўзларидан, ассоциацияларга қараб (уларни контент-анализ қилиб) шахс хусусиятлари ҳақида хулоса қилинади.

Яна бир проектив усул—бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциациялар усулидир. Бунда ҳаётда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширувчи текширилувчидан тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга берилиши мумкин бўлган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналишн, унинг зиддиятларга муносабати, агрессия-жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

Психологик тажриба ёки эксперимент методи

Ушбу метод турли ёшдаги (чақалоқлик, болалик, ўқувчилик, ўспиринлик, етуқлик, кексалик) одамлар психикасини чуқурроқ, аниқроқ тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади. Эксперимент методи ёрдамида сунъий тушунчаларни шакллантириш, нутқ ўсишини текшириш, ғавқулоддаги ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш, билиш жараёнлари, шахснинг ҳис туйғулари, характери ва типологик хусусиятлари ўрганилади. Хуллас, инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятлари, қонунлари, хоссалари, мураккаб механизмлари тажриба ёрдамида текширилади. Бунинг учун

эксперимент материал текширувчи томонидан синчковлик билан танланиши, объектив тарзда ҳар хил ҳолат ва вазиятлар яратилиши, синалувчи ёшига, ақл-идрокигша, характер хусусиятига, ҳис-туйғусига, қизиқиш ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакасига эътибор берилиши лозим.

Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, каникулда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб - ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Лаборатория эксперименти одатда махсус шароитларда, махсус хоналарда, керакли асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади. Биринчи марта лаборатория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими Бехтерев ўтказган эди. У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини яқка ҳолда ва гуруҳ шароитида солиштириб ўрганди ва гуруҳнинг борлиги ҳар бир гуруҳ аъзоси психик жараёнларига бевосита таъсир этишини исбот қилди.

Бундан ташқари, махсус асбоб-ускуналар ёрдамида гуруҳ аъзоларидаги ишонувчанлик—конформизм ҳодисаларини ҳам экспериментал тарзда ўрганиш мумкин. Гуруҳдаги бундай ҳодисаларни ўрганиш учун махсус мосламалардан фойдаланилади.

Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки «Ландольт ҳалқачалари» деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоки, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ҳодисаларини текшириш учун *группавий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ҳодисалар ўлчанган.

Ҳужжатларни ўрганиш методи социология фанидан кириб келган. Бу методнинг қатор афзалликлари бор. Улардан муҳимлари шундан иборатки, у фаолиятнинг маҳсулини текширишга имкон беради ҳамда тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математик қайта ишлаш имкониятининг борлиги билан ажралиб туради.

Материалларни маънавий жиҳатдан ҳам сифат, ҳам миқдорий анализ қилиниш усули психологияда **контент-анализ** деб аталади. Контент-анализнинг илмий моҳияти шуки, унинг ёрдамида бирор матнда маълум фикр, ғоя ёки тушунчаларнинг неча марта қайтарилиши қайд этилади, яъни маълум мазмун миқдор кўринишига келтирилади. Бу методнинг асосчилари америкалик социологлар Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлар бўлиб, улар бу усулни биринчи марта иккинчи жаҳон уруши йилларида бир сиёсий газетанинг мазмуни, унинг ғоявий йўналишини аниқлаш мақсадида қўллаган эдилар. Улар «Ҳақиқий америкалик» номли газетанинг кундалик

чиқишларини контент-анализ қилиб, уларни фашистик йўналишидаги газета эканлигини исбот қилишган ва унинг чиқишини таъқиқлашга эришган эдилар.

Контент-анализни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо бу текширув бирликлари — категорияларни аниқлашдир. Чунки бундай бирликлар тадқиқотнинг мақсади ва тадқиқотчининг эътиқоди ва дунёқарашига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, контент-анализнинг асосчилари Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлар бундай бирлик — рамзий бирлик ёки символлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблашган бўлсалар, бошқа америкалик тадқиқотчи Л. Ловенталь бундай бирлик яхлит мавзу бўлиши керак деб ҳисоблайди. Аслида, бундай бирликлар контент-анализда илмий тахмин ва тадқиқотчининг методологик асослари билан белгиланиши керак. Шунинг учун ҳам кўпгина тадқиқотчиларни умумлаштириб, анализ учун бирликлар қуйидагилар бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз:

а) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган тушунчалар (масалан, демократия, фаоллик ташаббус, ҳамкорлик ва ҳоказо);

б) яхлит абзацлар, матнлар, мақолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилган мавзулар (масалан, миллатлараро муносабатлар мавзуси, инсонлардаги миллий қадриятлар мавзуси ва ҳоказо);

в) тарихий алломалар, сиёсатшунослар, таниқли шахсларнинг номлари;

г) ижтимоий ҳодиса, расмий ҳужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оилавий можаролар, Ўзбекистон Конституцияси муҳокамаси, янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш).

Яхши ўтказилган контент-анализ аслида ижтимоий психологик тадқиқотларда жуда катта аҳамиятга эга. Контент-анализ тадқиқотчидан каттагина ўқувни талаб қилади, чунки бир томондан, у ёки бу матнни тушуниш маҳорати бўлиши керак, иккинчи томондан, тадқиқот сўнгида қўлга киритилган миқдорий бирликларни яна қайта сифат формасига келтириш лозим, яъни тушунтириб бериш керак.

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Социометрия - гуруҳларни ва шахслараро муносабатларни ўрганиш методи. Мазкур метод таниқли олим Ж. Морено томонидан ишлаб чиқилган.

Социометрия усули гуруҳаги шахслараро муносабатларни аниқловчи энг самарали усуллардан биридир.

Социометрия бир қатор саволларга берилган жавобларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Бу усулни амалга ошириш давомида текширувчига нисбатан бир қатор талаблар борки, бу талабларга текширувчи қатъий риоя қилиши лозим.

1. Аввало берилган жавоблар қаттиқ сир сақланишини текширувчилар билишлари жоиздир.
2. Жавоб бериш чоғида ҳар бир текширилувчининг мустақил ҳамда эркин

бўлишига шароит яратиш лозим.

3. Текшириш давомида текширувчи ўзини очик юз билан қувноқ ҳолда тутиши керак.


Социометрия методида одатда 3 тадан 5 тагача савол бўлиши мумкин.

Психологияда социометрия методи турли гуруҳларда, жамоаларда, шахслараро муносабатлар хусусиятларини ўрганишнинг кенг қўлланиладиган, энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Социометрия маълумотлари таҳлили шахснинг гуруҳда тутган ўрни, унда шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, гуруҳ лидери (гуруҳнинг тан олинган сардори), гуруҳ юлдузлари, гуруҳ аъзоларининг эгаллаган мавқеи, гуруҳда яққаланиб қолган (изоляцияга тушиб қолган) аъзо, гуруҳдаги кичик гуруҳчалар уларнинг таркиби, ўзаро муносабатлари, ундаги психологик муҳит ва шу каби бир қатор маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Социометрик тадқиқотини ўтказишда, аввало шахслараро муносабатларнинг у ёки бу жиҳатини баҳоловчи муҳим мезонни танлаб олиш лозим. Бунинг учун маълум бир реал вазиятга таалуқли бўлган саволлар тизими тузиб чиқилади. Бу саволлар социометрик мезон сифатида хизмат қилади. Синалувчилар шу берилган саволларга биноан ўзи аъзо бўлган гуруҳдан ўзига шерик танлаш билан жавоб бериши керак. Социометрик мезон тадқиқот мақсадига мос ҳолда шахслараро муносабатларнинг маълум бир жиҳатига қаратилади.

Социометрик мезонларни танлашда, саволларни тузишда конкрет вазиятлар ва гуруҳ синалувчиларининг хусусиятлари, уларнинг фаолияти хислатлари ва шу кабилар назарда тутилиши жоиз.

Мавзу бўйича визуал материаллар:



СЎРОҚ МЕТОДИ ВА ТУРЛАРИ

- Бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида биридир;
 - Текширилувчи бир қатор саволларга мухтасар жавоб бериши керакдир.
1. Оғзаки сўроқ (суҳбат);
 2. Ёзма сўроқ (анкета);
- Очик анкета (респондентнинг ўз фикрини билдириши);
 - Ёпиқ анкета (кутиладиган жавобларни танланиши).
3. Эркин сўроқ;
 4. Стандартлаштирилган сўроқ.

ТЕСТ МЕТОДИ ТУРЛАРИ


- Тест – сўров (Г.Айзенк тести);
- Тест топширик (Торенс айланалари);
- Проектив тест (Тугалланмаган ҳикоялар, Роршахнинг сиёҳ доғлари тести, расм чизиш, имзо қўйиш);
- Социометрик тест (Ж.Морено методи).

КУЗАТИШ МЕТОДИ ТУРЛАРИ


- Ташқи (Объектив кузатиш);
- Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш);
- Эркин кузатув;
- Стандартлаштирилган кузатув;
- Гуруҳ ичида кузатиш;
- Гуруҳ ташқарисида кузатиш.

ТАЖРИБА МЕТОДИ ТУРЛАРИ

- Табиий эксперимент тури (қадимги хитойликлар усуллари, ёлғончилик ёки ҳаяжонни аниқлаш йўллари);
- Лаборатория эксперименти (диққатни ўрганиш учун тахистоскоп мосламаси, лже детекторлар, махсус асбоблар).



Психология ва психодиагностиканинг асосий методлари.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Психологик хизматнинг мақсад ва вазифаларига нималар киради?
2. Психологик хизматнинг ривожланиш тарихини айтинг?
3. Психологик хизматнинг асосий йўналишларига таъриф беринг.
4. Психологиянинг қандай асосий методлари бор?
5. Социометрик методика нимани ўрганади?

2 – мавзу. Ёш даврлари психологияси ва тарбия жараёнида уларни ҳисобга олиш масалалари (2 соат маъруза)

РЕЖА:

1. Ёш даврлари психологиясининг асосий муаммолари
2. Ёш даврлари классификацияси
3. Кичик мактаб ёши болалар психологияси
4. Ўсмирлик ва ўспиринлик даври психологияси
5. Ўсмирнинг билим олишига оид тавсиялар
6. “Ёш даврлар картаси”

Таянч тушунчалар: ёш даврлар психологияси, инқироз, гўдаклик, илк болалик, мактабгача бўлган давр, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик, мулоқот, эмоция, етакчи фаолият.

Педагогик жараёнда ўқитувчи турли ёшдаги болалар билан муомала ва муносабатларга киришар экан, у аввало ҳар бир боланинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳақида чуқур билимларга эга бўлиши зарур.

Ёш даврлари психологияси фанининг предмети инсон психикасининг ривожланиш даврлари динамикаси ва қонуниятларидир. Шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан яна бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, қобилиятлари, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди.

Бола жамиятнинг аъзоси ва мукаммал шахс сифатида муайян ижтимоий муҳитда камол топар экан, унинг билиш жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари ривожланиб боради.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиши ва шахс ҳулкини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуклик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуклик фазаси 18 - 25 ёшларда (Лазарев маълумотларига кўра), интеллектуал, ижодий етуклик - 35 ёшларда (Леман маълумотлари), шахснинг етуклиги 50 - 60 ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характерики, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир

функцияларнинг сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшида фазога мослашув жуда кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш кучаяди. Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидаги яхши ориентацияси, психомоторик функциялар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради. Худди шундай боланинг 3-5 ёш даври тилни, унинг луғавий ва структуравий хусусиятларини ўзлаштиришга жуда мақбул бўлса, етуклик даври бўлмиш 45-55 ёшларга келиб айна шу сифат деярли ўзини йўқотади («тил қотиб қолади»).

Психологиянинг махсус тармоғи ҳисобланмиш ёш давлари психологиясининг энг асосий муаммоларидан бири шуки, инсон психик тараққиётида қандай омиллар - генетик, туғма, орттирилган, ёки ижтимоий омилларнинг қайси бири етакчи эканлиги масаласидир. Бир томондан, боланинг ўз ота - оналаридан мерос сифатида ўзлаштирган сифатлари, масалан, анатоми - физиологик хусусиятлар, мия фаолиятининг ўзига хослиги, тана тузилиши (қўл, оёқ, юз тузилиши ва бошқ.) албатта психологик жаҳатдан одам боласининг муҳитга мослашуви, унга эркин ҳаракат қилиши, жараёнларни онгида акс эттиришига сабаб бўлади. Чунки оддийгина анатомик аномалия ҳолати (қўлнинг калталиги, бўйнинг жуда кичиклиги каби) психикага ва шахснинг жамиятда ўзини тутишига салбий таъсир кўрсатади. Лекин иккинчи томондан ташқи муҳит таъсирини ҳам камситиб бўлмайди. Масалан, агар бола махсус ўқув масканларида ўқимаса, унга тарбиявий таъсирлар кўрсатилмаса, унинг ривожланиши қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу муаммолар устида илмий изланишлар олиб борган олимлар Л. Виготский, Ж. Пиаже, С. Рубинштейн, А. Леонтьев ва кўплаб бошқа психологлар иккала омил ролини ҳам инкор қилмаган ҳолда ижтимоий муҳитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни баравар ёқлаганлар. Чунки тўғри ташкил этилган таълим-тарбия, оила ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характери, шахс мулоқотда бўладиган ижтимоий гуруҳлар, у танлаган касб ва касбдошлари муҳити, никоҳ ва маълумот масалаларининг қандай ҳал қилинганлиги каби қатор ижтимоий омиллар шахснинг ривожланиши, унинг ўз-ўзини англаши ва ўзгаларга муносабати, билиш жараёнлари ҳамда интеллектуал тараққиётида катта аҳамиятга эгаллигига шубҳа йўқ.

Шахс тараққиётини даврларга бўлиш

Шу вақтгача психология илмида шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Бир қанча даврий схемалар ҳам тақлиф этилган. Инсоннинг камол топишини бир неча даврларга ажратиб ўрганиш тавсия қилинади:

1. (0-1) ёш гўдаклик даври
2. (1-3) ёш илк болалик
3. (3-7) ёш мактабгача бўлган давр

4. (7-11)кичик мактаб ёши
5. (11-15) ўсмирлик
6. (15-17) илк ўспиринлик
7. (18-23) ёшликка ўтиш

Турли ёшдаги болаларнинг ривожланиш босқичларида ўзига хос бўлган турлича ўзгаришлар содир бўлади. Бола ривожланишига бир қанча биологик ҳамда ижтимоий омиллар ўз таъсирини ўтказди.

Даврларга бўлишга қаратилган классификацияларнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: жузъий (алоҳида даврларни яна қўшимча даврларга бўлиш - «даврлар ичидаги даврлар») ва умумий (инсон умрининг барча босқичларини ўз ичига олган). Масалан, жузъий классификацияга Ж. Пиаженинг интеллектнинг ривожланишини босқичларга бўлишини киритиш мумкин. У бу тараққиётни 3 босқичда тасаввур қилган:

■ сенсомотор интеллект босқичи (0 - 2 ёш). Бунда асосан олти босқич фарқланади;

■ конкрет операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш босқичи (3 - 11 ёшлар);

■ формал операциялар босқичи (12 - 15 ёшлар). Бу даврда бола нафақат бевосита кўриб турган нарсаси, балки мавхум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юрита олади.

Д.Б. Элькониннинг ёш даврлари босқичларини болаликнинг уч даврини фарқлайди: илк болалик, болалик ва ўсмирлик.

Ёш даврлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик	1 – 2 ёш	1 - 2 ёш
Болаликнинг 1 - даври	3 – 7 ёш	3 - 7 ёш
Болаликнинг 2 - даври	8 - 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 - 16 ёш	12 - 15 ёш
Ўспиринлик даври	17 - 21 ёш	16 - 20 ёш
Ўрта етуқлик даври:		
биринчи босқич	22 - 35 ёш	21 - 35 ёш
иккинчи босқич	36 - 60 ёш	36 - 60 ёш
Кексалик даври	61 - 75 ёш	61 - 75 ёш
Қариллик даври	76 - 90 ёш	76 - 90 ёш
Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган классификациялардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема

ҳисобланади. У қуйидаги 6 - жадвалда келтирилган. У Б.Г. Ананьев, чет эллик олим Бирренлар таклиф этган классификацияга яқин бўлиб, умумлаштирилган тоифалашдир.

Тараққиётни ёш даврларга бўлишда ўзига хос классификациялар ҳам бор. Масалан, Э. Эриксон шахс «Мен» ининг ривожланиш босқичларини ажратган ва ҳар бирида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни ажратган.

1 - босқич (ишонч - ишончсизлик) - бу ҳаётнинг 1 - йили.

2 - босқич (мустақиллик ва қатъиятсизлик) - 2 - 3 ёшлар.

3 - босқич (тадбиркорлик ва гуноҳ ҳисси) - 4 - 5 ёшлар.

4 - босқич (чаққонлик ва етишмовчилик) - 6 - 11 ёшлар.

5 - босқич (шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлиги) - 12 - 18 ёшлар.

6 - босқич (яқинлик ва ёлғизлик) - етукликнинг бошланиши.

7 - босқич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) - етуклик даври.

8 - босқич (яхлитлик ва ишончсизлик) - кексалик.

Эриксон классификациясининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурларининг жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилади. Шунга ўхшаш босқичларга бўлишлар охири пайтда яна кўплаб муаллифлар томонидан таклиф этилмоқда (Г. Гримм, Д. Бромлей ва бошк.). Уларнинг барчасидаги умумий мезон шуки, ҳар бир тараққиёт даври шахс ривожини учун нимани таклиф этади-ю, шахс унда қандай ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлади. Уларни табиий ўзгаришларда билиш ва ўрганиш керак, чунки бусиз шахс тарбиясини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди. Масалан, мактаб ёшидаги болаларга қўйилган талаблар катта одамлар жамоасига тўғри келмайди, ёки боғча ёшидаги бола билан тил топишиш билан талаба билан тил топиш ўзига хос педагогик тактни ва ўша ёш соҳасида билимдонликни талаб қилади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологияси.

Кичик мактаб ёши даврига 6-10 ёшли бошланғич синфларнинг ўқувчилари киради.

Биринчи синф ўқувчиси кўпинча яққол образли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз-мантиқ хотирасини тақозо этади. Бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бирмунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга. Оқилонга ташкил қилинган таълим жараёни мазкур ёшдаги болаларнинг тафаккурини жадал ривожлантиради. Улар ижодий ва маҳсулдор фикр юритишга интиладилар.

Олти ёшли боланинг психик тайёргарлиги тўғрисида гапирилганда объектив ва субъектив томонларини ажратиш муҳимдир.

Объектив томонлари қуйидагилардир: бола турмуши ва фаолиятининг тафовутлари, шароитлари, ўзига хослиги, унинг сиҳат-саломатлиги, усулий жиҳатдан тайёргарлиги, оддий кўникмаларни ўзлаштиргани каби омилларни ҳисобга олинади.

Субъектив томонларига қуйидагилар киради: боланинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий боғлиқдир. Ўқишга салбий муносабат кўпинча катталарнинг кўрқитишлари оқибатида вужудга келади. Шунингдек, ака ва опаларнинг мактабдаги "қийин кечинма ва вазиятлар" тўғрисидаги гаплари, уйда болаларни кўпроқ дарс тайёрлашга мажбур қилиш ҳам ўқишга салбий муносабат уйғотади. Ўқишга салбий муносабатдаги болалар таълим муҳитига киришишга қийналадилар, қатор рухий тўсиқларга дуч келадилар.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири ундаги ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Шу эҳтиёжлар ўз портфелига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар куни мактабга қатнаш туйғуси ётади, холос. Синфдаги ўртоқлари билан қаторлашиб саф тортиб юришлар, биргалашиб ўйнаш, ошхонага бориш, ўқитувчининг ўғитлари ҳам болани ўзига ром этади. Бола ҳали ўқишнинг туб моҳиятини ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак, деб тушунади. Ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат, яъни иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш ўз хулқини идора қилиш эканлигини англайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг болага тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақлу идрок соҳиби, тийрак, сезгир, меҳрибон, ҳатто, донишманд инсон деб билади. Ўқитувчи сиймосида ўзининг эзгу нияти, орзу-истаги, ажойиб ҳис-туйғуларини рўёбга чиқарувчи мўътабар шахсни кўради. Ўқитувчининг обрўси олдида ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош-уруғлар, таниш-билишларининг нуфузи кескин пасаяди. Шу сабабли болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар. Ҳатто, ўқувчи дастлабки пайтларда "яхши" ёки "ёмон" баҳонинг фарқига ҳам бормайди, кўпроқ нечта баҳо олгани қизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим роль ўйнайди.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда предметларни яхлит, аниқ идрок қилиш имконияти жуда чегаралангандир. Қандайдир нарсани идрок этиш ўша нарса билан машғул бўлишни англатиб келади. Ўқувчи ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиши, интилиши ва турмуш фаолиятига мос, шунингдек, ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қиладди, холос. Бола ўқитувчининг раҳбарлигида шахсий идрокни ташкил этиш, ўз олдига вазифа қўйиш, идрок маҳсулини назорат қилиш ва ҳоказоларни ўрганиб боради.

Таълим жараёнида идрок мақсадга мувофиқ **перцептив** фаолиятга айланиб, тобора мураккаблашиб боради, натижада ўқувчида кузатиш, назорат қилиш, фарқлаш имконияти ошади. Шу сабабли биринчи синфда сўз бирор нарсани аташ билан чегараланган бўлса, кейинчалик у ўрганилаётган объектнинг умумий маъносини англата бошлайди. Бошланғич синф

ўқувчиларининг перцептив фаолиятида **фазо, вақт ва ҳаракатни** идрок қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Ривожланишга ижобий ёки салбий таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин: боланинг ирсияти, оиласидаги гигиеник тарбия, умумий саломатлиги, экологик омиллар, ахборотлар ва бошқалар киради.

Ҳар бир ёш даврида жисмоний ўсиш психологик янгиланишлар, физиологик ўзгаришлар ҳамда ижтимоий мослашиш каби мураккаб жараёнлар содир бўлади.

Ўсмирлик ва ўспиринлик даври.

Ўсмирлик даври инсонни болаликдан ёшликка ўтувчи ва бошқа даврлардан нисбатан мураккаброқ кечиши, кескинлиги билан фарқланиб турувчи инсон онтогенетик ривожланишнинг энг характерли даврлардан биридир.

Улар "Ўтиш даври", "Оғир давр", "Инқироз даври", "Қалтис даври" деб юритилади. Тахминан 5-8 синфларга тўғри келади. 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача ораликқа тўғри келади. Айрим болаларда 1 -2 йил эртароқ ёки кечроқ кузатилади. Шунининг илоҳияти олиб, демак, айримларда 9-10 ёшлардан бошланиб, 16-17 ёшгача давом этиши мумкин.

Ўсмирлик даврининг бошланиши қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан 1-2 йил аввалроқ бўлиб беради.

Мураккаблиги: психологик, физиологик ва ижтимоий омилларга боғлиқдир.

Ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу қабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Ўсмирнинг ҳаётида, руҳиятида ва организмида ҳам физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида ўзгариш содир бўлади. У энди "бола" эмас, лекин ҳали "катта" ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этади. Унинг қизиқишлар тизими, ижтимоий йўналиши қайта шаклланади. Ўз-ўзини баҳолаши, қадриятлари тизими ўзгаради. Унинг учун ўз "МЕН"и ва шу "МЕН"нинг аҳамияти ортади.

Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари.

Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари ҳақида фикрлашамиз. Ўсмирлик ёши 10-11 ёш, 14-15 ёшни ташкил этади. Кўпчилик ўқувчиларда ўсмирлик ёшидаги ўтиш асосан мактаб даврининг мураккаб бўлган 5-синфига тўғри келади. Энди у бола эмас, лекин ҳали катта ҳам эмас. Ушбу формуланинг ўзи бу даврнинг қанчалик мураккаб эканлигини англатади.

Бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар бўлиб бера бошлайди. Бу ўзгаришлар юқорида айтганимиздек, физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва у билан боғлиқ равишда барча аъзоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши ҳужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг

ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу даврда ички секреция безларидан бири гипофиз безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секреция безларининг, яъни қалқонсимон без, буйрак усти, ошқозон ости, жинсий безлар ишини кучайтиради. Натижада бола бўйининг ўсиши тезлашади, жинсий балоғатга етиш жараёни амалга оша боради (иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши).

Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ҳамда устозларига кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни мактаб ўқитувчиси кундалик дарс жараёнида кузатиши мумкин.

Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб камолга етиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларни бевосита таъсирини ҳамда аҳамиятини тушунишимиз мумкин.

Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган мураккаб ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирлик даври "Ўтиш даври", "Инқироз даври" (кризис), "Қалтис давр", "Қийин давр", "Балоғат даври" каби номларни олган психологик кўринишлар билан характерланади.

Ўсмирлик даврида катталарга нисбатан агрессив муносабатнинг пайдо бўлиши, негативизм сингари нохуш хулқ-атвор аломатлари ўз-ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етилиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлибгина қолмай, балки уларга билвосита таъсир кўрсатадиган ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, жамоадаги мавқеи, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги ўрни сабабли юзага келадиган характер белгиларидир.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият - бу интим мулоқотдир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси бу - дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларни аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирлар мулоқотининг асосий хусусияти шундан иборатки, у тўла ўртоқлик кодексига бўйсунди.

Ўсмирлар катталарнинг уларга билдирадиган ишончларига катта эҳтиёж сезадилар.

Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиш, тарбия бериш учун энг қулай шароит бу – умумий меҳнат билан шуғулланишидир.

Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи бўлиш ролларидан қониксалар, ўсмирлар айниқса, ўспиринлик давридаги болалар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўрниларига ҳам ишлай олишларидан қоникадилар.

Бола ривожланишининг айна шу даврида биологик, физиологик етуклиги борасида туб ўзгаришлар амалга ошади. Физиологик ривожланиш ва жисмоний балоғатга етиш жараёнининг янги фазаси бошланади. Бу даврда ички секреция (эндокрин) безларидан гипофизнинг функцияси фаоллашади ва у ўз навбатида бошқа безларнинг ишлашини янада тезлаштиради.

Натижада ўсмир организмида кўплаб ўзгаришларни юзага келтиради. Жумладан: бўй ўсиши кескин тезлашади (1 йилда 4-5 см., қизларда эса 3-4 см), жинсий органларнинг ривожланиши ва иккиламчи жисмоний белгиларнинг ривожланиши.

Бу жараён қизларда (13-15 ёшларда) жадаллашади. Жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишнинг акселерациялашуви кузатилаётган ҳозирги вақтда айрим қизларда 9-10 ёш, ўғил болаларда эса 11-12 ёшларда жисмоний балоғатга етишнинг бошланиш босқичида бўлиши мумкин.

Бўйнинг ўсиши, вазнининг ортиши, кўкрак қафасини кенгайиши ва тана пропорциясининг катталарга хослашуви кузатилади. Бош суягининг юз қисми жадал ривожлана боради.

Ўсмирлик – организм тараққиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик ва баъзан номаъқулликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар албатта асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезга аччиқланадиган ёки тормозланиш юз берганда анчагача депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушкунликда қолиши ҳам мумкин.

Ўсмир жисмоний тараққиётини белгиловчи асосий омил жинсий балоғат бўлиб, у нафақат психик, балки ички органлар фаолиятини ҳам белгилайди. Шу билан боғлиқ ҳолда онгли жинсий майллар, шу билан боғлиқ нохуш ҳис – кечинмалар, фикрлар пайдо бўладигани, бола уларнинг асл сабабини ҳам тушуниб етолмайди. Психик тараққиётнинг ўзига хослиги шундаки, у муттасил ривожланиб боради, лекин бу ривожланиш кўплаб қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. Бу тараққиёт ўқув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти бола психикасининг мувозанати ва унинг турли фикр – ўйлардан чалғишига замин яратади. Айниқса, диққат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда бола мустақил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр-уйлари дунёсида мушоҳада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади. Бунинг сабаби – яна ўша катталиққа ўтиш бўлиб, болада ўзига хос «катталиқ» ҳисси пайдо бўлиб, бу нарса унинг гапириши ва фикрлашларида ҳам ифодаланади. Шунинг учун ҳам мактабда берилган мустақиллик ва тўғри ташкил этилган ўқиш шароитлари, самимийлик муҳити унда мустақил фикрлашига катта имкониятлар очиши ва ундаги ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин. Шунга боғлиқ тарзда ўсмирнинг ўз фалсафаси, ўз сиёсати, бахт ва муҳаббат формуласи яратилади. Мантиқан фикрлашга ўрганиши эса унга ўзича ақлий операцияларни амалга ошириш, тушунчалар ва формулалар дунёсида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бу ўзига хос ўсмирлик эгоцентризмнинг шаклланишига – бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсунishi керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айнан ўсмирлик пайтида болалар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар.

Аниқ бир тўхтамга келолмаса ҳам тортишиш бирор фиркни изхор қилиш эҳтиёжининг ўзи унга жуда ёқади.

Шундай бўлишига қарамай, ўсмирлик юқорида таъкидланганидек, карама – қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар «кризислар» даври ҳам деб атайдилар. Сабаби – бола руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар кўп бўладики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, уни ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етмайди. Масалан, «катталиқ ҳиссига» тўсқинлик қиладиган омиллардан бири – бу уларнинг ўз ота – оналаридан моддий жиҳатдан қарамлиги. Руҳан қанчалик ўзларини катта деб ҳис қилмасин, ўсмир мактабга кетаётиб, онасидан ёки отадан пул сўрайди, улар эса болага болаларча муносабатда бўлиб, озгинагина пул берадилар. Иккинчидан, катталардай бўлишни хоҳлайди, лекин қиз бола онасининг, ўғил бола отасининг кийимини кўзгу олдида кийиб кўрса, барибир ярашмайди. Яъни, ташқи кўринишдаги камчиликлар – ҳали қадду-қоматнинг келишмаганлиги, унинг устига юзлари ва танасида пайдо бўладиган нохуш тошмалар унинг руҳан салбий ҳисларни бошдан кечиришига олиб келади. Яъни, бу ёшни «аросат» ёши ҳам деб аташ мумкин, чунки катта бўлиб катта эмас, бола ҳам эмас. Шуларнинг барчаси ўсмирлик давридаги руҳий туғёнларга сабаб бўлади. Лекин шуларга қарамай, бола ўзи билиб, билмай ўз ақлий салоҳиятини ўстиришга интилади, чиройли фикрлашга ташна бўлади ва бу – унинг психик тараққиётидаги энг муҳим ўзгариш ҳисобланади.

Ўсмир шахснинг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири – ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришидир. Кичик мактаб ёшидаги боладан фарқли, ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мактовини эшитиш ва «5» баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум *ижобий мавқени эгаллаш*, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устивор бўлиб боради. Лекин И.В. Дубровинанинг берган маълумотларига кўра, ўқув фаолияти мотивлари орасида умуман билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва ҳавотирлик ҳисларини бошдан кечирадилар (ўртача 20% ўқувчилар). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлашини қийинлаштиради.

Ўсмирнинг шахс сифатида тараққиётида икки хил ҳолат кузатилади: бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ нормаларига бўйсунуш, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгаларни англаш билан ўз-ўзини англаш ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлса-да, ўзини нима қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда тенгқурлар жамияти томонидан тан олинishiга эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланиб қолади. Агар мабодо ўсмир шу даврда бирор сабаб билан

тенгқурлари жамияти томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудхиш воқеадай қарайди, мактабга бормай қўйиши, ҳаттоки, суицидал ҳаракатлар (ўз жонига қасд қилиш) ни ҳам содир этиши мумкин.

Ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан яна бири - бу даврда ўсмирларда кузатиладиган ўсмирлик автономияси ҳолатидир. Ўсмирлик автономиясининг ҳуқуқий автономия, эмоционал автономия, маконий автономия каби турлари фарқланади.

Маълумки, бола дунёга келган кундан бошлаб кимнингдир қарамоғига муҳтож бўлади. Ота-онаси ва бошқа яқинлари уни озиқлантиради, кийинтиради, тарбиялайди ва болани мунтазам назорат остади тутати. Улар болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турадилар ва бола бундай қўллаб-қувватлаш, далдаларга муҳтожлик ҳис этиб туради.

Ўсмирлик даврида эса бола ўз ҳаётини, хавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка эришади. Энди у ўзини ўзи ҳимоя қила олиши, лозим бўлса ўзи ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши, ўз эҳтиёжларини мустақил равишда ўзи қондира олиши мумкин бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий автономия айнаи вақтда бола ўсмирлик ёшига етиши билан унга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши билан характерланади. Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Мабодо бу даврда ўсмир ота-онаси ажралиб кетгудек бўлса, бу ҳолатда ўсмирнинг қаерда ва ким билан қолиши бола хоҳишига қараб ҳал этилади. Шунингдек бола бу даврда ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда расмий равишда жисмоний меҳнат билан шуғулланиши ҳам мумкин. Лозим бўлса улардан ўз хатти-ҳаракати, қилиқлари учун жавоб бериши ҳам талаб қилинади. Шу каби ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиш ва бундан ўсмирнинг хабардорлиги унинг ҳуқуқий автономиясининг юзага келишини таъминлайди. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлилиқ ҳиссини юзага келтиради.

Ўсмирлик автономияларидан яна бири-эмоционал автономиядир. Маълумки бола дунёга келган ондан бошлаб у онаси ва атрофидагиларнинг эмоционал, ҳиссий қўллаб-қувватлашига, меҳр-муҳаббатини намоён қилишига, эркалашига эҳтиёж ҳис қилади. Шунинг учун ҳам илк болалик ёшидаги, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни суюб, эркалаб уларни қучиб, бошини силаб, ёқимли гаплар ва муомала билан уларга ҳиссий яқинлик намоён қилинса, улар бундан қувониб, хурсанд бўладилар ва эркалаётган шахсга нисбатан талпинадилар. Буни ёш болаларнинг онасига суйкалиши, уларнинг пинжига суқилиши, уларга эркаланиши ҳолларида кузатишимиз мумкин. Ўсмирлик давридаги қийинчиликларнинг олдини олишнинг энг ишночли ва фойдали йўли – бу унинг бирор нарсага турғун қизиқишига эришиш, фаолият мотивларини мазмунлироқ қилишдир. Масалан, шу даврда техникага қизиқиб қолган бола қизиқишини қондириш шарт-шароитининг яратилиши, бекор қолмаслигига эришиш, ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, унга бир иш қўлидан келадиган одамдай муносабатда бўлиш катта психологик-педагогик аҳамиятга эга. Унинг

қизиқишларини била туриб, олдига янгидан янги мақсадлар қўйиш – бола шахсининг ривожига асосдир. Шундагина унинг ўз «Мен»и тўғрисидаги тасаввурлари ижобий, ўз-ўзига баҳоси объектив ва адолатли бўлади, ўзининг нималарга қодирлиги ва ким эканлиги ҳақида яхши фикрлар пайдо бўлади.

Ўспиринлик даври.

Юқори синфга ўтган ўспирин психологиясининг ўзига хослиги шундаки, у ҳозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуқтаи назаридан, истиқболга назар билан қабул қилади. Айнан шу даврга келиб, ўспирин турли касбларга қизиқа бошлайди, ўзининг келажакда ким бўлишини тасаввур қила бошлайди. Демак, ўз-ўзини профессионал нуқтаи назардан ажратиш, тасаввур қилиш – ўспиринликнинг энг муҳим янгилигидир. Профессионал тараққиётнинг асосий босқичларини ажратар экан, Е.А. Климов (1996), алоҳида **«оптация»** (лотинча сўз: optatio – хохиш, танлов) босқичини ажратади ва унинг характерли томони – одам томонидан профессионал тараққиётнинг босқичи танланишидир, деб эътироф этади. Оптация босқичи 11 – 12 ёшдан 14 – 18 ёшгача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади.

Бирор аниқ касб – ҳунарни танлаш ва ўз фаолиятини шунга йўналтириш ўспирин шахси учун жуда катта аҳамиятга эга. Ана шундай танловнинг адекват ва тўғри бўлиши ўспириндаги билиш билан боғлиқ қизиқишлар ва профессионал йўналишнинг шаклланишига боғлиқ бўлади. Профессионал қизиқишларнинг шаклланишининг ўзи олимлар томонидан тўрт босқичли жараён сифатида қаралади. Унинг **биринчи босқичи** 12-13 ёшларга тўғри келади ва ўта ўзгарувчанлиги, шахсдаги билиш жараёнлари ва асл иқтидор билан боғланмаганлиги билан характерланади. 14-15 ёшларга тўғри келадиган **иккинчи босқичда** қизиқишлар пайдо бўлади, улар кўп бўлиб, бевосита боланинг билиш имкониятлари ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. **Учинчи босқичда** – 16-17 ёшларда қизиқишларнинг шундай интеграцияси рўй берадики, улар аввало жинсий хусусиятлар ва шахсдаги индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Масалан, қизлар ва ўғил болалар ўзларига мос ва ярашадиган касб-ҳунарни танлай бошлайдилар. Л. Головей (1996) фикрича, **тўртинчи босқичда** – ҳал қилувчи босқичда қизиқишлар доираси сезиларли даражада торайиб, профессионал йўналиш шаклланиб бўлади ва у касб танлаш билан якунланади.

Саволлар:

1. Нима учун ёш давлари алоҳида ўрганилади?
2. Боланинг ривожланишида энг мураккаб босқич қайси ёшга тўғри келади?
3. Болаларнинг ривожланишидаги оғишишлар нималарга боғлиқ бўлади?
4. Ўсмирлик даврида бўлган ўғил ва қиз болаларнинг руҳий ҳолатлари қандай бўлишини айтиб беринг.
5. Нима учун ўсмирлик ёши “Инқироз” даври деб айтилади?
6. Шахс тараққиётидаги ижтимоий омиллар қандай?

3-мавзу. Қобилият ҳақида тушунча. Педагогик қобилиятларни ривожлантирувчи психотренинг. (2 соат амалий машғулот)

Режа:

- 1.Қобилият ҳақида умумий тушунча.
- 2.Педагогик фаолият компонентлари.
- 3.Педагогик қобилиятларнинг турлари.
- 4.Қобилиятларни ривожлантирувчи психотренинг.

Таянч тушунчалар: педагогик фаолият, конструктив, педагогик тасаввур, педагогик такт, эмпатия, коммуникатив, ташкилотчилик, муаммоли вазият, касбий мотив, профессиограмма, педагогик қобилият, перцептив қобилият.

Қобилият ҳақида умумий тушунча.

Қобилиятлар - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. Ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли бўлишини хоҳлайди, «Мен ақллиман» демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. «Ақлсиз, нодон» деган сифат эса ҳар қандай одамни, ҳаттоки, ёш болани ҳам ҳафа қилади. Яна шу нарса характерики, айниқса, бизнинг шарқ халқларида бирор кимсага нисбатан «ўта ақлли» ёки «ўта нодон» иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: «Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота-онасини кўйдираётган эмиш» деган иборалар аслида «ақллилик» категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда

ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда «интеллект» сўзининг луғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект - латинча сўз - *intellectus* - тушуниш, билиш ва *intellectum* - ақл сўзлари негиздан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари - келажагини ХХI аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота - боболариникидан анча юқори. Ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турлари жуда тез ўзлаштириб олмоқда, жaxon тилларидан бир нечтаси билиш кўпчилиги учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оилада илк ёшлигидан маърифий муҳитда тарбияланса, унинг дунёкараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. Ҳаттоки, бундай болага олий ўқув юртида бериладиган айрим предметлар мазмуни ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброк масалаларни ечишни хоҳлайди.

Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан.

Талант (юнонча қимматбаҳо, ноёб нарсa, ирсий, табиий хислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан иборат индивидуал хусусиятдир. Талантнинг асосий белгилари:

- Муваффақиятни таъминлаш;
- Фаолиятни мустақил бажариш;
- Оригиналликнинг мавжудлиги;
- Қобилият ва истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги;
- Индивидуал-психологик хислат эканлиги;
- Ижтимоий турмушни ўзгартирувчи яратувчи имкониятлиги.

Талант қобилиятлар йиғиндиси ёки уларнинг йиғиндисидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган якка қобилиятни, ҳатто у тараққиётнинг юксак босқичига эришган, ёрқин ифодаланса ҳам у билан тенглаштириш мумкин эмас.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар **лаёқатлар** деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миyanинг ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл-оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари - кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хохламаслиги, ўзига ўхшаш кўшиқчи бўлишини хохлаши мумкин. Аёл болани ёшлиқдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки кўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлиқдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт-шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри

аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зехни илк ёшликдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, «юраги чопган» иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни **иктидорли** деймиз. Иқтидор - инсоннинг ўз ҳатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро **истеъдод** - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

Қобилиятлар аввалом бор *умумий* ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Умумий қобилиятларни махсус қобилиятларга зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас. Шахснинг умумий қобилиятлари уларни ҳосил қилувчи омиллар яққол психологик ҳодиса ёки воқеликдир. Махсус қобилиятлар кўлам жиҳатдан торроқ бўлишига қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзларида мужассамлаштиради.

И.П.Павлов ўз таълимотида “бадий”, “фикрловчи”, “ўрта” типларга ажратилган шахсларнинг тавсифини беради .

■ “Бадий тип” учун бевосита таассуротлар, жонли тасаввур, ёрқин идрок ва эмоциялар натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги ҳос.

■ “Фикрловчилар” учун эса мавҳум мантиқий, назарий, методологик мулоҳазаларнинг устунлиги ҳос.

■ “Ўрта” типдагиларда эса ҳар иккала тоифа хусусиятларининг ҳос эканлиги кўринади.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор

хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўрғазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукамал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини илк ёшликдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда.

Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тестлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб боровчи тестлар-топшириқлар батареясида иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаллифлар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачарок усулларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб - ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг «Профессионал - диагностик сўровнома» деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлди:

П(Т) - табиат (усимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари) ;

Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар);

З (Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Х (И)- бадиий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусика).

Конкрет қобилиятлар структурасини ташкил қилувчи шахснинг ҳислатлари ва хусусиятлари орасида айримлари етакчи ўринни эгалса, айримлари ёрдамчилик ролини ўйнайди. Масалан, педагогик қобилиятлар сруктурасида етакчи сифат педагогик такт кузатувчанлик болаларни севиш уларга нисбатан юксак талабчанлик билимларни беришга нисбатан эҳтиёж ёрдамчилик тарзда шулар жумласига кирадиган бир қатор ташкилотчилик қобилиятлари ва бошқалар ҳисобланади.

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи **талант** деб аталади.

Талант деб одамга кандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар уюшмасига ҳам айтилади.

Қобилиятлар каби талант ҳам фақат ижодиётда юксак маҳоратга ва анчагина муваффақиятга эришиш имкониятидан иборатдир. Бироқ оқибат натижада ижодий ютуқлар одамнинг ижтимоий тарихий яшаш шароитларига боғлиқдир. Агар жамият талантли кишиларга мухтож бўлса, агар бундай кишиларнинг ривожланиши учун шароит яратилган бўлса, ундай пайтда бундай кишиларнинг пайдо бўлиш имконияти туғилади.

Талантларнинг уйғониши ижтимоий шарт шароитларга боғлиқдир. Маълум қобилиятларнинг тўла тўқис ривожланиши учун нақадар қулай шароитларнинг бўлиши давлат олдида турган конкрет вазифаларнинг хусусиятларига ва давр эҳтиёжларига боғлиқдир. Талант қобилиятлар йиғиндисидан уларнинг мажмуидан иборатдир. Алоҳида олинган якка қобилият, гарчи ўз тараққиётининг жуда юксак даражасига эришган ва эркин ифодаланган бўлса ҳам талант билан тенглаштириб бўлмайди.

Талант ўзининг умумий ва махсус сифатлари йиғиндиси билан ижодий ютуқ имкониятидан бўлак нарса эмас. Талант маҳоратнинг даслабки шarti бўлиб, лекин маҳоратнинг ўзидан анча узоқдир.

Лаёқат кўп қирралидир. Лаёқатлар асосида ҳар хил қобилиятлар ривожланиши мумкин.

Хозирги пайтда лаёқатни миянинг микроструктураси ва сезги алоқалари билан боғлайдиган гипотеза энг махсулдор гипотеза ҳисобланади. Мия хужайраларини чуқур урганиш истедодли одам нерв хужайраларининг марфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш имкониятини беради деб, тахмин қилиш мумкин. Лаёқатлар билан нерв жараёнларининг айрим дефференциал хусусиятлари ва шунинг билан бирга олий нерв фаолитининг типлари ўртасида боғлиқлик борлиги хақидаги гипотеза ҳам анча хақиқатга тўғри келади.

Ўқитувчининг ўзига хослиги фақатгина унинг ҳар томонлама педагогик фаолиятидаги фазилатлари билан боғлиқдир. Ўқитувчи фаолияти ўзаро компонентлардан иборат.

Педагогик фаолият компонентлари

Педагогик фаолиятнинг 3 компоненти фарқланади: конструктив, коммуникатив ва ташкилотчилик.

Конструктив компоненти. Ўқитувчининг ишида конструктив дарс катта ўрин эгаллайди, яъни синфдан ташқари ишлар мактаб дастурлари билан боғлиқ ўқув материаллари таълим олувчилар учун турли методик ишланмаси ва уни таълим олувчиларга ифодасини қамраб олган. Ушбу барча ишлар дарс конспекти таркибида ўз ифодасини топади, яъни: ўз фаолиятининг тартиби ва тизими таълим олувчиларнинг фаолият тартиби ва тизими (яхлит синфни ва алоҳида ўқувчиларни).

Айни вақтда педагогик фаолиятнинг ушбу компоненти мактаб олдида турган асосий вазифаси ўсиб келаётган авлоднинг фаол фуқаролик ҳолатида тарбиялаш ўқитувчи шахсига маълум бир талабларни қўяди.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштиришга интилиши керак, бунинг учун эса у энг қийин назарий саволларни осон ўзлаштирилиши учун ўқув материални танлаш ва қайта ишлаши лозим.

Биринчи навбатда таълим олувчиларнинг фаолияти фаол бўлмаса, чуқур билим ва ўзлаштириш жараёни амалга оширилмайди.

Таълим жараёнини фаоллаштириш ва интенсификациялаш йўллариини излаш конструктив фаолиятнинг ажралмас қисмидир. Бу билан боғлиқ ҳолда кўпгина ўқитувчилар дарсда муаммоли ўқитиш ва муаммоли вазиятларни ташкиллаштирилди. Таажжубки, ўқитувчи ҳар қандай қўлланмаларни (дастур, методик адабиётлар) қўлламасин, ҳар бир дарс унинг билимларига, унинг ижодиётига, тафаккурнинг ўзига хослигига боғлиқ, ҳамда педагогнинг аналитик фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкилотчилик компоненти. Педагогик фаолият структурасида ташкилотчилик фаолияти ҳам муҳим ўринга эга. Уни конструктивдан ажратиш қийин бўлиб, улар ажралмас яхлитликни ташкил қилади. Ўқитувчи дарс давомийлигини режалаштиришда унинг бутун ўқув ва тарбия жараёнини ташкиллаштиришни билишга боғлиқдир. Фақатгина шунда ўқувчиларни билим билан қуроллаштириш мумкин.

Ташкилотчилик компонентида 3 йўналиш мавжуд: ўз табассумининг ифодаси: дарсдаги ташкилотчилик хулқ-атвори; болаларни фаоллаштириш ташаббуси, уларнинг билиш соҳасини доимий равишда фаоллаштириш.

Агар ўқитувчи ўз маҳоратини ташкилотчилик фаолиятининг биргина аспектида ифодаласа, масалан: ўқув жараёнини яхши ифода эта олди, лекин болаларни фикрлаш фаолиятини фаоллаштира олмади, бунда билимлар ўзлаштирамай балки дарс кўнгил очар ҳарактерда бўлади.

Агар ўқитувчи синфни бутунлай ўзининг ташкилотчилик хулқ-атвор билан қўлга олса-ю, лекин ўқувчиларга материалларни, аниқ ифода этиб бера олмай, материални ифода этаётган вақтда ўқувчиларда юзага келган саволларга жавобни аниқлаштирилгани оқибатида ҳали юқоридагидек камчиликни яъни билимларни чуқур ўзлаштирмаслик юзага келади.

Бу ўқувчиларнинг мулоқотига, ўйин ва меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришга ҳам боғлиқдир.

Ўқиш ва билиш фаолиятидаги ташкилотчилик жараёни албатта бир қатор вазифаларни бажариши керак. Ташкилотчилик маҳоратига эга малакали ўқитувчи аввало таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириб, уларни йил бошидаги ўқишлари III синфга бориб, жамоага муносабатларни шакллантиришга олиб келади. Таълим олувчиларнинг яқка тартибдаги ташаббускорлик фаолияти муҳим бўлиб, у жамоанинг ҳар бир аъзосининг таъсири, ота-оналарнинг болаларга таъсири, юқори синф сардорининг синф тадбирлари сардорига таъсирида ифодаланади. Мазкур барча алоқа ва синфлар муносабатида ўқитувчининг

таълим олувчиларнинг фаолиятининг назорати, ташаббуси муҳим ўринга эгадир.

Коммуникатив компонент. У ўз ичига ўқувчилар билан, ота-оналар билан, ота-оналар билан маъмурият билан, ўқитувчилар билан муносабатларини олади.

Айнан ўқитувчининг ўқувчи билан муносабатида ташкилотчилик ва конструктив фаолиятидаги ютуқларини ва таълим жараёнига нисбатан ўқувчиларда эмоционал бирдамликни ҳосил қилади. Шунинг учун ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабат бошланғич синфларда асосий диққатни таълим олувчиларга қаратилади. Ўқувчилар ўқиш бошида ўқитувчининг билимини ёки унинг дарсини ташкиллаштириш эмас, балки унинг меҳрибонлигини, эътиборлигини, кучли эмоционаллигини баҳолашади. Бу эса кичик ёшдаги ўқувчиларда бу муносабатлар катта таассурот қолдиради.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга ўқитувчининг коммуникатив сифатлари таъсири шунчалик юқорики, у жамоа синфида юзага келадиган кўпгина муносабатларни аниқлаш усулидир.

Ўқитувчиларнинг таълим олувчиларга нисбатан 5 хил эмоционал муносабатни ўз ичига олади: ижобий эмоционалликнинг сустлиги, салбий эмоционалликнинг активлиги, салбий эмоционалликнинг сустлиги ва ҳар хиллиги.

Ўқитувчидаги эмоционал хилма-хиллик ўқувчиларга нисбатан шубҳали ва салбий йўналтирилган бўлади, бу сентиментал ва ўқувчиларни асоссиз кенгайтиради, бу эса синфда бир-бирига нисбатан асабий ва ва нотекис муносабатларни келтириб чиқаради. Педагогик фаолиятнинг коммуникатив томони барча педагогик жараёнларни ўз ичига олади.

Дарсда янги материални тушунтиришда ўқитувчининг эмоционал ўзатиши ўқувчиларда билимни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

Якка тартибдаги ёндошув инсоннинг коммуникатив фаолиятининг бир томони бўлиб унинг ишдаги ютуғини белгилаб беради. Ўқитувчи ўқувчидаги ўзига хос хусусиятларини сезиши ва билиши керак, унга нима ёрдам берадими, нима ҳалақит қилади. Ўқувчининг сустлиги унинг темпераменти билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчидан такт ва сабр-бардошликни ва анатомо-физиологик хусусиятларнинг ўзига хослиги, нутқдаги камчиликлар мавжуд бўлган ўқувчиларга алоҳида эътиборни талаб этади.

Ўқув фаолиятидаги ҳар бир дарс жараёнининг босқичи ва айниқса сўроқ ўтказилишида олдиндан ўйланган режалаштирилган мулоқот имкониятларини талаб қилади. Гапни бўлмайд тинглашни билиш, ўз вақтида юзага келган саволни бериш, жавобни ҳаққоний баҳолаш, таълим олувчиларга субъектив муносабатда бўлмаслик, педагог шахсининг ўқувчига нисбатан ижобий таъсирини белгилаб беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бошланғич синфда ўқитувчининг фаолиятида конструктив ва ташкилотчилик компонентлари эмас, балки коммуникатив компонентлари муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўқитувчида ўқувчиларга нисбатан ижобий ёки салбий стереотипларни муносабатларини

келтириб чиқариб, бу ўқитувчида хулқ-атворини ўзгартириш ва анализ қилишни талаб қилади.

А.И. Шербаков юқорида санаб ўтилган компонентлардан ташқари, педагогик фаолиятнинг куйидаги тўлдирувчи томонларини очиб берган. Бу ахборотли томони (материалга эга бўлиш ва уни маҳоратини етказиш); ривожлантирувчи (ўқув шахсининг яхлит ҳолда ривожланишига йўналтириш); ҳаракатлантирувчи (таълим олувчиларга ақлий фаолиятларини фаоллаштириш ва уларни мустақиллигини ривожлантириш мўлжалланган (шахсни мотив ва идеалларига йўналтириш); изланувчан (педагогик жараёндаги ижодий изланишлар), ўз малакасини ошириш ва ўз маҳоратини жоимий равишда такомиллаштириш.

Педагог касби учун шахсий хусусиятлар кўлами жуда муҳим ҳисобланиб, ўқитувчида педагогик фаолиятида ва худди шу вақтнинг ўзида унинг ютуқларини таъминлашда англаш ва фаолият юритиш бирлиги шаклланган бўлиши керак.

Педагогик фаолият мотивлари. Кўпгина мотивлар орасидан ўқитувчи шахси учун бош мотив сифатида касбий мотив ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий мотиви ҳар қандай мотивация сингари мураккаб тўзилишига эгадир. Унинг таркибига педагог касбни танлаш мотиви, ўқитувчининг меҳнат фаолиятида вужудга келадиган мотивлар, педагогик фаолиятни мукаммаллаштирувчи мотивлар киради. Шубҳасиз, мазкур мотивлар негизида: жамият олдидаги бурчи, ватанпарварлик каби кенг ижтимоий установкалар ётади. Айнан бу ҳиссиётлар барча мотивларни ва фаолиятни белгилайди.

“Аммо педагогик меҳнат жараёнида мазкур ижтимоий установкаларни аниқ фаолиятга жалб қилиш мотивлари билан мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ушбу мотивга асосий эътиборини қаратмоғи лозим.

Педагог касбни танлаш мотив таркибига болалар билан ишлашга бўлган қизиқиш, ташаббускорлик қобилият, тақлид (севимли ўқитувчига нисбатан), болаларни текшириш ишлари ва бошқалар киради.

Педагог касбни танлаш мотиви ва педагогик фаолият жараёнида пайдо бўладиган мотив кўпгина ҳолларда бир-бирига мос келади. Масалан: педагогик коллеж ва институтларда ўқиб юрган кезларда ҳам ўқитувчининг барча ишларига бўлган тортиши янада фаоллашади. Бунга болаларга бўлган қизиқиш (ёки кўпгина ўқитувчилар айтишича болаларни яхши кўриш), ўқитувчи меҳнатининг жамиятда муҳимлиги, педагогик қобилиятларнинг бўлиши (масалан, дарснинг ижобий ташкил этилиши) кабилар киради. Қолган мотивлар ўқитувчилик ишини бошлашдан олдин жой эгаллаб (масалан: юқори синфларда севимли ўқитувчига тақлид қилиши аниқ фаолиятга нисбатан янги маълумотлар йиғилиб юқоридаги ҳислатларга кўшилиб кетади.

Педагогик фаолиятини такомиллаштириш мотивларини пайдо бўлишига ўқув дастури омил бўлиб хизмат қилади. Сўнги йилларда кўпгина назарий материаллар мураккаблашиб умумий, назарий тушунчаларни билиш учун билим салоҳиятини ошириш талаб қилинмоқда. Шунинг учун ҳам

бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик қобилиятларини такомиллаштириш мақсадида-ўзининг билим ва малака даражасини ошириш мотиви ҳосил бўлди. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчилар мустақил ўқишга малакасини оширишга олий педагогик маълумотни олиш учун сиртки бўлимга ўқишга интилдилар. Лекин бу умумий установкаларни-билим ва малакани оширишда турли эҳтиёжлар тегишли бўлиши мумкин.

Жамиятнинг мактабда ўқитишнинг билимларни такомиллаштириш учун утилитар ёндошув каби янгича талабни қўйди. Ўқитувчи фақат йиғинди таркибини бошқармайди. Жамиятнинг кескин ривожланишини ўқитувчи ижодий ишида ҳал этади. Шунинг учун ўқитувчи жамиятнинг қатъий педагогик-психологик жараёнида янги назарий билимларга интилиши керак. Шундагина таълим олувчиларнинг ривожланиш даражаси замон талабига мос келади. Ўқитувчиларда касбий шахс ҳислатлари шаклланади.

Педагогик қобилият. Психологик тадқиқотларда аниқланишича, ўқитувчининг шахсида шахсий ҳислатлар ва билим, малака, кўникмалар синтези пайдо бўлар экан. Шунинг учун ҳам ҳар бир педагог ўзининг психик хусусиятларни чуқур англаши натижасида ўзининг тарбияси билан шуғулланишга олиб келади.

Ўсиб келаётган авлодни таълим-тарбиясининг муваффақияти биринчи навбатда куйидаги хусусиятларга, яъни мустақиллик руҳини онгига сингдириш, маънавий ҳислатлар ва эркин эмоционалликни шакллантириш ва педагогик йўналтириш танланган касбга нисбатан муҳаббат ва садоқатни ўйғотиш қабиларга боғлиқдир.

Ўқитувчи фаолияти учун ҳамда бошқа турдаги фаолият мутахассислари учун диққатнинг барқарорлиги, мустақил фикрлаш, дадиллик каби умумий қобилият муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бошқа турдаги соҳаларда ҳам педагогик фаолиятда ҳақиқий муваффақият бўлиши педагогик қобилиятнинг ривожланишига боғлиқдир. Мазкур фаолият орқали индивидуал психик хусусиятларни муваффақиятни эгалланишига ёрдам беради.

Педагогик қобилиятларнинг қўллашда жуда кенг. У педагогик фаолиятнинг барча тўзилишини қамраб олади. Ўқитувчининг педагогик профессиограммасини ўрганган психолог ва педагоглар ўқитувчининг турли қобилиятларини ажратиб берилди. Н.В.Кузьминанинг тадқиқотларида педагогик кўзатувчилик, педагогик тасаввур, педагогик такт, диққатнинг тақсимланиши, ташкилотчилик қобилиятлари очиб берилган.

Ф.Н. Гоноболин ўқитувчида ушбу ўқувчини тушуниш, материални тушунарли етказиш, ўқувчиларда қизиқишни ўйғотиш, ташкилотчилик қобилияти, педагогик такт, ўз ишининг натижасини олдиндан кўра билиш ва бошқаришнинг бўлишини санаб ҳамда ёритиб берган.

Кўриб турганимиздек, барча қобилиятга тегишли ҳислатлар қайтарилмоқда. Бир жойда кўпроқ мослашса, бошқа вазиятда эса ҳар хил номланади, лекин бир хил психологик маънони англатади (масалан, Н.В.Кузьмина бўйича педагогик тасаввур билан Ф.Н. Гоноболиннинг ўз ишининг натижаларини олдиндан кўра билиш).

Педагогик қобилиятлар гуруҳининг яхлитлиги биринчи навбатда қуйидагилар киради: педагогик кўзатувчанлик, педагогик тасаввур, талабчанлик, педагогик такт, ташкилотчилик қобилияти, оддийлик нутқнинг аниқ ва ишончлилиги.

Юқорида санаб ўтилган педагогик қобилиятлар педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилади.

Педагогик тасаввур асосан конструктив фаолиятга тегишли бўлиб, - у таълим олувчиларнинг келажак билимларининг намунаси сифатида намоён бўлади, ҳамда олдиндан мос келадиган методлар ва методикаларни топишга асосланади. Айнан педагогик тасаввур ўқитувчига ривожланаётган таълим-тарбияни ташкил қилишга ёрдам беради.

Педагогик такт: педагогик фаолиятнинг коммуникатив томонида вужудга келади. Бу ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар билан тўғри муомала қилишга ўргатиш зиддиятли вазиятларни аниқлаштириш ва огоҳлантириш, муносабатларга нисбатан меъёрни билиш (талабчанлик, меҳрибонлик) қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти ўқитувчи фаолияти учун муҳим ҳисобланади, чунки бутун педагогик фаолият ташкилотчилик ҳарактерига эгадир.

Ўқитувчи шахсининг индивидуал қобилиятлардан ташқари ўқитувчи фаолиятида унинг индивидуал қобилиятлари. У педагогнинг услубини белгилайди. Ишнинг услубига олий нерв фаолияти хусусиятлари, эмоционал соҳанинг ўзига хослиги таъсир қилади. Дарс ўтиш темпи эмоционал даражанинг тўйинган кўринишида уларнинг таъсири кўринади. Ҳозирги вақтда қандай психологик қобилиятлар билан ўқитувчи янги таълим вазифаларидаги боғлиқликлардан фарқ қилиб, ўқув жараёнини фаоллаштириш саволига психологлар жавоб излашмоқда.

Бир гуруҳ психологларнинг олиб борган тадқиқотларида ўқитувчига моҳир педагогик ишда бир хил муваффақиятнинг пайдо бўлмаслигига яхлит ҳолда қуйидагилар аниқланди:

- болалар интеллектининг катта имкониятига ишониш ва барча ўқув жараёнида бу вазифага тобе бўлиши:

- ўрганилаётган дарс материални ҳар томонлама максимал ўқитишга интилиш, таълим олувчиларда вазифани бажариш учун турли усулларни излашни шакллантириш;

- педагогик кузатувчанлик;

- ҳаққонийлик, асосланганлик, қўйилган талабларга нисбатан бевосита ишбилармон ҳарактерда бўлиш;

- болалар жамоаси билан мулоқотнинг қондирилиши ва аксинча, виждонли ўқитувчи бўлса ҳам лекин таълим олувчилар олдида авторитети бўлмаса, унда қуйидаги қобилиятлар фарқ қилади:

- ўқувчилар билан доимий қаттиққўл муносабатда бўлиш зарурати;

- тўғри талабларнинг устунлиги, қўрқитиш ёки насихатомус тонларнинг кўплиги стереотиплик;

- ўқувчилардан жавоб беришни қаттиқ талаб қилиши;

- педагогик штампларнинг ўқув услубида бўлиши.

Биринчи ўқитувчи сифатида ўқувчининг барча ёш ва индивидуал фарқларни мактабга келганидан ўқиб олиши, уни янги фаолиятга енгиллик билан ўргатиш, бошланғич синф ўқитувчиларида зийраклик қобилияти бўлиши керак, у мактабгача ва кичик мактаб ўқувчисида психология ва педагогика билимларига чуқур кириши, кейинги таълим босқичларида ўзининг ўқувчисининг муваффақиятлари жавобгарлик ҳиссининг бўлиши. Албатта мулоқотчанлик ва меҳрибонлик бўлиши керак. Бошланғич синф-ўқитувчисида оптимизмлик, ҳаётдан қувончнинг бўлиши болаларни доимо жалб қилиб келган. Ҳар бир ўқувчининг баҳосига нисбатан ҳаққонийлик бўлиши, у контактнинг муваффақиятини белгилайди, бу эса ўқувчига таъсир қилиб маъноли барьерга йўл қўймайди. Билимга нисбатан ҳар томонлама қизиқишнинг бўлиши, кўп фанларни билишнинг муваффақияти эрудициянинг шарти билан боғлиқ эстетик ҳислар ва маданиятга эмоционал муносабат бўлиш муҳимлиги ўқувчиларда қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради.

Бу алоқада ўқитувчиларнинг шахсий касб томонларига ҳамда юқори ва бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий ҳислатларига баҳо беришга бўлган қизиқиш муносабати намоён бўлади.

Тадқиқотларда бу масала махсус ўрганилди. Ўтказилган экспериментда 300 га яқин ўқитувчилар иштирок этиб, улар орқали педагог ишидаги ўқитувчисининг шахсий томонлари танланди.

Натижада, бошланғич синф ўқитувчиларидаги ватанпарварлик ҳисси, меҳрибонлик, педагогик такт, ҳаққонийлик, болаларга муҳаббат, ўқувчини тушуниши қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, қувноқлик каби сифатлар юқори даражада эканлигига аниқланган бўлса, юқори синф ўқитувчиларида эса ватанпарварлик ҳисси педагогик такт, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилиятларининг шаклланганлиги ўртадан юқори кўрсаткични ташкил қилади.

Педагогик қобилиятларнинг шаклланиши. Ўқитувчининг касбий қобилиятлар кўлами педагогик ўқув юртларида таълим олаётган вақтидан, ўзини тарбиялаш, жараёнида ҳамда кундалик педагогик фаолиятда шаклланади.

Албатта, ҳар бир шахс алоҳида индивидуал ва унинг баъзи қобилиятлари ҳам, юқорида келтириб ўтилган махсус қобилиятлар баъзи бир ўқитувчиларда уларни мақсадга йўналтиришса ҳам тўлиқ даража ривожланмаслиги мумкин.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатдики, ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштиришдаги баъзи бир қобилияти бўлмаса у бошқаси билан ўрнини тўлдиради ва бунда ўқув фаолиятига ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Ф.Н. Гоноболин ўз тадқиқотларида бошланғич синф ўқитувчиларида болаларга нисбатан талабчанликнинг бўлмаслиги натижасида болалар билан ишлашда сабр ва бажаришга тиришиши билан компенсацияланади (ўрнини тўлдиради) деб айтиб ўтди.

Педагогик қобилиятларнинг компенсаторлик имкониятининг сўнгги тадқиқотларида қобилиятлар оламини очади, унда қайси бири бош бўлиб фаолиятнинг муваффақиятини белгилашини аниқлади.

Тадқиқотлар бўйича, биринчи типдаги педагогларда педагогик қобилиятларнинг ядроси сифатида юқори даражада назарий билимларнинг ривожланиши ҳисобланади ва натижада уларда тўғарак ишларини бошқариш ва профориентация маҳорати, конструктив ва коммуникативлик маҳорати каби ҳислатлар вужудга келади.

Иккинчи типдагиларнинг ядроси сифатида юқори даражада ташкилотчилик ишлари (камалак, спорт) ҳисобланиб, уларда амалий маҳорат (муסיқа асбобларида ўйнаш, фотография), коммуникативлик ва конструктив маҳорат юзага чиқади.

Учинчи типдагиларда коммуникатив маҳорат ядро сифатида бўлиб, уларда ташкилотчилик маҳорати, конструктив ва амалий маҳорат шаклланади.

Тўртинчи типдагиларда конструктив маҳорат ядроси сифатида бўлиб, уларда юқори даражада назарий билимлар шахсий ҳислатлар (оддийлик, сабрлилик, вазминлик) шаклланади.

Шу нарса аниқки педагогик маҳоратнинг доимий мукаммаллашуви ўқитувчининг ўз мақсадларини, англаш керак ҳамда ўз педагогик фаолиятида нимани кутади, педагогик фаолиятда пайдо бўладиган шахсий имкониятларини (ҳарактер хусусиятлари, оғишишлар) англашни тўлиқ тушуниши лозим.

Педагогик қобилиятларнинг турлари

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Ўзоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилият тўзилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материални аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятдир. Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ мураккаброғини соддароқ тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади.

Академик қобилиятлар - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир. Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат курс ҳажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кўзатиб бориб,

ўқув материални мутлақо эркин эгаллаб унга катта қизиқиш билан қарайди, ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиши бошқаларини қойил қилиб хайратда қолдириши, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли ҳар томонлама кенг билимдон одам бўлиши лозим.

Перцептив қобилиятлар – бу ўқувчининг тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кўзатувчанлик, ўқувчи шахсини вақтинчалик, психик ҳолатлари билан боғлиқ, нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятлардир.

Нутқ қобилияти - кишининг ўз туйғу ҳисларини нутқ ёрдамида шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти — бу биринчидан. ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, унда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини туғри ташкил қила олиш қобилиятидир.

Авторитар қобилият - ўқитувчининг ростгўйлик, иродавий уддабуронлиги, ўзини тутта билиши, фаросатлилиги, талабчанлилиги каби иродавий ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга шу билан бирга ўқувчиларнинг тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олишга ишонч каби ҳислатларга ҳам боғлиқдир.

Коммуникативлик қобилияти - бу болалар билан мулоқотда бўлишга ўқувчиларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлилигига қаратилган қобилиятдир.

Педагогик такт психологиясини ўрганишида психолог И.В.Страхов бениҳоя катта ҳисса қўшган унинг фикрича бунда муҳими - ўқувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усуллари топа билиш тарбиявий таъсирни қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга зътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни ҳисобга олиш, ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур педагогик ҳолатларини ҳисобга олиш зарурдир.

Педагогик ҳаёл - бу кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойиҳалаштирганда ўз иш ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган махсус қобилиятдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - бу қобилият бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари.

Педагогик қобилият таркиби:

– дидактик қобилият (осон йўл билан мураккаб билимларни тушунтириш);

- академик қобилият (барча фанлар юзасидан муайян билимга эга бўлиш);
- перцептив қобилият (қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати);
- нутқий қобилият (ихчам, маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, нутқнинг жарангдорлиги, унинг пауза, мантиқий урғуга риоя қилиши);
- ташкилотчилик қобилияти (синф гуруҳи ёки курсни уюштириш ва уни бошқариш истеъдоди);
- обрўга (нуфузга) эга бўлиш қобилияти (ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл-фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириш);
- муомала ва мулоқот ўрната олиш қобилияти;
- психологик ташхис (диагноз) қобилияти (инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилиш башорати);
- диққатни тақсимлаш қобилияти (бир неча объектларга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш ўқуви);
- иймон-эътиқодга, фаол ҳаётий позицияга йўналтириш қобилияти;
- ташаббусга, ижодга илҳомлантириш қобилияти;
- ақл-донишлик қобилияти (билимдонлик);
- конструктив қобилият (ўқув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти);
- гностик қобилият (тадқиқотга лаёқатлилиқ).

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиятлардан ташқари ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлак каби қатор инсоний хислатларга эга бўлиши лозимдир.

Саволлар:

- 1.Замонавий ўқитувчининг қиёфаси қандай бўлмоғи керак?
- 2.Ўқитувчи фаолиятининг асосий компонентлари таълим жараёнида қандай аҳамиятга эга?
- 3.Ўқитувчи иш услубларининг бола шахси тарақиёти ва ўзлаштиришига таъсири нималарда намоён бўлади?
- 4.Ўқитувчида перцептив қобилиятларнинг шаклланмаганлиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
- 5.Ўқитувчи фаолиятида педагогик ҳаёлнинг ўрни ва унинг психологик моҳияти.

Ижобий шахслараро муносабатларни қарор топтириш ҳамда педагогик қобилиятларни ривожлантиришга мўлжалланган ижтимоий психологик тренинг

1. **Саломлашиш анъанаси** – Ҳар бир машғулоти гуруҳ аъзоларининг сўрашиш жараёнида бир- бирларига илиқ сўзлар билан муносабат қилишлари билан бошланади. Улар бу билан ўзларини ҳамкорликдаги ишга тайёрлашади.

Мақсад: машғулоти бошидаги қатнашчилардаги сиқиклик ҳолатларини йўқотиш, атрофдагилардаги ижобий сифатларни кўра олиш малакасини ўрнаттириш.

2. **«Танишув»** - биринчи тингловчи ўз исмини айтади, кейинги ҳар бир қатнашчи ўзидан олдинги тингловчиларнинг ва ўзининг исмини такрорлайди. Охириги тингловчи гуруҳдаги барча тингловчиларнинг исмини айтиши лозим.

Мақсад: гуруҳ жипслигини мустаҳкамлаш. Хотира машқи.

3. **«Мен кимман?»** – Тренинг қатнашчилари доира шаклида ўтиришади. Навбати билан улар ўз характерларидаги битта ижобий ва битта салбий томонларни айтадилар. Бошқа қатнашчилар аниқлаш учун саволлар беришлари мумкин. Гуруҳ раҳбарининг вазифаси гуруҳдаги ўзаро ишонч муҳитини бузадиган саволлар берилишига йўл қўймаслик.

Мақсад: тренинг қатнашчиларининг ўз индивидуал хусусиятларини англашлари, гуруҳнинг бошқа аъзолари билан танишиш.

4. **«Эртак»** – Қатнашчилар доира шаклида ўтиришади. Улардан бири эртак айтишни бошлайди, масалан, «Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир чол билан кампир бор экан». Унинг ёнида турган қатнашчи эса ундан кейинги бўлган воқеани қўшиб айтади. Кейинги қатнашчи ҳам эртакни давом эттиради.

Мақсад: эшитиш хотирасини ривожлантириш, муомаладаги шерикни тинглаш қобилиятини ривожлантириш.

5. **«Диалог»** – Гуруҳнинг икки қатнашчисига ўзаро диалог вазиятида икки хил вазифа, мақсад қўйилади. Улардан бири иккинчисини бирор- бир нарсага (Масалан: унинг уйига келиш; унга китоб жавонини тузатишга, вазифани бажаришга, қўйлак тикишга ёрдам бериш ва ҳоказоларга) кўндиришга, иккинчиси эса унга ёрдам беришни бутунлай рад этишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга улар суҳбат давомида ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқмасликлари, ўз хоҳишларини ишончли далиллашлар асосида баён этишлари лозим бўлади. Машқ диалог қатнашчиларидан бири иккинчисининг фикрига бўйсунмагунча давом этади.

Мақсад: ўз фикр-мулоҳазаларини, манфаатларини ҳимоя қила олиш малакасини шакллантириш, бу соҳада ўзида мавжуд воситаларни бойитиш, зиддиятли вазиятларда ўз хатти-ҳаракатини бошқара олиш.

6. **«Хайрлашув анъанаси»** – Қатнашчилар доира шаклида ўтиришади. Ҳар бир қатнашчи ўз ёнида ўтирган шериги билан хайрлашади ва унга эзгу тилаклар тилайди.

Мақсад: гуруҳдаги муҳитни яхшилаш, машғулоти ҳақида илиқ хотиралар қолишини таъминлаш.

Педагогик қобилиятларни ривожлантирувчи психотренинг дастури.

1-машқ. “Менинг муаммоли ўқувчим” (20 мин).

Мақсад: Тингловчиларда муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш кўникмасини ривожлантириш.

Кичик гуруҳларда ишлаш орқали тарқатилган карточкаларда кўрсатилган муаммолардан чиқиш йўллари топиш. Муаммоли вазиятни ноанъанавий усулда ҳал қилиш юзасидан дастур ишлаб чиқиш.

2-топширик.

Энерджайзер “Чапаклар” (ёки 3га каррали сонларни қолдириб кетиш) – 5 дақиқа.

Бу машқ диққатни фаоллаштиришга, гуруҳий ишга ва ҳаракатлар координациясига йўналтирилган. Айниқса, онгли равишда вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Хулосалаш

3-топширик; (20 дақиқа).

Ўқувчи эҳтиёжларини, қизиқишларини ва муаммоларини ҳисобга олиш қобилияти (“Уй қуриш” машқи – кичик гуруҳларда ишлаш). Машғулот шарти қуйидагича: “уйни қуришга буюртма қабул қилиш”дан аввал архитекторлар буюртмачидан унинг талабларини сўраб билишлари керак бўлади. Буюртмачининг вазифасини бажариб, гуруҳлар тақдим этадилар. Шунда буюртмачи томонидан қўшимча талаблар мавжудлиги аниқ бўлиб қолади. Натижада буюртмачининг вазифасини бажариш жараёнида улар ҳисобга олмаганлари маълум бўлади. Бу орқали ўқитувчида ўқувчи эҳтиёжларига кўра таълимга ёндашиш қобилияти ривожланади.

4-топширик: 3 та одам ҳамкорликда новербал тарзда топширикни амалга оширади – 5 дақиқагача.

(Гуруҳ аъзолари вазиятни кўрсатиб берадилар, қолган иштирокчилар аниқлай олишлари керак – пантомимика ва юз ифодаси орқали. Масалан, учта иштирокчи биргаликда бирор вазиятни ўзаро келишилган ҳолда ролли ўйинлар орқали бошқа одамга ахборот узатади. Буни кўриб турган одам ўзига тегишли бўлган ахборотни тўғри қабул қилиб, тўғри аниқлай олиши керак. Бу орқали ахборотни узатиш ва қабул қилиш кўникмалари шакллантирилади.)
Хулосалаш ва умумлаштириш.

4-мавзу: Оила психологияси. Оиладаги шахслараро муносабатлар ва унинг бола шахси шаклланишига таъсири. Этнопсихологик

**масалалар
(2 соат амалиёт).**

Режа:

1. Оила турлари.
2. Оиланинг вазифалари.
3. Оила омиллари.
4. Оиладаги шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола шахсига таъсири.
5. Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятлари

Таянч тушунчалар: оила, гуруҳ, референт, конформлилик, лидер, этнопсихология, муносабат, психологик мослик, биологик, ижтимоий мослик.

Оила турлари

Ҳозирги замон оилаларининг қандай турларга эга эканлиги ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, уларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш имконини беради. Қуйида шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Оила уни характерловчи турли мезонларга кўра қуйидагиларга фарқланади:

1.Тўлиқлигига кўра: тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган (иккинчи никоҳ) оилалар.

2.Бўғинлар сонига кўра: нуклеар (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва кўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи) оилалар.

3.Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали, икки болали, 3-4 болали, 5 ва ундан ортиқ болали оилалар. Турли мамлакатларда бу мезонлар турличадир. Масалан, АҚШ, Франция, Германия, Греция, Россия ва бошқа ривожланган давлатларда 3-4 болали оилалар кўп болали оилалар ҳисобланади. Ўзбекистонда бундай оилалар фарзандлар сони ўртача бўлган оилалар сарасига киради.

4.Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар оиласи, аралаш типдаги оила.

5.Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий маълумотлилар, ўрта-махсус, ўрта, тугатилмаган ўрта, махсус ёрдамчи мактаб маълумотига эга бўлган қайлиқлардан ташкил топган оила.

6.Оиланинг «ёшига» кўра: ёш оила (1 йилгача, 3-5 йиллик, 6-10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар), ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила (қариялар оиласи).

7.Қайлиқларнинг ота-она оиласи (ота-онаси)нинг моддий таъминланганлик даражаси жиҳатидан қудаларнинг бир-бирига мос эканлиги

ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бирига мос ва мос бўлмаган оилалар.

8.Регионал жиҳатларига кўра: шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.

9.Никоҳдан қониққанлик савиясига кўра, ажралиш савиясида - никоҳдан қониққанлик даражаси қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда ва никоҳдан қониққанлик даражаси юқори савиядаги оила.

10.Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра: эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчилиқни бирга бажарадиган (биархат) оила.

11.Оилада эр-хотин орасидаги муносабатларига кўра: авторитар, демократик, либерал, аралаш типдаги оилалар.

12.Эр-хотинларнинг миллатига кўра: бир миллатли ёки байналминал оилалар. Байналминал оилаларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин:

- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирган миллат вакиллари орасида никоҳлар, масалан, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва бошқалар,

- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирмаган миллат вакиллари орасидаги никоҳлар, масалан, ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон, ўзбек-немис ва бошқалар.

Юридик расмийлаштирилганлигига кўра: синовдаги оила (бирга яшашади, аммо ҳали никоҳни расмийлаштирмаган, чунки бир-бирларини норасмий никоҳда синашяпти), расмийлаштириш арафасидаги оила (бирга яшашади, оила қуриш мақсади аниқ, аммо айрим объектив сабабларга кўра расмийлаштириш кечиктириляпти), никоҳдаги оила, никоҳдан ташқари оила (айрим эркак кишиларнинг иккинчи, учинчи, юридик жиҳатдан норасмий оиласи). Никоҳдан ташқари оилаларнинг айримлари пинҳона бўлса, кўпчилиги ҳақида эркак кишининг биринчи оиласи ва қариндошлари билишади.

Оиланинг асосий вазифалари

Ҳар бир оила ижтимоий тизим структура сифатида жамият олдида маълум бир вазифаларни бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифалари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий (жамоатчилик) вазифаларини ҳисобга олиш лозим.

Барча олдинги жамиятларда оила қуйидаги асосий вазифаларни бажарган: *иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув)*.

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий вазифаларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки айрим манбаларда: наслни давом эттириш, тарбиявий, хўжалик ва ўзаро ёрдам каби вазифалар ҳозирги замон оиласининг муҳим вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилган, социолог олимлар (У.М.Свердлов, В.А.Рясенцов, В.П.Ключников) эса инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва хўжалик вазифаларини фарқлайди; С.Д.Лаптенко хўжалик-маиший, аҳоли сонини

қайта тиклаш, тарбиявий ва оила аъзолари дам олиши - ҳордиғини ташкил этиш; Н.Г.Юркевич - маънавий мулоқот, сексуал, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй хўжалигини юритиш учун зарур воситаларни таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлиш; А.Г.Харчев - аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, хўжалик, истеъмол ва дам олишни ташкил қилиш кабиларни фарқлайди. Мана юқоридагилардан кўриниб турибдики, қатор оилашунос мутахассислар томонидан оиланинг асосий вазифалари турлича классификация қилинмоқда. Бу ўринда оила вазифаларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни бир томондан одамларнинг моддий, хўжалик-маиший ва иккинчи томондан эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирувчи вазифаларга фарқлаш муҳим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш вазифасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳатто соф моддий характерга эга бўлган вазифаларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормоқда. Ҳиссий, эмоционал контактларнинг аҳамияти шаҳар оилаларида кучлироқ англаб олинмоқда. Қишлоқ оилалари эса уй ҳайвонлари ва томорқа ерларининг борлиги эвазига шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи бўғинилигини, ишлаб чиқарувчилик вазифасини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳозирги замон оиласининг асосий вазифалари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: *иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув), фелиоцитологик* кабилар.



Оиланинг **иқтисодий** вазифаси унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежаб рўзгор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек оилада ўсаётган бола ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши

зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим. Кейинги йилларда оилаларда юзага келаётган иқтисодий муаммолар оиладаги шахслараро муносабатларга салбий таъсир этиши билан биргаликда болалар билим савиясининг пасайишига ҳам олиб келмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида моддий қийинчиликлар туфайли ҳосил бўладиган муаммоларни бартараф этишда одамларга психологик ёрдам кўрсатиш лозим.

Оила ўзининг шу вазифаси туфайли жамиятга, давлатга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, бола тарбияси, болани иқтисодий таъминлаш борасидаёқ унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади. Буни давлат томонидан, давлат муассасаларида (болалар уйларида) бир болани 16-18 йил тарбиялаб, ишчи кучи сифатида етиштириш учун (уни боқиш, қийинтириш, ўқитиш, моддий таъминлаш ва ш.к.) давлат томонидан ҳар бир болага сарфланадиган маблағ ва айнан шундай ишчи кучини оилада тарбиялаш учун бериладиган нафақа пуллари миқдорини солиштирадиган бўлсак, ўртадаги фарқ биринчилар фойдасига бир неча юз минг сўмни ташкил қилади.

Тасаввурга осонроқ бўлиши учун айтиш мумкинки, ҳар бир болани вояга етказиш учун оила давлатга камида ўн-ўн беш миллион сўмлардан ортиқ миқдорида иқтисодий фойда келтиради. Бу борадаги, яъни ҳар томонлама камол топган маънавий-ахлоқий етук, жисмоний-психологик соғлом шахсни етиштиришнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини ҳеч қандай иқтисодий меъзон билан ўлчаб бўлмайди.

Бу, оилани иқтисодий вазифасининг атиги биргина шахсни шакллантириш борасидаги қимматини кўрсатади холос. Ҳозирги замон оиласида хўжалик ишларини юритиш, ишнинг йўлга қўйилиши, моддий неъматлар ишлаб чиқариш, фермер хўжалиги, шахсий ишлаб чиқариш кабиларнинг ўсиб бориши, унинг жамият олдидаги иқтисодий вазифаси аҳамиятини янада ортиб бораверишини кўрсатади.

Оиланинг муҳим бўлган вазифаларидан бири бу унинг *репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) вазифасидир*. Бу вазифанинг асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Бу эҳтиёжларни қондирмасдан туриб, киши одатда ўзини бахтиёр ҳис қила олмайди. Шунингдек, эр-хотинда, фарзанд туғилиши билан боғлиқ ҳолда бутунлай янги ҳиссиётлар: аёлда - оналик, эркакда - оталик ҳисси пайдо бўлади. Фарзанд эр-хотин муносабатларини янада мустаҳкамловчи асосий омил ҳамдир.

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган бир вазифаси *тарбиялашдир*. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинони фақат пойдеворини қўйиш билан

чекланмасдан, балки унинг сўнгги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Ота-она -санъаткор, бола - санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий кадриятларимизнинг тикланиши ва халқимиз азалдан сақлаб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз (бола тарбиясида ота-онадан ташқари, буви-бува, қариндош-уруғ, маҳалланинг ҳам таъсири) бу борада катта аҳамиятга эга. Лекин баъзан оиланинг тарбиявий вазифасининг сусайиши ва тарғибот-ташвиқот ишларининг камлиги натижасида оила аъзолари ҳулкида ёмон одатларнинг (ичиш, чекиш, наркомания, турли диний оқимлар таъсирига берилиш, маънавий бузуқлик йўлига кириш) пайдо бўлиши ташвишланарли ҳоллардан биридир. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш ҳозирги замон оиласининг мазкур вазифаси даражасига киради.

Чунки шахснинг ижтимоийлашуви даставвал оилада амалга ошади. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва ҳуққ намуналари, жисмоний сифатлар сингдирилади. Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтилмаган. Оилада амалга ошадиган ижтимоийлашув жараёни натижасида шахс ижтимоий меъёрлар ва кадриятларни ўзлаштиради, ижтимоий ҳаётга кириб боради.

Оиланинг *коммуникатив* вазифаси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий йўналганлик, установкалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий ва психологик саломатлиги - оиладаги ўзаро, ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установкаларни намоён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Оиланинг *рекреатив* - ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш вазифасидир. Бу вазифа кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларининг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фаолиятларидан холи ҳолда, яъни бўш вақтларни биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда буларнинг ўзаро муносабатлари характери қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим ижтимоий кадриятларидан биридир. Бу кадриятдан одамлар турлича фойдаланадилар. Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Бу борада эришилган ютуқларимиздан бири шуки - дам олиш ва соғломлаштириш ишларига давлат миқёсида аҳамият берилга бошланди. Лекин кўпчилик турли сабаблар билан (уларнинг ўзлари кўпроқ моддий сабабни кўрсатишади) маданий дам олишга эътибор бермай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган вазифаларидан бири унинг фелицитологик вазифасидир (италиянча «фелиците» - бахт). Шахсий бахтга эришишга интилиш оилавий

муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи бўлиб бормоқда. Бахт нима ўзи? Ҳозирги замон оиласи ўз аъзоларининг бахтини таъминлашда қандай роль ўйнайди? Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айти шу бахтга интилиш уларни оила қуришга ундайди. Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади.

Ҳозирги замон оиласининг энг асосий вазифаларидан яна бири релаксация вазифасидир. Бу дегани оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир. Маълумки фан-техника тарққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда. Бугунги ва эртанги кун саноати, ишлаб чиқариши ишчи ходимдан бор имкониятини сафарбар қилиб, бутун вужуди билан ишлашни ва ўзининг касб-ҳунар маҳоратини мунтазам ошириб боришни тақазо қилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллигининг бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси инсонни тезда толиқиб, ўзининг меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Иш куни давомида кўтаринкилик, кучли зўриқиш билан ишлаган ходим, ишчи ишдан сўнг ўз уйида, оила аъзолари қуршовида бошқа ташвишларни унутиб, улар унга кўрсатадиган меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиб, улар билан бўладиган ўзаро мулоқот, улар томонидан бўладиган эмоционал қўллаб-қувватлаш, бериладиган далдалардан руҳий қувват олиб, эртанги кун меҳнат фаолиятига ўзини қайта тиклаб олиши лозим бўлади. Бунинг учун эса унинг оиласида тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим. Акс ҳолда одам бу оилада эмоционал жиҳатдан, руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб ололмайди. Бу эса оқибатда одамнинг меҳнат фаолиятида турли хатоларга, ишда сифатсизлик, жароҳатларга йўл қўйишига, турли касалликларга дучор бўлишига олиб келиши мумкин. Юқоридаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила учун оила бахтини таъминловчи меъзон ҳисобланади.

Оила омиллари

Гап никоҳ олди омиллари ҳақида борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади.


Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб боровчи, касб-

хунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб боровчи мавжудоддир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу қабилар сифатидагина фойдаланилади.

Масалан, барча ўқув юртлари (мактаб, лицей, коллеж, институтлар) учун битириш имтиҳонлари (давлат имтиҳонлари тизими, диплом ишлари ҳимояси тизимлари қабилар) мавжуд бўлади ва улар ёрдамида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган ўртача билимлар ва малака йиғиндисини аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса уларга кейинчалик яна ўқишни давом эттириш ёки маълум бир мутахассислик бўйича ишлаши мумкинлиги ҳақида маълум бир ҳуқуқ беради. Шу нуқтаи-назардан олинганда «етуклик» - ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига етилганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга етуклиги масаласи эса ўта мураккаб бирон-бир қатъий меъёр билан ўлчаб бўлинмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир.

Шу келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ никоҳ олди омиллари қай даражада мураккаб характерга эга бўлган муаммолардан эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда никоҳ олди омилларининг турлича шакллари, кўринишлари фарқланади. Қуйида Сизнинг эътиборингизга уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни ҳавола этамиз.



Никоҳ олди омиллари каторига шу оила кураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари; уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади.

Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тибий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Масалан, одамнинг жинсий етуклиги ўзига хос омилларга эга. Клиник кузатишлар маълумотларига кўра, ҳозирги замон қизларида жинсий етуклик (балоғатга етиш) 12-14 ёшгача, ўғил болаларда эса 14-16 ёшга тўғри келади. Албатта, бу етуклик баъзи бир болаларда эртароқ, бошқа бирларида кечроқ бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичлар ± 2 ёшга фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2-3 йил керак бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Фуқаролик, ҳуқуқий етуклик бу одамнинг ҳуқуқий жиҳатдан балоғатга етиш ёши билан, у ҳуқуқий жиҳатдан оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда бу 18 ёш деб кўрсатилган. Бу вақтда у Конституцияда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдалана оладиган бўлади. 18 ёшни шахснинг ҳуқуқий етуклик ёши деб ҳисоблаш мумкин.

Касб-хунар етуклиги - бу ҳам анча мураккаб тушунчадир. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Бироқ одам у ёки бу билим юртини (коллеж, лицей, техникум, институтни) битирганидан кейин ўзи танлаган касби бўйича бир неча йил ишлаб кўриши керак бўлади ва шундан кейингина унинг касб-хунар етуклиги ҳақида гапириш мумкин.

Шу билан бирга баъзи бир касблар бўйича 19-20 ёшлардаёқ касб-хунар етуклигига эришиш мумкин бўлса, бошқаларда масалан хирург-врачликда кечроқ 29-30 ёшга етганда бунга эришиш мумкин.

Шахсни етуклигининг яна бир жиҳати **ижтимоий-иқтисодий** етукликдир. Бунда одамнинг ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан мустақил таъминлай ола билишлиги назарда тутилади. Ёшларни оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларнинг айримлари 18-19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин,

бошқалари эса 25-30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар.

Бу етуклик жиҳатлари орасида шахснинг маънавий ва **ахлоқий** етуклиги ҳақида гапириш энг мураккабдир. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Шундай қилиб, «етуклик» тушунчаси ўзича кўплаб жиҳатларни мужассамлаштиради. Шунини айтиб ўтиш жоизки «етуклик» тушунчаси, албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан узвий боғлиқдир. «Ҳаётий билимларни ўзлаштириш», «Ҳаёт университетларидан» ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Бунга мавжуд ижтимоий шароит, жамоатчилик ва ижтимоий тартибнинг таъсири катта. Маълумки олдинги вақтларда, айниқса уруш йиллари болалар катталар ҳам ҳамма вақт уддалай олавермаган ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечирганлар. У вақтларда 12-14 ёшданок болалар оналарига оилани таъминлашда ёрдам берганлар. Шунингдек шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, кам фарзандли ва кўп фарзандли оилаларда, нуклеар ёки кўп табақали оилаларда ўсаётган болаларнинг ҳам оилани моддий, ижтимоий таъминотига ҳисса қўшиш, бу ишлар билан шуғулланиш муддатлари ва миқдори турличадир. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турлича жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир бир ёш, вақт оралиғини кўрсатиши мутлақо мумкин эмас. Бунинг устига ҳаётни, бизни ўраб турган атроф олами билиш ўз навбатида чексиздир.

Шунга қарамай ижтимоий ва иқтисодий етукликнинг маълум бир минимум чегараларини белгилаб олиш мумкин, яъни шундай ҳаётий тажриба, билимлар «минимуми» мавжудки, уларсиз бирон бир ёшни, йигит-қизни том маънода етук деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мана юқорида келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ «етуклик» тушунчаси нақадар кенг тушунча эканлиги кўрсатиб турибди. Шунга қарамай биз ундан фойдаланишга мажбурмиз. Чунки у никоҳнинг мустаҳкамлигини белгилаб берувчи муҳим шарт-шароитларни, вазиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Гап шахснинг **психологик етуклиги** ҳақида боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу хушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини орттириб баҳолаб, ўз олдиларига эришиб бўлмайдиган мақсадларни кўйиб олиши ҳолларига дуч келинади. Айниқса, оилавий ҳаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз кўпроқ хатога, ўзларини орттириб баҳолашга, оилавий ҳаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутиш ҳоллари кўпроқ кузатилади. Натижада муваффақиятсизликлар, пушаймон бўлишлар, асаб бузилишлар юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни

қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усуллари тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билишлиги, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гормоник муносабатларнинг ўрганилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли муносабатда бўла олиш - шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Албатта бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар олдинги ҳаёти давомида унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади. Психологик етуклик, шахс хулқини турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қараши, позициясини бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида химоя қила олишидир.

Оиладаги мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларнинг қуйидагилар фарқланади: *психологик, вазиятли, мазмуний* ва *мотивацион* тўсиқлардир.

Психологик тўсиқ - бу шеригига маъқул тушмай қолиш, тушунилмай қолишдан кўрқиш, у томондан инкор этилиш ва калака қилинишдан ёки кескинликдан кўрқиш, энг эзгу ҳисларини ва ниятларини самимий изҳор этишига жавобан қўполлик билан жавоб берилиши мумкинлигидан хавотирланиш кабилар туфайли интеллектга оид, меҳрибонликка оид, кучга оид шахсий имкониятларини намоён қилиш ва амалга оширишга ҳалақит берувчи, ўзига ҳос ички психик тормоздир.

Вазиятли тўсиқлар - бу суҳбатдошларнинг бир хил вазиятни турлича тушунишлари, унга турлича ёндашишлари билан боғлиқ.

Мазмуний тўсиқлар - одатда суҳбатдошини тушунмаганлик туфайли, унинг мазкур жумласи қандай маънода айтилгани, у қандай фикрни илгари сураяпти, нимани назарда тутаяпти, нимага олиб боради ва шу каби мулоҳазаларга бориш туфайли юзага келади.

Мотивацион тўсиқлар - шундай вазиятларда юзага келадики, бунда гапираётган одам ё ўзи баён қилаётган фикрнинг мотивини етарлича англай олмайди ёки у атайин уларни (асосий мотивни) яширишга ҳаракат қилаётган бўлиши мумкин.

Ота-она ва фарзанд орасидаги келишмовчиликлар учун замин бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқни ҳисобга олинмаслиги;
2. Ёшларнинг бўш вақтини мустақил ташкил этиши, дўстлар танлашдаги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдоши танлашда мустақиллик учун ота-оналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги;
3. Ота-оналар ичкиликка ружу қўйиши ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб, бузуқчилик қилиши;
4. Баъзи болаларни меҳнат қилишга ўргатилмаганлиги ва бунинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиши;
5. Айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши ва ҳоказо.
6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридаги каби камчиликлар натижасида оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Фарзандлик бурчини бажармаслик у ёқда турсин, ҳатто, ичиб келиб, ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онасини шарманда қилаётган суюқоёқ фахшпарастлар борлигига нима дейсиз?

Баъзи ота-оналар болаларда 3, 6, 13-14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар. Бу ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қўшилмалар юзага келади. Бу эса уларнинг катталар, жумладан ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Бунинг сезмаган баъзи ота-оналар «болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди», деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар. Бунга қарши ўзларича чоратадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмай қоладилар. Боланинг ота-онадан беиш ҳоллари кузатилади.

Оиладаги шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола шахсига таъсири

Инсон шахсини шакллантириш оила муҳитидан бошланади, хусусан, оилада бола характер хусусиятлари, ирода сифатлари, миллий одатлар, феъл-атвор, ҳулқ, теварак-атрофга нисбатан муносабат, эътиқод ва қарашлар вужудга келади. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, идеологик ва психологик муносабатларнинг узвий бирлашуви натижасида вужудга келади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бола тарбиясига энг аввало ота – онанинг шахси, ҳаёт фаолиятлари, турмуш тарзи билан биргаликда оиладаги психологик муҳитнинг таъсири катта бўлади. Оилада муҳит ва ўзаро мулоқот қандай бўлса, бола худди шу муҳит таъсирида улғаяди. Умуман, ҳар қандай оиланинг тарбиявий таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан оилада қарор топган ота-она ўртасидаги ўзаро ва болаларига, ахлоқий-руҳий ҳолатига боғлиқ. Ҳар бир оилада болалар учун ғамхўрлик қилиниши табиий

холдир. Болалар катталарнинг ғамхўрлигига муҳтож бўладилар, катталар болаларга ғамхўрлик қилар экан, бола ўзини бахтиёр ҳис қилади.

Ёш авлодни ҳар томонлама мукамал шахс қилиб тарбиялашдек маъсулиятли вазифа ота она елкасида. Дарҳақиқат, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Маълумки, оила ижтимоий тарихий белгига эга бўлган муайян тузилишли ижтимоий гуруҳнинг кўриниши. Оила мураккаб ижтимои гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабли турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги ўзгаришлар унинг моддий маиший, иқтисодий негизи ўзгаришига бевосита боғлиқдир.

Мулоқотда буйруқ оҳангининг ўстирилиши оилада ўзаро рақобатни вужудга келтиради. Чунки дўқ-пўписа, оиладагиларга нисбатан тез-тез билдирилиб турилган норозилик, самимий мулоқотга путур етказди.

Ота-она ўз фарзандининг келажаги учун жавобгардир ва унинг етук баркамол инсон бўлиб етишида асосий ролни бажаради. Бу жараёнда муҳим омил бўлиб ота-онанинг шахси ва ўзаро мулоқот жараёнлари инобатга олинади. Ўз фарзанди учун севимли, ишончли инсонлар сифатида идрок этилади. Шунинг учун ота-онанинг ўз фарзанди билан ҳиссий муносабатни тўғри ўрнатиб олиши улар ўртасидаги муносабатга жиддий таъсир этиб, обрўли мавқеи эгаллаб олишга имкон беради. Катталарнинг фарзандининг нигоҳида ўз обрўсини ярата олиши ва мустаҳкамлай олиши, (яъни бир фикрда турувчи, ақлли, фаросатли, юмшоқ кўнгилли бўлиши) дастлабки босқичдир. Ота-онанинг болага талабчанлик ҳисси эса унинг ёши, жинси, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Лекин ота-она боланинг шахсига ўта жиддийлик билан ёндашишса, ёки аксинча эътиборсиз бўлса улар ўртасида психологик тўсиқ пайдо бўлади. Натижада самимий мулоқот ўрнатиб олиш қийинлашади.

Оилада отанинг роли ва мавқеи муҳим масалани белгилайди. Чунки ота шахс сифатида ҳар қандай ёшдаги фарзандларнинг кўз олдида ўзини кўрсата олиши керак.

Кичик ёшдаги боланинг оилада ота обрўсини биринчи навбатда унинг эгаллаб турган мавқеига қараб белгилайдилар. Бу ерда отанинг нафақат фарзандига, балки бутун оилага ҳам тааллуқли масалаларни ҳал этилиши назарда тутилади. Ўсмир ёшдаги болалар эса ота-онасидан ташқари ўқитувчилари ёки катта ёшдаги қариндошларини ҳам кузата бошлайдилар. У билан тенг мулоқотда бўлишга ҳаракат қиладилар. Шу пайтда ўсмирни қизиқтирган масала ва муаммоларни ким тезроқ ва эринмасдан ечиб берса, шу одам билан мулоқотга яхши киришади.

Ўспирин йигит ва қизлар ўзларининг ота ва онасини ардоқлай бошлайди. Уларни самимий ҳурмат қилади, хайрихоҳлик билан меҳрибонлик кўрсатиш орқали муносабатда бўлади. Лекин ўзларига нисбатан ҳам худди шундай муносабатни талаб қиладилар, ёки истайдилар.

Оиладаги муносабатлар таъсирида илк болаликдан умумий ишга содиқлик, ватанпарварлик, қатъийлик, қадр қиммат хисси каби юксак инсоний хислар шакллана бошлайди. Турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илиқ руҳий иқлим таъсири натижасида оила аъзоларида камтарлик, кўнгилчанлик, илтифот, сабр, уятчанлик, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатга маъсулият, иззат нафс, тежамкорлик каби шахс хислатлари таркиб топади. Агарда оилалардаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизига қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида кеккайиш, ялқовлилик, маъсулиятсизлик, шухратпарастлик иллатлари униб чиқади.

Шахслараро муносабатларнинг бир неча типлари мавжуд, булар “демократик”, “авторитар”, “либерал” каби тоифаларга ажратилган.

Демократик оила. Оила бошлиғи ҳисобланган ота-оналарнинг асосий диққат эътибори ахлоқ нормалари ва қоидалари талабидан келиб чиққан ҳолда ўз фарзандларида ижобий характер хислатларини замон руҳига мос шахс фазилатларини шакллантиришга қаратилади. Мазкур тоифадаги оила аъзолари доирасида суҳбатлар, мунозаралар, мулоҳазалар, ўзаро тенглик, ўзаро ҳурмат руҳига бўйсундирилади. Оила муносабатларининг ушбу кўринишида турли ёшдаги ўғил қизларга мақсад йўналтирилган тарбиявий педагогик таъсир ўтказиш системаси ўз хусусияти билан ажралиб туради. Ундай оилада шахслараро муносабатда таъсир ўтказиш сеҳри яширинган ҳолда бўлади.

Оила муносабатларининг яна бир тури “**авторитар**” деб аталиб, бунда ота онанинг обрўси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлилик, эркин ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Оила аъзоларининг яриш, туришлари, хатти- ҳаракати кўпинча чеклаб қўйилади. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи жазолаш ҳисобланади. Фарзандларда ота онага яқинлик, меҳр ҳисси камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқлашиш, “бегоналашиш” кечинмасига айланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар болаларни қондирмайди; натижада уларда одамовилик, тундлик, ичимдагини топ, ташвишлилик, хавотирлик каби ижтимоий норма ва қоидаларга қийинчилик билан мослашишдан иборат характер хислатлари вужудга келади. Шу сабабдан оила аъзолари руҳий дунёсида симпатия, эмпатия, самимийлик, ҳайрихохлилик каби юксак инсоний ҳис туйғулар жуда нурсиз ифодаланади. Кўр -кўрона ва сўзсиз бўйсунтиришга асосланган муносабатлар негизда ётган тарбиявий таъсир кўрқоқ ва иродаси кучсиз шахсни таркиб топтиради.

Жамиятимизда кам учрасада, анормал муносабатга эга бўлган оилалар мавжуддир. Бундай тоифага ажралиш даражасига етиб борган, бола оилавий низо манбаи деб тушунувчи, “бола” баҳонаси туфайли қил устида турган ичувчи ёки гиёҳванд оилалар киради. Оиладаги анормал ҳолат осойишта яшаш, тинч ижод қилиш, муайян ўқиш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қодир эмас.

Оиладаги турмуш ичида “**либерал**” тоифа ҳам кўзга ташланиб туради. Оила даврасида муросасиз, кўнгилчан бўлишлик ташқи кўринишдан илиқ

психологик иқлимни, гуруҳий мосликни ўзида акс эттиргандек бўлиб туюлади. Ота -оналарнинг фарзандлари билан бундай муносабатда бўлишлари салбий оқибатлар сари етаклайди: қатъийлик, мустақиллик, дадиллик ва чўрткесарлик сингари иродавий сифатлар ўғил -қизлар рухий дунёсидан узоқлашади. Муросасозлик таъсирида ёш авлод характерида мунофиқлик, иккиюзламачилик, келишувчанлик каби иллатларни таркиб топиши мумкин.

Оиланинг этнопсихологик хусусиятлари

Катта гуруҳлар ичида этник гуруҳлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқот ўтказилган. Этнопсихология бу психологиянинг шундай тармоғи, у айрим миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам ўрганади.

Ю.Бромлей этник гуруҳлар психологиясида икки томонни фарқ қилади:

1) психик асос- этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм;

2) ҳиссиёт соҳаси этник ёки миллий ҳис кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм;

Ҳар бир миллат ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тили ва шу миллатнинг рухий (маънавий) тарзининг мажмуасида шаклланади. Ўзбек халқининг ўз рухий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий туйғуси, мижози (темпераменти), хулқ-атвори, ахлоқи, диди, таъби алоҳид ажралиб туради. Ўзбек миллатининг билиш жараёнлари қобилятининг аниқ йўналишга қаратилган, эҳтиёжи ва қизиқиши, миллий онги ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ўзбек халқининг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русумлари, ахлоқ меъёрлари, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, шахслараро муносабатлари, мулоқот мароми ва хусусияти бошқа халқларникидан маълум даражада тафовутланади. Ўзбек халқи характерида андишалилик, хушмуомалалилик, ширин суҳанлик, меҳмондўстлик, қўли очиқлик ва саҳийлик сифатлари мавжуд. Шу билан бирга, тўлғач зўравонларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлида ортга қайтмаслик, исёнкорлик, бир сўзлилиқ одати ҳам халқимиз учун хосдир.

Миллий характер муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлилиқ, принципиаллилиқ, ўз ўзини тута билиш, қатъилиқ, матонат қабиларни) ва ахлоқий ҳислатларни (поклик, интизомлилиқ, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқалар) камраб олади. Миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик) меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлик ёки ялқовлик, масъулиятлилиқ ёки масъулиятсизлик) нарсаларга бўлган муносабатларни (озодалик, тежамкорлик- исрофгарчилиқ, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларни (иззат-нафслилик, шухратпараслик, мағрурлик, ўзини катта олишса, димоғдорлик, камтарлик) каби ҳислатларни ифодалайди.

Халқ ўртасида ҳукм суриб келаётган “Сут билан кирган феъл- жон билан чиқади” деган нақл ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди, чунки ҳеч қандай инсон зоти онадан ўғри, диёнатсиз, бебурд, бераҳм бўлиб туғилмайди. Аксинча, миллий характер хислатлари оила, жамотчилик ва мактаб муҳити таъсирида шаклланади, инсон шахси ижтимоийлашиб боради. Худди ана шу боисдан инсон шахсининг комолоти учун ақлий тараққиёт эмас, балки ақлоқий баркамоллик ўзак (негиз) вазифасини ўташи лозим.

Оилавий таъсир (оила турмуш тарзи, ота-она нуфузи, оилада шахслараро муносабатлар мароми) миллий тил муҳити, маънавиятга интилиш, турмушдаги қариндош уруғчилик риштаси ёрдамида ўз-ўзини англаш намоён бўлади. Миллий ўз-ўзини англашнинг қатор объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Ана шу омилларнинг пишиб етилиши мазкур жараёни жадаллаштиради.

Миллий ўз-ўзини англаш- одамнинг ижтимоий, этник, умумийликка (бирликка) мансублигида, ижтимоий соҳадаги муносабатларда ўз миллатининг эгаллаган мавқеини яққол тасаввур қилганлигида, миллий манфаатдорлигида ёрқин ифодасини топади.

Ахлоқий масала инсоният ер юзида пайдо бўлган дақиқадан тортиб, то ҳозирги давргача ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

Миллий туйғу (ғурур, ифтихор) шахслараро муносабат жараёнида ҳиссий таъсирланишда, юксак маънавий, ички туғёнларда (нафосат, лаззатланиш, роҳатланиш, қониқиш) ижодий ғоялар туғилишда миллий завқ ва шавқда, кайфият, шижоат, хуш кўриш, ёқтирмаслик каби ички кечинмаларда акс этади.

Ўзбек миллатининг қомат тутиши, кийиниши, ибоси, имо- ишораси, характери таббасуми, ҳаёлоти, таъзими, маросимлари, халқ ижодиёти (фольклор) таъби, диди, очик қалблиги, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари маҳсули сифатида ёрқин гавдаланади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди. Халқимизнинг миллий руҳиятидаги бундай урф одатлар, анъаналар, удумлар, келажак авлодга обида ва мерос сифатида қолдирилиши мукаддас бурчдир.

Саволлар:

1. Оила турларини айтинг.
2. Оилада қандай вазифалар бажарилади?
3. Оила қуриш омилларини келтиринг.
4. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд тарбиясига таъсирини айтинг.
5. Ўзбек оиласининг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

5 – Мавзу: Ўқув фаолиятини бошқариш психологияси (2-соат амалиёт)

Режа:

1. Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти.
2. Ўқиш мотивлари.
3. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари.
4. Кўникма ва малакаларни шакллантириш.
5. Ўқув фаолиятини бошқариш услублари.

Таянч сўзлар: ўқув фаолияти, мотив, ўқиш мотиви, таълим, тарбия, бошқариш, рэпрезентатив тизим.

Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти. Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унда шахснинг психик жараёнлари шаклланади ва ривожланади, унинг асосида янги фаолиятлар юзага келади. Ўқув фаолияти инсоннинг бутун ҳаёти давомида намоён бўлувчи узлуксиз жараёндир.

Рус психологи **А.Н.Леонтьев** инсон фаолиятининг психик ва амалий шакллари мавжудлигини, бола онги айнан ўқув фаолиятида ўсишини таъкидлайди.

Д.Б.Эльконин эса ўқув фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб, уни моҳиятига, мазмунига ва ўзини намоён бўлиш шаклига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унинг натижасида аввало ўқувчида ўзгариш юз беради. Унинг махсули турли мотивлар асосида қурилган бўлиши даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўқиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир. Таълим ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ўқув фаолияти, ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаларини ўқувчиларга ўргатиш жараёнидир. Таълим жараёни бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, хулқ-атворнинг шаклларини ўзлаштиришга қаратилгандир. Ўқиш ва ўргатиш тушунчалари ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ўргатишга хизмат қилади. Ўқув фаолиятининг беш элементи мавжуд:

1. Ўқув мотивлари.
2. Ўқув топшириқлари.
3. Ўқув ҳаракатлари.
4. Ўқитувчининг назорати.
5. Ўқитувчининг баҳолаши.

Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, ўқув фаолиятининг шакллантирилиши бу фаолият айрим кишилар бажарилишини аста-секинлик билан ўқувчининг ўзига ўқитувчининг иштирокисиз мустақил бажариш учун ўтказилишидир.

Таълим жараёни алоҳида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этади ва уларни бошқаради. Таълим жараёни беш элементдан иборат:

1. Таълимнинг мақсади - нима учун ўқитиш керак?
2. Таълимнинг мазмуни - нимага ўқитиш керак?
3. Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари.
4. Таълим берувчи.
5. ўқувчи.

Таълим жараёнини ташкил этиш: идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши:

фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топган усуллари ва жараёнларининг ўзлаштирилишига;

мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

Таълим жараёнининг муваффақияти:

1. Мотивация.
2. Маълумот усуллари.
3. Маълумотнинг тушунарлилиги.
4. Хотира.
5. Маълумотни қўллаш.

Таълим ва таълим жараёнида боланинг ривожланиши муаммоси ёш давлари ва педагогик психология фанининг асосий масалаларидан биридир. Таълим ва ривожланиш муаммосига доир қатор назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири: ақлий хатти-ҳаракатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси (П.Я.Гальперин). Таълимнинг психологик асослари муаммоси кўпгина масалаларни қамраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ бўлади.

Аввало ўқувчининг ўқишга бўлган муносабатига тўхталамиз. Бу муносабат диққатда, ҳис-туйғуларда, қизиқишлар ва иродада, шунингдек, шахснинг тутган йўлида намоён бўлади. Таълим жараёни аввало ўқувчилар диққатини йўлга солишни талаб этади. Дарсларда кўргазмаларни куруллардан, ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш ҳолатини юзага келтиришгина эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда ўтиладиган материални идрок этишга тайёр туришларини кузатиш ҳамдир. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққати ўзгариб туради. Ўқитиш жараёнида бу қонуниятларни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш ҳамда уларни такрорлаш керак. Таълим жараёнининг самарадорлиги

кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларга тегишли установкани ҳосил қилиши, нимани вақтинча, нимани умрбод эсда олиб қолиши кераклигини, нимани бутунлай эсда олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилишини, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолишни, ниманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда олиб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиши лозим. Кузатишлар кўрсатадики, бундай кўрсатмалар берилмаганда, ўқувчиларда кўпинча нотўғри тасаввурлар вужудга келади.

Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффақиятлилигини таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён. Агар ўқувчиларга берилаётган ахборот уларда ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайдилар. Гап ўқувчиларнинг психик ҳолатлари, яъни уларнинг муайян бир пайтдаги кечинмалари ҳақида ҳам бориши керак, албатта. Улардаги қувончли, оптимистик кайфият ўқув фаолиятини жуда самарали қилади. Ўқувчилар эмоционал руҳдаги материални дурустроқ ўзлаштириб оладилар. Ўтказилган тажрибалар ўқувчилар ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмайдиган материалга қараганда, эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишларини кўрсатади. Ўқитувчи ўқув жараёнининг эмоционал томони ҳақида ғамхўрлик қилиши керак. Бу муаммо жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, таълимнинг мазмуни ниҳоятда мурак-каблашиб, ҳажми эса ғоят катталашиб кетган. Унинг муваффақиятли ўзлаштирилишига эришиш учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кучайтириш лозим. Ижобий туйғулар ўқув меҳнатининг самарадорлигига кучли таъсир этади. Мактаб ўқувчиларида ўқув меҳнатига ижобий муносабат уйғотиб, меҳнатнинг ҳақиқий ижодга, қувонч манбаига айланишига кўмаклашиш керак. Қадимда греклар жуда ажойиб иборани қўллаганлар: "ўқувчи - тўлдирилиб турилиши керак бўлган идиш эмас, балки ёқиб турилиши лозим бўлган машъалдир".

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари ғоят катта рол ўйнайди. Маълумки, қизиқиш ўқувчиларнинг эмоционал беагаи, бирор буюмни, бирор фаолиятни танлаш муносабати ва йўналишидир. Маълумки, психологияда қизиқишнинг икки тури ўқувчиларнинг таълим жараёнида аниқланади. Биринчиси, бевосита қизиқиш, иккинчиси билвосита қизиқиш. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида ўз фанига нисбатан билвосита қизиқишни таркиб топтиришга ҳаракат қилади. Қизиқишлар орқали ўқувчиларда таълимга фаол муносабат намоён бўлади. Психологияда **қизиқиш** - бу шахснинг ўзи учун қимматли ёки ёқимли бўлган муайян нарса ёки ходисаларга муносабатидир. Қизиқишлар шахснинг муҳим ва индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қизиқишлар ўқувчилар ҳаётида катта рол ўйнайди. Улар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий турткилар - **мотивлардир**. Қизиқишлар мактаб ўқувчисига фан асосларини

дурустроқ ўзлаштириб олишларига, ақлий қобилиятларнинг ўсишига, билим доирасининг кенгайишига имкон беради. Ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчини дастлаб қизиқтириб қолган ишнинг ўзи билан шуғулланишга мажбур қилиш эмас, балки ундаги қизиқишларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, таъсирчан қилиш, қизиқишларининг марказига айланиб қолган фаолият билан шуғулланиш истагига, майлига айлантиришдир. Ўқувчиларнинг муайян мақсадни кўзлаб иш тутишида, қийинчиликларни енга олишида, ишдан чалғитадиган нарсалар билан шуғулланишдан ўзини тия олишида, унда ўқишга иштиёқ таркиб топтиришда намоён бўладиган ирода, таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. **Ирода** бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсадининг аниқлиги, уни амалга ошириш учун интилиши, мақсад йўлида маълум бир қарорга келиш тезлиги ва уни ўз вақтида ижро этиши билан белгиланадиган сифатидир. Таълим жараёнида ўқув материалига бўлган диққатнинг барқарор бўлишида иродавий зўр беришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таълимда ирода ўқувчида мактаб ва уйда ўтказиладиган машғулотларга тайёр туришда намоён бўлади. Ўқув материални ўрганиш, эслаб қолиш ва ўқувчининг иродавий зўр беришига боғлиқ. Ирода ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида - масалани ечишга, қўйилган саволга жавоб топишга ва ҳоказоларга интилишида намоён бўлади. Улар ўқувчиларда кўникма, ва малакаларни ҳосил қилишда ҳам таркиб топади. Ўқувчилар томонидан берилган материалнинг ўзлаштирилиши кўп жихатдан ироданинг тарбияланишига боғлиқдир.

Ўқиш мотивлари. Мотив - инсон хулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи тушунчадир. Мотивация эса хулқ-атворни психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш киради. Таълим жараёнида ўқиш мотивлари "нима учун?" "нимага?", "қандай мақсад билан?" каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан, ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан, мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради. Ўқув фаолиятида ўқув мотивлари ўқувчилар томонидан танланиб, улар ўқувчининг мақсади, қизиқиши, келажак режалари билан бевосита боғлиқ бўлади. Ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув мотивлари турли ёш даврларида турлича бўлади. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

Ички манбалар. Улар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Улардан энг муҳими туғма ахборотга бўлган эҳтиёждир. Орттирилган эҳтиёжлар эса гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади.

Ташқи манбалар. Улар шахснинг ижтимоий ҳаётда шарт-шароитлари билан белгиланади. Талабларнинг биринчиси бўлиб, жамиятнинг шахсдан талаб қиладиган доимий хулқ-атворини билдиради. Боғча, мактаб, оила боладан жуда кўп ишларни амалга оширишни талаб қиладди. Ижтимоий кутиш ҳар биримиздан маълум

билимлар, кўникмалар даражасини бўлиши, зарурлигини жамият кутишини билдиради. Масалан, бир ёшли бола юриши керак, 7 ёшдан у ўқиши керак, 15 ёшдан у касб танлаши керак деб ҳисоблаймиз. Имкониятлар - шахс фаолиятини белгиловчи объектив шарт-шароитлардир. Масалан, бой кутубхона болани кўп китоб ўқишга ундайди.

Шахсий манбалар: бу шахснинг қадриятлари тизими установакалари, ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятнинг кетишига таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади. В.А.Крутецкий ўспиринларда учрайдиган мотивларнинг куйидагиларини алоҳида ифодалайди:

- а) Бирор ўқув фанига қизиқиш;
- б) Ватанга фойда келтириш истаги;
- в) Шахсий қобилиятини намоён қилиш;
- г) Оилавий анъаналарга риоя қилиш;
- д) Дўст-биродарларга эргашиш;
- э) Моддий таъминланиш ва ҳоказолар.

Маълумки, ўқувчиларга таклиф этиладиган ахборотлар ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик билан кўпайиб бормоқда. Шунингдэк, уларнинг жуда тез эскириб қолиб, янгилашни тақозо этиши ҳам ўз-ўзидан маълум бўлмоқда. Бундан равшан кўриниб турибдики, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга асосланадиган таълим ҳозирги талабларга қисман жавоб бермоқда. Ўқувчиларга ҳамиша янгиланиб турадиган ахборотни мустақил равишда ўзлаштириб боришга ва ўқишни битириб кетганидан кейин, кишига жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан-техника тараққиётдан орқада қолиб кетмаслик имкониятини берадиган қобилиятлар тараққиётини берувчи тафаккур сифатларини таркиб топтириш муаммоси биринчи ўринга чиқиб бормоқда. Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти куйидагиларга боғлиқ:

- 1. Таълим мазмунига.
- 2. Ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлигига;
- 3. Таълим методикаларини такомиллашганлигига;
- 4. Ўқитувчи маҳоратига;
- 5. Ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларига.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли индивидуал типологик хусусиятларга эга ўқувчилар учун таълимнинг ягона қулай, оптимал шароитларини яратиш мумкин эмас. Аммо ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муаммоли таълим, ноанъанавий таълим усуллари қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчини мустақил таълим олишга ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлаш бугунги кун мактабининг асосий вазифасидир. Президентимиз И.А. Каримов айтганидек - «Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади». Таълим жараёнида ўқувчининг мустақил таълим олишини фаоллаштириш зарур. Мустақил таълим масаланинг қўйилиши, ечиш, ўз-ўзини назорат ва баҳолашнинг йўлларини ўқувчи томонидан танланиши ва бажарилиши билан характерланади. Ўқувчиларда мантикий тафаккурни ривожлантириш учун фикрлаш хусусиятларини шакллантириш зарур. Фикрлаш операциялари асосида дарс жараёни фаоллаштирилади. Бу ўқитувчининг: «Нима учун?», «Қандай мақсадда?», «Сабаблари қандай?», «Натижа нима учун шундай бўлди?» сингари саволларнинг муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчиларни эвристик, муаммоли вазиятларга тортиш, танқид, гумон ҳолатларини муҳокама қилиш, улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ечиш учун ўз лойиҳаларини тузиш ва ҳимоя қилиш ўқувчилар тафаккурининг маънодор ва унумдор бўлишига хизмат қилади. Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик. Ҳозирги замон ўқув муассасаларининг вазифаси ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишдир. Албатта, фикрлашда ҳам индивидуал фарқлар мавжуд. Фикрлашни билиш - бу инсоннинг ақлидир.

Кўникма - машқ қилиш натижасида юзага келган ҳатти-ҳаракатларнинг автоматлашган усули. Физиологик жиҳатдан кўникма бош миyanинг катта ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўлиб, вақтинчалик нерв боғланишларининг барқарор тизимининг функциясини таъминлайди. Динамик-стереотипларни яратиш шароитлари бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан мураккаб аналитик-синтетик фаолиятни юзага келтиради. Бунинг натижасида нафақат кўникмалар, балки малакалар ҳам юзага келади.

Малака - олдинга қўйилган мақсад ва ҳатти-ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган муваффақиятли ҳаракатлар усулидир. Малакалар ҳатти-ҳаракатнинг мақсад ва конкрет шарт-шароитларига тегишли бўлган ҳолда доимо суянади. Одам ишни қанчалик яхши билса, уни шунчалик малакали амалга оширади ва ундан фойдаланади.

Таълим бошқариладиган жараёни бўлиб, бунда ҳар бир боланинг ҳаракати қадамба-қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир босқичда ўқувчининг билимларини малакаларини ўзлаштириш ҳақида ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштиришга қараб тақдим этилади.

Ўқув фаолиятини бошқариш психологияси. Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Шундай

экан, ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ўқувчи шахси камолотида ниҳоятда каттадир. Фаолиятдан кутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Ўқув жараёнининг бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутди. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ўқув жараёнини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллаш лозим:

1. Берилган ўқув топшириғини ечиш учун воситалар танлаш.
2. Топшириқларни ечиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини
4. Ўқув топшириқларини бажарилганлигини тэкшириш.
5. Ўз олдига мақсад қўя олиш.

6. Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатлари мувофиқлигини кўра олиш.

Ўқитишнинг иккита усули мавжуд. Бири анъанавий ўқитиш усули - бунда ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни аниқлайди ва муаммони эчиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур шаклланади. Ривожлантирувчи таълим ўқитишнинг муаммоли усулида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқаради, уни ташкил этади ва назорат қилади. Ўқувчи эса муаммони тушунади, уни ечиш йўллари кидиради ва уни ечади. Бундай ҳолларда ўқувчи тафаккурининг маҳсулдорлиги ошади ва унинг мустақиллиги ривожланади. Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги қоидаларга таяниши лозим:

1. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак.
2. Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак.
3. Ўргатилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айни шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак.
4. Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.
5. Ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи этадиган даражада бўлиши лозим.

– Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ёки билимининг аҳамиятини кўрсатиш, ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим. Лекин, таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди, шунинг учун ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол

топтирилиши ниҳоятда зарурдир. Ана шу хислатлар ўқувчининг келгусида ўз-ўзини назорат қилишга, ўз-ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишга асос бўлиши керак.


Таълим психологияси шахснинг билимларни эгаллаш, мустаҳкамлаш услубларидан иборат фаолият жараёнини қамраб олувчи қатор саволларнинг тузилишини ўрганади, шунингдек, уларнинг натижасида одамнинг индивидуал тажриба, билим, малака ва кўникмалари шаклланади. Инсон дунё билан ҳамкорликдан нимадир янги нарса ўрганиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш услубларини такомиллаштириб борганлиги сабабли ҳам билим олишга бўлган интилиш инсоннинг бутун умри давомида таъкиб этиб боради, чунки одам ҳар бир амалиёт билимини ҳаётдан ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, таълим олиш ҳар бир фаолиятда мавжуд бўлиб, у субъектнинг шаклланиш жараёнини ўз ичига қамраб олади. Шундай қилиб, таълим олиш этарли даражада кенг тушунчадир, у ўз ичига нафақат таълим олишнинг уюштирилган шакллари, (мактаб, курслар, олийгоҳ), балки инсон томонидан кундалик ҳаётда эгаллаётган билим ва малакаларни ҳам ўз ичига олади. Бошқа фаолият турлари бўлмиш ўйин ва меҳнатдан ўзининг махсуслиги моҳияти билан ажралиб турувчи бу фаолиятни психологик фаолияти сифатида ёндошилганда, ўқиш фаолиятининг уюшган шакллари кўрилади. Унинг энг муҳим жиҳати шуки, у исталган бошқа бир фаолиятга инсонни тайёрлайди ва унинг асоси бўлиб ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг предмети, махсули, мақсад ва натижаси бўлиб фақат билим бериш ҳамда эгаллашгина эмас, балки ўқувчининг интеллекти, шахсий сифатлари ва олган билимининг натижаси бўлган билим, малака ва кўникмалари ҳисобланади.

Ўқув фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб ўқувчининг илмий назариялари асосида мустақил фикр юритишга ўргатиш ҳисобланади. Замонавий фикрлаш психологиясининг имкониятлари нафақат ўқувчилар олдига муаммоли вазиятни қўйиш, балки улар учун муаммони ечимини топиш ва бу муаммо ечимини бошқариш имкониятини ҳам беради. Демак, муаммоли ўқитишнинг психологик нуктаи назаридан аҳамиятга молик томони бу ўқувчиларни олдига фақатгина муаммоли вазият-топшириқ қўйиш эмас, балки бу муаммоларни психологик билимнинг фикрлаш қонуниятлари асосида ечишга ўргатиш ҳамдир. Бунда ўқитиш назариясида муаммо, муаммоли вазият, муаммоли топшириқ, муаммоли савол, муаммоли машғулоти каби тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчаларга қандай маънолар сингдирилган? Муаммо (грекча - проблема - топшириқ) - назарий ёки амалий савол, қайсики унга тайёр жавоб йўқ. Шунинг учун ҳам ўрганиш, текшириш жавобни топиш учун керак бўлади.

Одатда киши олдига муаммолар бирор бир эски методлар билан ечиб бўлмайдиган топшириқ пайдо бўлганда келиб чиқади. Ўқитиш жараёнидаги муаммо ҳаётӣ муаммонинг моделидир. Муаммоли вазият - бу субъектнинг муаммо билан тўқнашгандаги психик ҳолати, у томонидан қийинчилик сифатида аниқ ёки нотўлиқ идрок қилинаётган ва уни ечиш учун янги билимлар талаб этилиши билан боғлиқ бўлган интеллектуал муаммодир. Муаммоли вазиятда пайдо бўлган янги билимлар субъектнинг эгаллашга

қаратилган эҳтиёжи шахсининг ўрганишга бўлган фаоллигидир. Муаммоли вазият субъектнинг юзага келган муаммони ўрганишга бўлган муносабатини билдиради, бироқ бу шундай муносабатки, унга кўра уни ечиш йўлини билмайди, бу йўлни эса топиш лозим.

Бошқариш услубининг уч характеристикасини кўриб чиқамиз;
Бу уч услуб: Авторитар; Демократик; Либерал иш услубларидир.



Бошқарув услублари: авторитар; демократик; либерал.

	Авторитар	Демократик	Либерал
Жамоадаги маънавий муҳит	оғир	жуда яхши	Ўртача
Ижтимоий муносабатларда ўқитувчи ўрни	"жамоадан четда",	"жамоа ичида".	"гуруҳ ташқарисида".
Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси	юқори	кам	Ўртача
Ўқувчиларнинг ўқиш мотивлари	паст	яхши	Ўртача
Ўқиш сифати	Анча юқори	зўрға норма ҳолатида	Нормадан паст

Авторитар: мулоқот жараёнида ҳам ўқувчиларга нисбатан дўқ пўписа, кескин таъқиқлаш каби қатъий мулоқот воситалар фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири нима қилиб бўлсада, ўз ҳукмини ўтказиш. Бирор иш юзасидан болаларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса ўқувчиларнинг кайфиятига ва ўша болаларга нисбатан шахсий муносабатларга боғлиқ.

Демократик: бўйсунувчиларга мустақиллик, эрк бериш тарафдори. топшириқлар берганда болаларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Топшириқлар, одатда, тақлиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради.

Либерал: услубда таъқиқлаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига кўпинча ишнинг охирги оқибати билан танишиш билан чекланилади, холос. Аниқ кўрсатмалар берилмайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқларни бажарувчиларга етказилади.

Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади - таълим олувчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Бу нарса маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради. Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади:

1. Монолог;
2. Диалог;
3. Полилог.

Монолог - маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи - талабалар қаршисига чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён этишидир. Айни шу усул таълим-тарбия жараёнидаги асосий восита эканлиги тўғрисида онгимизга ўрнашиб қолган тасаввур мавжуд. Бу ҳолатда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Монолог эгаси ўзи мустақил тарзда маълумот мазмунини тингловчиларга етказиш ва ўз мавқеини таъкидлаш имконига эга бўлади. Лекин аудитория, яъни тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотнинг фақат кичик бир қисминигина идрок қилиш ва эслаб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бу камчиликнинг олдини олиш учун аудиторияни фаоллаштиришнинг бошқа йўллари қидиришга мажбур бўлади.

Диалог - ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинуvidан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни, тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан *унинг субъектига* айланадилар.

Диалог жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашинуви, билимларни ўзаро муҳокама қила олиш учун реал шароит яратилади. Лекин диалогни ташкил этишдан аввал ўқитувчи аудиториянинг у ёки бу хусусда билимлар ва тасаввурларга эга бўлишини инобатда олиши зарур, акс ҳолда ўзаро мулоқот самарасиз ва мазмунсиз тортишувга айланиб кетиши мумкин. Диалог жараёнида уни ташкил этган шахс аудиториянинг у ёки бу муаммо юзасидан билимларини диагностика қилиш ва шунга мос тарзда ўзишини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Айнан шу ҳолат диалогнинг энг муҳим психологик аҳамиятидир.

Полилог - гуруҳ ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ишлатилади. Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўзфикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчи сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Бу усул дарс мавзуси кўпроқ назарий характерли бўлиб, янги ғоялардан уларнинг амалий жиҳатлари келтириб чиқарилиши зарурати бўлганда қўл келади. Лекин бу усул машғулотлар ёки мулоқот дарслари энди бошланган пайтда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки полилог учун ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш тажрибасидан ташқари ёшларга ўша соҳа юзасидан маълум билимлар мажмуи ҳамда ҳамкорликда ишлаш тажрибаси зарур. Диалог ва полилог техникасини яхши эгаллаган муаллим мунозара ёки баҳсни самарали ташкил этишга лаёқатли бўлади. Шунининг алоҳида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун ўқитувчи умуман мунозара методикаларининг моҳияти ва уни ташкил этиш йўллари илмий-амалий жиҳатдан билиши керак.

Ўқувчиларнинг фазовий жойлашувлари ва уларнинг психологик мавқеларининг моҳияти муҳимдир. Ушбу ҳолатларни келтирамиз:

Синф шароити. Бу - анъанавий дарс ўтказиш шакли бўлиб, тингловчилар бир-бирларининг юзларини кўриш имконияти чекланган ва доска олдидаги ўқитувчига ва у баён этаётган мазмунга нисбатан тингловчиларнинг мавқелари, масъулияти турлича. Тингловчининг психологик мавқеи - **«Мен» - ўйиндан ташқарида».**

«Мен» - ўйинда» деб аталувчи ҳолат: тингловчилар доира шаклидаги стол атрофида жойлашадилар ва ўртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр алмашиш, ҳаттоки, айрим ижтимоий ролларга ҳам кириш имкониятига эга бўлади, ҳатто бошловчи ҳам «қаторда» ўтиради.

«Мен»- мунозарада» деб аталувчи бу ҳолат айтиш баҳс - мунозаралар ўтказиш учун қулай, чунки унда шахс ўз фикрини дадил айтиш учун имкониятни ҳис қилади.

«Мен» - ҳамкорликдаман» деган бу ҳолат каттароқ гуруҳлар таркибида ташкил этилади. Мунозара аъзолари тўрт-беш кишидан бўлиб алоҳида столлар атрофида ўтириб, ҳар бир гуруҳ ўз қарорини чиқаради.

Бу келтирилган ҳар бир ҳолат баҳс қатнашувчиларида ўзига хос руҳий тайёргарлик ва масъулият ҳиссини келтириб чиқаради.

Саволлар:

1. Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти нималарни ўз ичига олади.
2. Ўқиш мотивларини айтиб беринг.
3. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик Компонентлари қайсилар.
4. Кўникма ва малакаларга таъриф беринг.
5. Ўқув фаолиятини бошқаришда услубларини тушунтириб беринг.
6. Таълим бериш усуллари қандай?

6-мавзу: Шахс шаклланишининг умумий психологик қонуниятлари (2 соат маъруза).

Режа:

1. Шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида.
2. Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс.
3. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши.
4. «Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо.
5. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар.
6. Темперамент ва характер.

Шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида

«Шахс» тушунчаси психологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилади. Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлиги ва айнан жамият билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтолмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Homo sapiens» - «ақлли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллат ва элатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра, ижтимоий - социал омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивидни ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни тақозо этади.

Социал ёки ижтимоий муҳит - бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул қилинган, тан олинган ижтимоий ҳуққ нормалари доирасидаги ҳаракатларида намоён бўлади. Психология илмининг намоёндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини излаганлар. Абу Наср Фаробий, А.Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам бу ўзаро боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга ўзларининг энг дурдона асарларини бағишлаганлар. Барча қарашларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг моҳиятини англаш учун аввало унинг шу жамиятда тўтган ўрни ва мавқеини билиш зарур. Шахсни ўрганишнинг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиққан ҳолда, унинг ижтимоий мавқеи, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни билан белгиланиши керак.

Лекин, шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар масаласи бирданига, бир хил ечимга келинмаган. Бу ўзаро муносабатлар асосан икки поляр нуқтаи назардан келиб чиқади.

Нативизм йўналишининг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни туғма характерга эга, деб эътироф этадилар. (Ленц, Грубер ва бошқалар).

Эмпиризм тарафдорларининг фикрича, янги туғилган бола гўёки «топ - тоза тахта»(tabula rasa), унга ҳаёт ва ундаги талаблар ўзининг қонуниятларини ёзади ва бола уларга сўзсиз бўйсунмишга мажбур. Бу йўналишнинг асосчиларидан бири Дж. Локк бўлиб (1632 - 1704) унинг фикрича, туғма фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хоҳиш - тилак ва оғриқ каби элементар сезгиларнинг қайта ишланиши натижаларидир. Ҳаётда ана шунга ўхшаш турли хил сезгилар ва ғояларнинг ассоциацияси рўй беради.

Г. Лейбниц (1646-1716) Локка эътироз билдириб, ҳаётда умуман тоза, соф досканинг ўзи бўлмайди, ҳаттоки энг яхши силлиқланган мармар юзасида ҳам сезиларли тешиқлар, дўнгликлар ёки туғма асоратлар бўладики, улар лаёқатлардек инсон тақдирида маълум рол ўйнайди. Бу иккала йирик йўналиш ўртасидаги тортишувларга чек қўйиш мақсадида **Ф. Гальтон** қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказиб, ҳар бир индивидга хос дифференциал хусусиятлар мавжудлигини «эгизаклар методи» ёрдамида асослашга ҳаракат қилди.

Лекин юқоридаги фикрлар ва тортишувларнинг келиб чиқиш сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳиятини тушуниш ва унинг хулқини бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг нормаларига бўйсунди, унинг кутишларига жавоб беришга ҳаракат қилади ва ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга интилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шахс феноменига таъриф бериш мумкин.

Ш а х с - *ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир.* Шахсга тааллуқли бўлган энг муҳим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишлиқдир.

Шахсга тааллуқли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий қилиб айтганда, инсон боласи илк ёшликданок «менинг ҳаётим», «бизнинг дунё» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит ўша биз билган ва ҳар куни ҳис қиладиган сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит - келишувлар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли хил тиллар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшилади, баъзилар қисман қўшилади. Бу шундай қоидалар ва нормалар оламики, уларга бўйсунмаслик жамият томонидан қораланади, таъқибланади. Шулардан келиб чиқадиган хулоса шуки, шахс жамиятга нисбатан барча тартиб - қоидаларни қабул қилувчи субъект бўлса, *жамият - ижтимоий интизом ва тартибнинг, маданиятнинг муфассал кўринишидир.*

Шахс ижтимоий хулқиға турли ташқи кучлар таъсир қилади: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таъсиротлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат коллективлари, норасмий ташкилотлар, дин, санъат, маданият ва бошқ.) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва мафкура мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб, бошқа ўқув ва тарбия муассасалари орқали онга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса, ва унда яна янгидан - янги фикрлар ва ғояларнинг пайдо бўлиши, ўсишига олиб келса, шахс тараққиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, ўз қобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўқитувчи, ёки врач, ёки олим, кашфиётчи, муҳандис бўлиб, элу - юртига хизмат қилади.

Иқтисодий муносабатлар ҳам шахс онги ва унинг инсоний хусусиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, босқичма - босқич бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иқтисодий ўзгаришлар, бозор, рақобат, легализация ва шунга ўхшаш янгиликлар ҳар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иқтисодий онги, тафаккури ва иқтисодий хулқи нормаларини белгилайди.

Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс

Ижтимоий норма - шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атвориға нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонаға кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, «Ассалому алайкум» деб келиши - норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги - норма; хотиннинг эр ҳурматини ўрниға қўйиши, қайнонаға гап қайтармаслик - норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарға, ногиронларға ўрин бўшатиши - норма, ва ҳақозо. Бу нормаларни айрим - алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. *Ижтимоий санкциялар* - нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектиға айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда, агар

жамоат транспортида катта муйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўзи билан қараши, ёки оғзаки танбех бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг қўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, «кўзини мошдай қилиб очиб қўйиш» ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида ҳулқида намоён этади. *Рол* - шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш - у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўша олийгоҳ ички тартиб - интизоми нормаларига сўзсиз бўйсунуш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолав талаблари доирасида кундалик ўзлаштиришни бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади. Бу рол унинг уйга боргач бажарадиган «фарзандлик» роли (ота-она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади. Яъни, конкрет шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли-туман ижтимоий ролларнинг характеридан келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир «тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли» дейилса, кимдир - беъмани, бебош, ўзгарувчан, икки юзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда - бетартиб) деган ҳаётий мавқега эга бўлиб қолади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўплиги сабабли ҳам, турли вазиятлардаги унинг мавқеи - статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачарок, ноқулай ва нобопроқ мавқеи эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда - шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади - бир томондан, талабачилик ва унинг талаблари, иккинчи томондан - касбдошлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазият ва бозор муносабатлари шароитидаги рақобат муҳити шахсдан бир вақтнинг ўзида қатор қобилиятлар ва малакаларни талаб қилмоқдаки, айниқса, ёшлар ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослашиш учун баъзан бир-бирига зид хислатларни ҳам ҳулқда намоён қилишга мажбур бўлишмоқда. Масалан, ёш оила бошлиги, талаба, ота - оналарга моддий жиҳатдан қарам бўлмаслик учун, бир вақтнинг ўзида

хам итоаткор, интизомли талаба ва ишдан кейин эса - чаққон ва уддабурон, тадбиркор, тижоратчилик билан шуғулланишга мажбур бўлиши мумкин. Бу ҳолат табиий, шахсдан кучли ирода, доимий интилувчанлик ва ўз устида муттасил ишлашни талаб қилади.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши

Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ - ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз - ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ - шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари, уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ - «Мен» - образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади.

«Мен» - образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёнидир, деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, ноъмақул сифатларни англамасликка, уларни «яширишга» ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Мен» - образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гуёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда **рефлексия** деб аталади. *Унинг моҳияти* - айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия «Мен» - образи эгасининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингизни учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошаётганлигига

эътибор бермадингиз. Шу нарсани сиз унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, ҳаёли бошқа ерда турганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айти шу пайтда «махмадона, лақмароқ» бўлиб қолганингизни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги ҳатога йўл қўймаслик учун «Ўртоқ, шошмаяпсанми?» деб сўраб ҳам қўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар («мен унга қандай кўриняпман?») - рефлексиядир.

Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айтганда, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган «катталиқ» ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги «Мен» - образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик хислатларининг ўзида айти пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган «Мен» - образи қатор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташқи тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос қатор бошқа сифатларнинг бор - йўқлигига боғлиқ ҳолда «Мен» образи мазмунан идрок қилинади. Қизларда ҳам ортиқча вазн ёки терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар, тақинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос турмаги бу нуқсонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

«Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо

«Мен» - образи асосида ҳам бир шахсда ўз-ўзига нисбатан баҳолар тизими шаклланадики, бу тизим ҳам образга мос тарзда ҳар хил бўлиши мумкин. **Ўз-ўзига нисбатан баҳо** турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси, шу тажриба асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни, айти бирор иш, ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида - аксинча, пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга, яъни, унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мактовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа бир ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни, бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга яқин (адекват), тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни уddaлай олмаслик,

турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам, доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четрокда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик қайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борлигидан «қочишга» интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳо ўта юқори ҳам шахс хулқ-атворида яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мактовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат «ноадекватлилик эффекти» деб аталиб, унинг оқибатида шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, ўқувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради ҳам (масалан, «ҳалакит берди-да», «фалончи бўлмаганида» каби баҳоналар кўпаяди). Яъни, нимаики бўлмасин, айбдор ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, тақдир айбдор. Бундайлар ҳақида бора-бора одамлар «оёғи ердан ўзилган», «манмансираган», «димоғдор» каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Реалистик баҳо шахсни ўраб турганлар - ота-она, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, кўни-кўшни ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданоқ холис қабул қилишга, ўз вақтида керак бўлса тўғрилашга ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун эталон, ибратли ҳисобланган инсонлар гуруҳи - **референт** гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки биз кундалик ҳаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига қулоқ солавермаймиз, биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг ҳаттоки, оддийгина танбеҳлари, маслаҳатлари, ҳаттоки, мактаб туриб берган танбеҳлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай референт гуруҳ реал мавжуд бўлиши (масалан, ота-она, ўқитувчи, устоз, яқин дўстлар), ёки нореал, ҳаёлий (китоб кахрамонлари, севимли актёрлар, идеал) бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тазъийқ кўрсатиш керак бўлса, уларнинг эталон, референт гуруҳини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар эталон ролини ўйнаши оқибатида шаклланадиган ўз-ўзига баҳо - ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси ҳисобланади. Масалан, мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлари онгига миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, адолат ва мустақиллик мафқурасига садоқат ҳисларининг тарбияланиши, табиий, ҳар бир ёш

авлодда ўзлигини англаш, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат маънавиятини кадрлаш ҳисларини тарбияламоқда. Бу эса, ўша юксак ўз-ўзини англашнинг пойдевори ва муҳим шакллантирувчи механизмидир. Демак, ўз-ўзини баҳолаш - ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезонидир. Ўз-ўзини тарбиялаш омиллари ва механизмларига эса, қуйидагилар киради:

- ўз-ўзи билан мулоқот (ўзини конкрет тарбия объекти сифатида идрок этиш ва ўзи билан мулоқотни ташкил этиш сифатида);
- ўз-ўзини ишонтириш (ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониш орқали, ижобий хулқ нормаларига бўйсундириш);
- ўз-ўзига буйруқ бериш (тиғиз ва экстремал ҳолатларда ўзини қўлга олиш ва мақбул йўлга ўзини чорлай олиш сифати);
- ўз-ўзига таъсир ёки аутосуггестия (ижтимоий нормалардан келиб чиққан ҳолда ўзида маъқул установкаларни шакллантириш);
- ички интизом - ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони, ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифат.

Юқоридаги ўз-ўзини бошқариш механизмлари орасида психологик нуқтаи назардан ўз- ўзи билан амалга ошириладиган **ички диалог** алоҳида ўрин тутди. *Ўз-ўзи билан диалог* - оддий тил билан айтганда, ўзи билан ўзи гаплашишдир. Аслида бу қобилият бизнинг бошқалар билан амалга оширадиган ташқи диалогларимиз асосида ривожланади, лекин айнан ички диалог муҳим регулятив роль ўйнайди. Е. Климов бундай диалогнинг уч босқичини кўрсатиб ўтади.

Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар

Шахс ижтимоийлашувининг энг асосий маҳсули - бу унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга манфаат келтирувчи фаолиятларда иштирок этишидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, шахснинг йўналганлиги масаласига ҳам фанда катта эътибор берилади. *Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йўналтириб турадиган ва реал вазиятларга нисбатан тургун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик шахснинг йўналганлиги деб аталади.*

Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмларини қуйидагилар ташкил этади:

Масъулият. Бу ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуқлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади.

Мақсадлар ва идеаллар. Ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклланадиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мулжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон - маънавиятсиз пессимистдир. Бу мақсадлар доимо ўзининг анланганлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеаллар ҳам рол ўйнайди. Идеаллар - шахснинг ҳозирги реал имкониятлари чегарасидан ташқаридаги орзу-умидлари, улар онгда бор, лекин ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Чунки

уларнинг пайдо бўлишига сабаб бевосита ташқи муҳит бўлиб, ўша идеаллар объекти билан шахс имкониятлари ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, ўсмирнинг идеали отаси, у отасидай машхур ва эл суйган ёзувчи бўлмоқчи. Бу орзуга яқин келажакда эришиб бўлмайди, лекин айнан ана шундай идеаллар одамга мақсадлар қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишга иродани сафарбар қилишга ёрдам беради.

Қизиқишлар ва дунёқараш. Қизиқишлар ҳам англаган мотивлардан бўлиб, улар шахсни атрофида рўй бераётган барча ҳодисалар, оламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар борасида фактлар тўплаш, уларни ўрганишга имкон берувчи омилдир. Қизиқишлар мазмунан кенг ёки тор, мақсад жиҳатидан профессионал, бевосита ёки билвосита бўлиши, вақт томондан барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шундаки, улар шахс дунёқарашини ва эътиқодини шакллантиришга асос бўлади. Чунки *эътиқод* шахснинг шундай онгли йўналишики, унга ўз қарашлари, принциплари ва дунёқарашига мос тарзда яшашга имкон беради. Ҳалқ доимо эътиқодли инсонларни ҳурмат қилади. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин - Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, ахлоқий нормаларга, оилага, гўзалликка ва шунга ўхшаш.

Эътиқод ва қизиқишлар ҳар биримиздаги дунёқарашини шакллантиради. *Дунёқараш* - тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўлига - касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир.

Темперамент ва характер

Шахс шаклланишида унинг темпераменти ва характери таъсири муҳимдир. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда *темперамент* - *шахс фаолияти ва ҳушнинг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.*

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутди: олий ўқув юртида талабалар сафига қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши, ёки ҳаётнинг огир синовлари (яқин кишининг улими, ишдан ҳайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр

намоён қиладиган реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам иккала вазиятни ҳам кимдир оғир-босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада ҳис-ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқеи эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан ҳурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётини воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни «яхши - ёмон», «аҳамиятли - аҳамиятсиз» мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан «сезгирлигини» тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментал хусусиятлар аслида туғма ҳисоблансада, шахсга бевосита алоқадор ва англандиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш ҳаракатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш ва шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Академик И. Павлов темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссаларини ажратган эди:

■ **к у ч**, яъни нерв тизимининг кучли кўзгатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра одамлардаги меҳнатга яроқлилик, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши:

■ **м у в о з а н а т л а ш г а н л и к**, яъни асабдаги тормозланиш ва кўзгалиш жараёнларининг ўзаро мутоносиблиги, шунга кўра, ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши;

■ **х а р а к а т ч а н л и к**, яъни кўзгалиш ва тормозланиш жараёнларидаги ўзаро алмашиниш жараёнининг тезлиги ва ҳаракатчанлиги маъносида. Қуйидаги расмда нерв жараёнлари билан темперамент типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида темперамент типлари акс эттирилган.

НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ТИПЛАРИ

Мувозанатлаш ган	мувозантсиз	инерт	Кучсиз
---------------------	-------------	-------	--------

сангвиник	холерик	флегматик	Меланхолик
-----------	---------	-----------	------------

Т Е М П Е Р А М Е Н Т

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилади. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятлармизни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охириги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс тизимида шундай маъкул, «ҳаётий кўрсаткичли» хусусиятлар тизимини ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В.С. Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиклик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, қайфиятнинг тургунлиги, беҳаловатлилиқ, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзгартириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда шахснинг меҳнат қилиш услубини танлаш ва профессионал маҳоратни устиришда айна шуларга эътибор бериш керак. Масалан, баъзилар холерикларга ўхшаш қизиқкон, тезкор бўлишади. Унинг меҳнат жараёнидаги ишини кузатадиган бўлсак, фаоллик, ишни тез бажаришга лаёқат ижобий бўлса, унинг сифати, чала ташлаб кетиш ҳавфи, баъзи томонларига юзаки қараши кишини уйлантиради. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳаётда соф темперамент ҳам бўлмайди ва у ёки бу темперамент типи жуда яхши ҳам эмас. ҳар бир типнинг ўзига хос нозик, кучсиз томонлари ва шу билан бирга кучли, ижобий томонлари ҳам бўлади.

Характер ва шахс

Кундалик ҳаётимизда тилимизда «характер» сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар «босилган тамға» деб ҳам изохлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, «муносабат» категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) **эмоционал - когнитив** - борлик муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **мотивацион - продавий** - маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг ҳиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машхур рус олими , психология фанининг методологиясини яратган

С.Л. Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда унга асосий тузилмаларни ажратган эди;

Муносабатлар ва йўналиш шахдаги асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хошлаши.

Қобилиятлар ана шу тилак-истакларни амалга ошириш имконияти сифатида - бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.

Характер имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг к и м эканлиги.

Бу нуқтаи назардан қараганда ҳам, характер шахснинг «танаси», борлиги, конституциясидир. Характернинг бошқа индивидуал-психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик, орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга ўтиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Характер муаммосини илмий ўрганишда Б.М.Теплов, С.Мерлин, Е.А.Климовларнинг тадқиқотлари аҳамиятлидир. Чунки уларнинг тадқиқотларида ўқиш, спорт, меҳнат фаолиятларида шахснинг ҳаракат усуллариининг индивидуал фарқлари масаласи кўрсатиб берилган.

Умуман, қонун ҳолатида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда характернинг тури қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, уйда (катта ўзбек оиласи мисолида оладиган бўлсак) катта ёшли ота-оналар олдида ўта босиқ, кўнувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътирозсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил бўлиши, кўчада жамоатчилик жойларида беғам, лоқайд, биров билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз-ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борлиқдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг қуйидаги тизими эътироф этилади:

Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар - меҳнатсеварлик, меҳнатқашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.

Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар - одоблилик, меҳрибонлик, такт, жонсарақлик, дилгирлик, мулоқотга киришувчанлик, альтруизм, ғамхурлик, раҳм-шафқат ва бошқалар.

Ўз-ўзига муносабатга алоқадор характерологик сифатлар - камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибо, шарму - ҳаё, манмансираш ва бошқалар.

Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар - тартиблилик, оқиллик, саронжом-саришталик, қўли очиклик, зикналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг ҳаётдаги

йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш - одамнинг борлиққа нисбатан танловчан муносабатининг акс этишидир. Бундай йўналиш турли шаклларда намоён бўлади: диққатлилиқ, қизиқувчанлиқ, идеаллар, маслаклар ва ҳиссиётларда.

Характер - тарихий категория ҳамдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий давр ўз кишиларини, ўз авлодини тарбиялайди ва бу тафовут одамлардаги характерологик хусусиятларда ўз аксини топади. Масалан, ўтган аср ўзбеклари, XX асрнинг 50-йилларидаги ўзбеклар ва мустақиллик йилларида яшаётган ўзбеклар психологиясида фарқ аввало уларнинг характерологик сифатларида акс этади. Аминмизки, XXI асрнинг ёш авлодлари янада зуккорок, иродалироқ, маърифатли ва маънавиятлироқ бўлади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган сайёҳ-ҳаракатлар янги аср авлодининг руҳан ва жисмонан соғлом бўлишига замин яратмоқда.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши, уларнинг белгилари масаласи ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Аввало характер инсоннинг *ҳатти - ҳаракатлари ва амалларида* намоён бўлади - одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг **к и м** эканлигидан дарак беради.

Нутқининг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.


Ташқи қиёфа - юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жохиллиги, қадам босишлари - тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши - виқорли ёки камтарона, бўларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир.

Бундан ташқари илм оламида жуда кўплаб уринишлар бўлган. Уларда одамнинг турли табиий, туғма хусусиятларига характерни боғлашга уринишлар бўлган. Масалан, *физиономика* одам юз қирралари ва уларнинг бир-бирига нисбати орқали, *хиромантия* - қўл бармоқлари ва кафтдаги чизиклар орқали, кўз ранги ва қарашлар, соч ва унинг хусусиятлари орқали ўрганишга ҳаракат қилинган. Жуда катта шов-шувга эга бўлган Ч. Ломброзо, Э. Кречмер, У. Шелдонларнинг *конституцион назариялари* шахс характерини унинг ташқи кўриниши, тана тузилиши билан боғлаб тушунтиришга ўринган. Бу назариялар жуда қаттиқ танқидга ҳам учраган, лекин келтирилган материал, корреляцион таҳлиллар маълум жиҳатдан индивидуал хусусиятлардаги туғма, мавжуд сифатлар билан характерологик сифатлар ўртасидаги боғлиқлик борлигини исбот қилолгани учун ҳам бу назариялар шу вақтгача ўрганилади.

Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий қонуният шуки, у ташқи муҳит таъсирида, турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитлар ўзгариши билан ўзгаради. Ҳар бир касб-хунар ўзининг талаблари мажмуи - профессограммасига эгаки, у шу касб билан шуғулланаётганлардан ўзига хос психологик қирралар ва хоссалар бўлишини тақозо этади (психометрия). Шунинг учун ҳам врачнинг, ўқитувчининг,

муҳандиснинг, ҳарбийларнинг, артистларнинг ва бошқаларнинг профессионал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллиги ичида эса характерологик ўзига хослик катта аҳамиятга эга ва буни нафақат шахснинг ўзи, балки уни ўраб турган бошқалар ҳам яхши билишлари керак.

Темперамент ва унинг турлари.



Характер ва унинг тизими

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлигига, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз- ўзига муносабатини ифодалайди


Характернинг намоён бўлиш тизими:

1. *Меҳнатдаги хусусиятлар* - меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик


2. *Инсонларга муносабатлардаги сифатлар* - одобилик, меҳрибонлик, такт, жонсаралик, дилгирлик, альтруизм, мулоқотга киришувчанлик, ғамхурлик, раҳм-шафқат

3. *Ўз-ўзига муносабатдаги сифатлар* - камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибодат, шарму - ҳаё, манмансираш

4. *Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар* - тартиблилик, оқиллик, саронжом-саришталик, қўли очиклик, зикналик, тежамкорлик, покизалик



Қобилият ва унинг хусусиятлари



Саволлар:

1. “Шахс” - тушунчасининг таърифи қандай?
2. Нativизм йўналишининг таърафдорлари қандай ғояни илгари суришган?
3. Эмпиризм тарафдорларининг фикри қандай?
4. Ижтимоий норма нима?
5. Ижтимоий санкция нима?
6. “Мен” образи деб нимага аталади?
7. Темперамент нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
8. Характер хислатлари нималарда намоён бўлади?
9. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар қайси?

“Психологиянинг долзарб масалалари” курси бўйича тест саволлари

1. Ўқув жараёнининг асосий вазифаси

1. Таълим-тарбия бериш.
2. Касбга тайёрлаш.
3. Шахсни ривожлантириш
4. Лаёқат ва қобилиятларини юзага чиқариш, ривожлаштириш.

2. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимлари тузилмасидаги “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Мараказлари”нинг асосий вазифалари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

1. Ўз ҳудудидаги 6 ёшли болаларни психологик-педагогик жиҳатдан ташхис қилиш ва шу асосда 6 ёшдан бошлаб мактабга қабул қилиш тўғрисида тавсияномалар бериш.
2. Ўз ҳудудидаги мактаб ўқувчиларини ҳар йили тиббий-педагогик текширишлардан ўтказиш.
3. Келгусида ўқишларини давом эттириш учун тавсиялар бериш.
4. Ҳамма жавоблар тўғри

3. “Социометрик метод”нинг моҳияти

1. Гуруҳларда муомалага лаёқатлиликни ўрганиш
2. Гуруҳлардаги шахслараро муносабатни аниқлаш
3. Гуруҳ аъзоларининг темпераментини аниқлаш методи
4. Шахс ҳулқ -атворини аниқлаш методи

4. Кичик мактаб ёшида етакчи фаолият...

1. Ўйин
2. Таълим
3. Эмоционал мулоқат
4. Ўқиш

5. Адаптация...

1. Мослашув
2. Ўзгариш
3. Ўтиш
4. Вазият

6. Мулоқотнинг шахслараро муносабатларда ҳулқ-атворга таъсир этувчи томони:

- а) интерактив;
- б) коммуникатив;
- в) перцептив;
- г) рефлексив.

7. Мулоқотнинг шахслараро муносабатларда ахборот, маълумот, фикр алмашинуви томони:

- а) интерактив;
- б) коммуникатив;
- в) перцептив;
- г) рефлексив.

- 8. Мулоқотнинг шахслараро муносабатларда бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари :**
- а) интерактив;
 - б) коммуникатив;
 - в) перцептив;
 - г) рефлексив.
- 9. Шахс учун таклид қилиш ва андоза олиш гуруҳи тури:**
- а) референт гуруҳ;
 - б) норматив гуруҳ;
 - в) негатив гуруҳ;
 - Г) қиёслаш гуруҳи.
- 10. Ўқитувчининг ўқувчилар олдида дарсни баён этиши, нутқ сўзлаши:**
- а) диалог;
 - б) полилог;
 - в) монолог.
- 11. Ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, уларда ижодий қобилиятни янада ривожлантириш мақсадида гуруҳ ичида ташкил этиладиган мунозара:**
- а) диалог;
 - б) полилог;
 - в) монолог.
- 12. Ёш давлари қайси тартибда тўғри классификация қилинган.**
- 1. Кичик ёш, ўрта ёш, катта ёш
 - 2. Болалик, ўсмирлик, ёшлик
 - 3. Ўсмирлик, балоғатга етиш, ўспиринлик
 - 4. Гўдаклик, илк болалик, мактабгача давр, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик, етуклик, қарилик
- 13. Ёш инқирози...**
- 1. Ёш босқичларидаги ўтиш қийинчиликлари
 - 2. Ривожланишнинг орқада қолиши
 - 3. Асабий танглик
 - 4. Жисмоний ўсишдаги танглик.
- 14. Бола мактабга қайси жиҳатдан тайёр бўлиши керак?**
- 1. Жисмоний, мотивацион жиҳатдан
 - 2. Ақлий, шахсий-психологик жиҳатдан
 - 3. Ахлоқий, иродавий жиҳатдан
 - 4. Барча жавоблар тўғри.
- 15. Қобилият...**
- 1. Орттирилган хусусият
 - 2. Билиш жараёни
 - 3. Фаолият муваффақияти билан боғлиқ индивидуал хусусият
 - 4. Туғма хусусият.

16. Ёсмирлик даврининг оғир-мураккаб давр эканлиги қайси омиллар билан боғлиқ.

1. Экология, таълим – тарбия омилларига
2. Оилавий шароит, умумий саломатлигига
3. Психологик, физиологик ва ижтимоий омилларга
4. Тўғри жавоб йўқ.

17. Оила вазифалари....

1. Кундалик-хўжалик, репродуктив, ижтимоий назарий
2. Фарзандлар тарбияси, сексуал-эротик, психотерапевтик
3. Эмоционал қўллаб-қувватлаш, ижтимоий назарий (балоғатга етмаган) маънавий мулоқат
4. Барча жавоблар тўғри.

18. Шахснинг фаолият йўналишлари бўйича психологик ривожланиши учун энг қулай давр қандай аталади.

1. Сензитив давр
2. Кризис давр
3. Ёспиринлик даври
4. Кичик мактаб даври.

19. Муайян миллатга ҳос бўлган психологик хусусиятларни ўрганувчи фан бу...

1. Этнопсихология
2. Ижтимоий психология
3. Оила психологияси
4. Умумий психология

20. Ўқитувчининг перцептив қобилияти нима?

1. Қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати.
2. Аудиторияни ўзига жалб қила олиш қобилияти.
3. Аудиторияда ўзига керакли бўлган психологик муҳитни ярата олиш қобилияти.
4. Ҳар бир машғулот учун ўқув-тарбиявий ишларни самарали режалаштириш қобилияти.

21. Ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятлари қайсилар?

1. Феъл-атвор (характер), темперамент (мижоз), қобилиятлар, қизиқиш ва эҳтиёжлар.
2. Эътиқод, дунёқараш, қобилият, ирода, тарбия.
3. Сезгилар, хотира, диққат, орзу-ҳавас, тушкунлик.
4. Лаёқат, истеъдод, тафаккур, аффект, хавотирлилиқ

22. Ўқувчи эгаллаши лозим бўлган ўқув фаолиятининг элементларини тўғри белгиланг.

1. Мотивация, хотира, ўқув топшириқлари, ўқитувчининг назорати
2. Таълим берувчи, маълумот усуллари, ўқув мотивлари, ўқитувчининг баҳолаши.
3. Ўқув мотивлари, ўқув топшириқлари, ўқув ҳаракатлари, назорати, баҳолаши.
4. Барча жавоблар тўғри

23. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари қайсилар.

1. Ички, ташқи, шахсий мотивлар.
2. Билим, кўникма ва малакалар.
3. Установкалар, қадриятлар, орттирилган қобилиятлар.
4. Барча жавоблар тўғри.

24. Бошланғич синф ўқувчисининг ўқишидаги қийинчиликлари сабаблари...

1. Билиш жараёнларининг етарли ривожланмаганлиги
2. Эркин ва мустақил ҳаракат қилиш даражасининг пастлиги
3. Мотивацион соҳаларнинг пастлиги
4. Барча жавоблар тўғри

25. Ўқувчиларда иқтидорлиликни ўрганувчи методлар...

1. Интеллект даражасини аниқловчи тестлар
2. Проектив методикалар
3. Шахсни ўрганувчи тестлар
4. Махсус тестлар

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. - 64 б.
2. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқрлаштириш ва фуқароик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. - 80 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008 й
4. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 1997. 29 август.
5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997. 29 август.
6. Акрамова Ф.А. Инсоний муносабатлар психологияси. – Т.: Шамс-А, 2005. – 68б.
7. Аллахвердов В.М., Богданова С.И. и др. Психология: Учебник. 2-е изд. / Отв. ред. Крилов А.А. Перераб. и доп. – М.: ТК. Велби, Проспект, 2004. – 752 с.
8. Басова Н.В. Педагогика и практическая психология. – М.: Феникс, 2000, 45-61 с.
9. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика: Учебник.2-е изд.- СПб.: Питер, 2009.- 384 с.2 экз.
- 10.Глуханюк Н.С. Практикум по психодиагностике: Учеб. пособ. 3-е изд., испр.- М.: Московского психолого - социального института; Воронеж НПО «МОДЕК», 2006.-208 с.
- 11.Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. – Т., 2002, 55-бет.
- 12.Дружинина В. Психология. – СПб.: Питер, 2003, -56 с.
- 13.Еникеев М.И. Общая и социальная психология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2005. – 624 с.
- 14.Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси // Ўқув қўлланма. – Т., 2006.- 142 б.
- 15.Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. – ТДИУ, 2005. – 210 б.
- 16.Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.

- 17.Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 1-қисм. Маърузалар матни. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 208 б.
- 18.Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 2-қисм. Маърузалар матни. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 125 б.
- 19.Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш: (Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма) / – Т.: Шарқ, 2000. – 112 б.
- 20.Karimova V.M., Hayitov O.E., Akramova F.A., Lutfullayeva N.X. Psixologiya: Nopedagogik va nopsixologik oliy o’quv yurtlari uchun DARSLIK. – Т.: TDIU «Talaba», 2010. – 308 б.
- 21.Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
- 22.Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010. – 544 б.
- 23.Давлетшин М.Г. «Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси». – Т., 1999 й.
- 24.Дўстмухамедова Ш.А. Ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси. – Т., 2000 й.

